

Ғайбулла БОБОЁРОВ
Бобир ҒОЙИБОВ



СУФДШУНОСЛИККА
КИРИШ - I.
СУФДИЙ ТИЛ ВА НУМИЗМАТИКА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ғайбулла БОБОЁРОВ

Бобир ҒОЙИБОВ

СУҒД ШУНОСЛИККА

КИРИШ – I.

СУҒДИЙ ТИЛ ВА НУМИЗМАТИКА

ТОШКЕНТ – 2018

Ғайбулла Бобоёров, Бобир Ғойибов

Суғдшуносликка кириш— I. Суғдий тил ва нумизматика/ Ғ.Бобоёров,
Б.Ғойибов; маъсул муҳаррир М. Исҳоқов. – Тошкент: 2018. 70 б.

Маъсул муҳаррир: т.ф.д. М.М.Исҳоқов

Тақризчилар: т.ф.д. А. Отахўжаев

© Ғайбулла Бобоёров, Бобир Ғойибов

Мундарижа

СҮЗ БОШИ	4
I. СУҒДИЙ ТИЛ ВА УНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ.....	7
§-1.Умумий қоидалар	7
§-2.Суғдий тил билан танишув	12
§-3. Суғдий тил грамматикаси	19-20
II. НУМИЗМАТИКА	39-40
§-1. Умумий маълумот	39-40
§-2. Илк ўрта асрларга тегишли суғдий ёзувли тангалар	40-41
Хулоса	58-59
Фойдаланилган адабиётлар	60-64
Иловалар	64-69

СЎЗБОШИ

Марказий Осиё халқлари қадим аждодлари дунё цивилизациясига ўзларининг муайян улушини қўшган халқлар қаторида жой олган. Бу уларнинг милоддан аввалги бир мингийилликнинг ўрталарида ёқ Самарқанд, Бухоро, Марв, Балх, Термиз Нахшаб, Чоч, Ахсиканд, Кот (Хоразм), Кошғар, Хўтан каби йирик шаҳарлар барпо этганликларида, Скиф (Сак), Хун, Кушон, Қанғ, Юечжи каби улкан салтанатлар ҳамда Катта Хоразм, Бақтрия, Суғд, Крорайна (Шарқий Туркистон) сингари воҳа давлатларида асос солғанликларида, шунингдек, бир неча ёзув тизимларини яратганликларида ўз ифодасини топган.

Ушбу шаҳарлар ва сиёсий уюшмаларининг деярли барчаси минтаقا тарихида ўзига хос из қолдирган. Айниқса, Буюк Ипак йўлининг ҳар иккала тармоғи – Хоразм – Сирдарё ҳавзалари – Чоч – Фаргона – Кошғар устидан ўтиб, Олтой ва Хитойга етиб борувчи “Шимолий тармоқ” ва Марв – Термиз – Балх – Хўтан шаҳарлари бўйлаб Хитойга уланиб кетувчи “Жанубий тармоқ”нинг фаолиятида улатларнинг ўрни бўлакча бўлган. Хусусан Суғд давлатининг асосчилари бўлмиш суғдийлар ўзларининг савдо-сотиқда моҳирлиги ва ҳунармандчиликда усталиги билан нафақат қўшни ўлкаларда машхур бўлганлар, балки қобилияти орқали қунботарда – Яқин Шарқ ва Шарқий Европада, қунчиқарда – Хитой, Узок Шарқ, Тибет, Ҳиндистон халқларининг назарига тушганлар.

Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган савдо манзиллари фаолиятининг жонлилигини таъминлаган, ўнлаб ўлкалардаги турли-туман тилларда сўзлашувчи халқлар орасида ўзаро мулоқот тили вазифасини бажарган суғдий тил қарийб минг йил давомида, яъни, милоддан олдинги сўнгги асрлардан то X асргача бўлган давр мобайнида ўз мақомини сақлаб келди.

Суғдийларнинг тарихий ролини ёритишни мақсад қилган ушбу рисолани тайёрлаш мобайнида асосан эронлик суғдшунос олима Зухра Заршиноснинг “Суғд тилига умумий бир нигоҳ” номли тадқиқотидан кенг фойдаланилди. Тадқиқот Шокиржон Олимов томонидан ўзбек тилига ўгирилган бўлиб, таржимон мазкур ишни катта маҳорат билан амалга оширган¹. Эронлик тадқиқотчи мазкур тадқиқотини яратишда япон суғдшуноси Ютака Ёшида томонидан ёзилган “Суғд тили” инглиз эроншуноси Николас Симс-Виллямс қаламига мансуб “Суғд тили” ва Илья Гершевичнинг “Монавий суғд тили грамматикаси” китобида² келтирилган маълумотларни эътиборга олгани, шунингдек, Бадруззамон Ғарийбнинг

¹ Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ / Форс тилидан Ш. Олимов таржимаси // СИНО илмий-адабий, фалсафий-ирфоний, маънавий-маърифий уч ойлик журнал. –Т., 2011. – №. 37-40. – Б. 4-35.

²Gershewitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. – Oxford, 1954. – I –X, 2-ed. – Oxford, 1961.

суғдий тил асосида ёзилган тадқиқотларига³ таянган ҳолда амалга оширганини таъкидлайди. У ушбу тадқиқоти орқали “Суғдшунослик йўлига эндиғина қадам қўйганлар учун суғд тили тўғрисида маълумот бериш ҳамда суғд тили грамматикасининг умумий тарҳини оддий ва тушунарли тилда кўрсатиб беришни⁴ ўз олдига мақсад қилиб қўйган”ини айтиб ўтади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, биз ўз рисоламизни тайёрлаш жараёнида мазкур тадқиқотнинг ўзбекча таржимасидан унумли фойдаланиш билан биргаликда, кейинги йилларда ўзбек суғдшунослари томонидан бу соҳада қўлга киритилган илмий ютуқ ва янгиликларни илм аҳлига, шунингдек, талабалар ва соҳа қизиқувчиларига етқазишни мақсад қилиб қўйдик. Дарҳақиқат, мамлакатимизда М.Исҳоқов етакчилигига ўнлаб суғдшунос олимлар етишиб чиққан бўлиб, улар орасида А.Отахўжаев, Ў.Мансуров, Ф.Бобоёров, А.Кубатин, Б.Ғойибовларни айтиб ўтиш мумкин. Кейинги йилларда ўзбек суғдшунослик мактаби вакилларининг суғдий эпиграфика (М.Исҳоқов) ва нумизматика (Ф.Бобоёров, А.Кубатин) соҳаларида амалга оширган ишлари жаҳон суғдшунослиги эътирофини қозонган бўлса, суғдийларнинг Буюк Ипак йўли бўйлаб фаолияти тарихи, турк-суғд симбиози масалалари (А.Отахўжаев), илк ўрта асрлар Суғд давлатчилиги (Б.Ғойибов) бўйича эълон қилинган ишлар кўпчиликнинг назарига тушди. Манбашунос ва тарихчи олим Ш. Камолиддин қарийб беш йилдан бери ўзбекистонлик тилшунос ва тарихчиларнинг суғдшунослик соҳасидаги илмий изланишларини жамлаган ҳолда “Суғдий тўплам. Суғд тарихи ва маданияти тарихи бўйича Ўзбекистонда амалга оширилган янги тадқиқотлар” рукни остида йиллик нашрлар эълон қилиб боради. Ушбу рисола муаллифлари ҳам мазкур йиллик нашрларда ўз мақолалари билан фаол иштирок этмоқдалар⁵.

³Gharib B. Sogdian dictionary. Sogdian-Persian-English. Tehran: Farhangan Publications. 1995; Gharib B. Ph.D.Dissertation. Analusis of the Verbal System in the Sogdian Language. University of Pensulvania, Ann Arbor, Michigan: University Microfilms, ins. 1965.

⁴Суғдий тилнинг фонетик тизими ва грамматикаси борасидаги батафсилоқ маълумотларни “Моний суғдий тили грамматикаси” китобидан топиш мумкин (Қаранг: Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. – Oxford, 1954. – I – X, 2-ed. – Oxford, 1961). Шунингдек, ушбу тил грамматикасининг ҳар бир бўлими тафсилотлари билан танишиш учун маҳсус тадқикот ҳам яратилган (Қаранг: Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкоznания. Среднеиранские языки. - М.: Наука, 1981. – С. 347-541).

⁵Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолиддин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2013. – 17-23; Бабаяров Г. Доисламские монеты Бухары с изображением парного портрета // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 4/ Под. ред. Ш. Камолиддин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2017. – С. 105-125; Гойибов Б. Согдийская конфедерация: формирование и особенности // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 4/ Под. ред. Ш. Камолиддин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2017. – С. 5-16.

Қўлингиздаги ушбу рисола муаллифлари шу каби илмий масалаларни эътиборга олган ҳолда китобхонларни ўзбекистонлик сүғдшунослар ишларидан имкони борича таништириб бориш ниятидалар. Шу мақсадда келажакда сүғдшунослик бўйича туркум тадқиқотлар эълон қилишни режалаштирган муаллифлар “Сүғдшуносликка кириш – I. Тил ва нумизматика” деб номланган мазкур рисолада ўқувчиларни сүгдий тил қонуниятлари билан қисқача таништириш ва ўзбекистонлик нумизматлар томонидан қўлга киритилган тангашуносликка доир айрим янгиликларни келтириб ўтишни лозим топдилар.

I. СУҒДИЙ ТИЛ ВА УНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

1. Умумий маълумотлар

1.1. Номи

Суғдий тил⁶ (суғдий ёзувда:*sγwδyω zβ'k* “суғдий тил” маъносида⁷.

Суғд ҳукмдорлигининг маҳаллий номи:

(қадимги шакли) **سۇغۇد** **سۇغۇد** (илк ўрта аср.)
Транскрипцияси:*sγwδyk*

1.2. Тарқалган ҳудуди

1.2.1. Марказий шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро, Нахшаб, Кеш, Панч.

“Самарқандлик” маъносида “Смаркандин” ибораси ишлатилиб, бу сўз ёзувда қуидагича ифодаланган:

(қадимги шакли) **سۇغۇدلىقىزىخان** **سۇغۇدلىقىزىخان** (илк ўрт аср.)

1.2.2. Суғдий тил тарқалган ҳудудлар

Суғдий тилдан бизгача сақланиб қолган ёзма ёдгорликлар асосан XX асрнинг илк ўн йилларидан ҳозирги Хитой давлатининг Дунхуан ўлкаси ва Хитой Туркистонидаги Турфон воҳасидан ҳамда Тожикистон ҳудудидаги Муғ тоғидан топилган. Шунингдек, Чоч, Фарғона, Сирдарёниң ўрта ҳавзаси, Еттисув ҳудудларидан ҳам бир қатор суғдий битиклар топилиб ўрганилган.

Суғдий тил қадим ва илк ўрта асрларда бугунги Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларидан оқиб ўтувчи Зарафшон дарёси ҳамда Қашқадарё дарёси воҳаларида жойлашган Суғдиёна ўлкасида тарқалган. Бундан ташқари, Македониялик Искандар босқини натижасида ўз она ватанини ташлаб Буюк Ипак йўли бўйлаб суғдий савдо колониялари (асосан ҳозирги Хитой ҳудуди) вужудга келган бўлиб, бу ҳудудларда ҳам суғдий тил ва ёзув амалда қўлланилган. Шунингдек, Сирдарё ҳавзалари (Чоч, Ўтрор, Сайрам), Еттисув (Иссиққўл, Талас ва Чу дарёлари ҳавзалари), Кошғар ва Турфон (Шарқий Туркистон)да ҳам суғдийларнинг қишлоқ ва шаҳарлари мавжуд бўлган.

⁶Ўзбек тилли адабиётларда кўп холларда “сүғд” ёки “сўғд” атамаси ҳам этник ном, ҳам муайян географик ҳудуд ёки ҳукмдорлик номи учун қўлланилаётгани кўзга ташланади. Бу ҳолат баъзи ўринларда айнан ҳалқ ёки тарихий ўлка ҳақида бораётганлиги масаласида чалкашликлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, муайян этнос номи ва тил сифатида “сүғдий”, тарихий-географик ўлка номи сифатида эса “Суғд” атамасини ишлатишни маъқул топдик.

⁷Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. – Oxford, 1954. – I – X, 2-ed. – Oxford, 1961.

630- йилларда бу худудлардан ўтган хитой роҳиби Сюан Цзан (627-645) ўз саёхатномасида “Су-йе шуй (Сүёб) шаҳридан Цзе-шуан-на (Кешания/Кеш) мамлакатигача чўзилган ўлкага Су-ли (Сүгд) номи берилган. [Ушбу ўлка] аҳолиси ҳам худди шу ном билан аталади. Ёзув ва тили ҳам ушбу ном билан юритиласди” мазмундаги маълумотни қайд этган бўлиб⁸, агар мазкур маълумотдан келиб чиқилса, Еттисувдан то Кеш (Шахрисабз)гача бўлган худуд “Суғд” деб тушунилган ва Чоч ҳам улар орасида жой олган. Фақат баъзи далиллар хитой роҳибининг мазкур маълумотини том маънода тушунишга йўл қўймайди. Чунончи, мазкур географик тушунча остида Чоч билан бир қаторда Фарғона ҳам тушунилиши керак эди. Бунинг аксига фарғоналиклар тили ҳакида Сюань Цзаннинг ўзи “[Фей-хан мамлакати аҳолиси] тили бошқа мамлакатларницидан фарқлидир” шаклида маълумот келтириши, ундан қарийб юз йил кейин минтақага ташриф буюрган бошқа бир хитой сайёхи Хой Чао (723-726) ҳам Фарғона ҳакида “Тили бошқача бўлиб, ўзга мамлакатликларницига ўхшамайди” деб ёзиши масалани чигаллаштиради⁹. Бундан келиб чиқадики, фарғоналиклар тили суғдий тилдан тубдан фарқ қилган. Акс ҳолда юқорида келтирилган маълумот Еттисув ва Жанубий Суғд (Қашқадарё) воҳаси оралиғида жойлашган барча ўлкалар учун ҳам тааллуқли бўлиб, битта манбанинг ўзида бу каби тафовутли фикрлар баён қилинмасди.

Демак, фарғоналикларга ўхшаб оччиликларнинг маҳаллий тили ҳам суғдий тилдан фарқ қилган. Ҳар ҳолда Сюань Цзан муайян бир ўлка, аҳоли, ёзув ва тил номи сифатида эътироф этган Су-ли (Сүгд) ибораси асосан Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларини ўзи ичига олган асл Суғд ўлкаси ва суғдийлар кейинчалик кўчиб бориб, аҳолининг катта қисмини ташкил қилган Еттисувнинг ўтроқ аҳолиси учун қўлланилган. Ушбу атама мазкур иккала худуд оралиғида жойлашган баъзи бир воҳалар аҳолисига нисбатан ишлатилган бўлиши мумкин. Шу ўринда бир қатор эроншунос лингвистлар томонидан билдирилган “Сюан Цзан Су-ли аҳолиси ва сулиликларнинг тили деганда асл Суғд (Зарафшон – Қашқадарё ҳавзалари), Еттисув, Исфижоб, Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ва Чочнинг муҳим бир қисмини ташкил қилган суғдийлар ва уларнинг тили тушунилган” мазмундаги қарашларни келтириб ўтиш лозим.

XI асрда яшаган буюк туркий аллома Маҳмуд Кошғарий ҳам айнан Чочнинг шимолидаги Исфижоб (Сайрам)дан то Тароз ва Балосоғун (Еттисув)гача бўлган худудда яшовчи аҳолининг ҳам суғдийча, ҳам туркча,

⁸Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre Türkistan. Basılmış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003. – S. 113.

⁹Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726)//ВДИ. 1. – М., 1952. – С. 193.

яъни икки тилда сўзлашиши ҳақида гапириб, уларнинг Самарқанд ва Бухоро орасидан кўчиб келганликларини таъкидлайди¹⁰. Гарчи ушбу маълумот анча кейинги даврга – XI асрга тааллуқли бўлса ҳам, суғдийларнинг кучли туркий мухитга тушиб қолиб, турклашув жараёнига тортилиш даври илк ўрта асрларга, асосан, Турк хоқонлиги даврига тўғри келади. Кошғарий келтирган маълумотлар айнан шу даврларга тааллуқли бўлса керак. Чунончи, суғдийларда турклашув жараёнининг кучайиши айнан илк ўрта асрларга тўғри келишини тасдиқлайдиган маълумотлар баъзи хитой йилномаларида учрайди. Йилномаларда баъзан суғдийлар туркларнинг бир қабиласи сифатида тилга олиниши¹¹ ҳам шу каби жараёнлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Сирдарёning ўрта ҳавзалари (Чоч, Ўтрор, Исфижоб / Сайрам)даги илк исломдан олдинги жой номларининг муҳим бир қисмини суғдий асосли топонимлар ташкил қилиши ва уларнинг бутун Чоч воҳаси худудида учратилиши суғдийларнинг бу ерда анчадан бери муқим яшаганлигидан дарак беради. Бир қатор тадқиқотчилар воҳада суғдийларнинг кенг кўламда жойлашуви илк ўрта асрларга, яъни суғдий аҳоли Сирдарёning ўрта ҳавзалари ва Еттисувга кўчиши даврига тўғри келишини таъкидласалар¹², баъзи тадқиқотчилар уларнинг воҳада тарқалишини милоддан аввалги бир мингийилликнинг охирлари – милоднинг дастлабки асрларида рўй берганлигини олға сурадилар. Бизнингча, иккинчи фикр асослироқ. Чунки, милоднинг илк асрларига тааллуқли эпиграфик материаллар (танга-пуллар, сопол лавҳалар ва кумуш идишлар сиртидаги ёзувлар)нинг тили суғдий эканлиги¹³ Чочда бу тил вакилларининг анча илгарироқ тарқалганига гувоҳлик беради. Айниқса, яқин йилларда археологик қазишлар натижасида Арис дарёси (Чимкент) ҳавзасидаги Кул-тўбе харобасидан топилган сопол лавҳанинг тили суғдий эканлиги ва ушбу лавҳа Чоч лашкарбошиси томонидан ўрнатилганлиги бу масалага анчагина ойдинлик киритди.

Қадимги эроний ёзувлар билимдони Н. Симс-Вильямс фикрича, мазкур лавҳа милоднинг дастлабки асрларига тегишли¹⁴. Бу эса мазкур тилнинг воҳа худудида кенг тарқалганлиги ва узоқ йиллар давомида Чочнинг анъанавий маъмурий тили вазифасини бажарганлигидан дарак беради. Бу анъананинг

¹⁰ Кошғарий, Махмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-лугот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. З томлик. – Т.: Фан, 1960–1963. Т. I. – Б. 66.

¹¹ Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар // O’zbekiston tarixi, 2004, №1. – Б. 52-61.

¹² Бернштам А. Н. Согдийская колонизация Семиречья // Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. – М. -Л., 1940, №6. – С. 34-43.

¹³ Кубатин А. К вопросу о раннесредневековом согдийском диалекте Чача (на основе нумизматического материала Чачского оазиса VII–VIIIвв.) // Академик У. Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Т., 2008. – С. 105.

¹⁴ Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys, 1. – Алматы, 2006.– Р. 95-99.

илк ўрта асрларда ҳам давом этганини кўрсатадиган жиҳатлардан бири эса воҳада ҳукм сурган туркий сулолалар танга-пулларининг тили суғдийча эканлигидир. Бундан ташқари, илк ўрта асрларда Чоч ва унинг шимолида жойлашган тарихий вилоятлардаги топонимларнинг муҳим бир қисмини суғдий номлар ташкил қилиши ҳам ушбу регионда суғдий тилли аҳолининг нуфуси сезиларли бўлганидан дарак беради. *Жумладан, Бинкет, Фарнкет, Нукат, Динфагнкет, Фороб, Шавғар, Исфижсоб* ва бошқа ўнлаб жой номлари суғдий негизли эди.

Шу ўринда, суғдшунос олим А. Отахўжаевнинг Чоч воҳасида суғдий аҳолининг ёйилиши ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш лозим: “суғд тужжорлари, ишбилармонлари, ҳунармандлари ва дехқонлари қуйидаги тарихий даврларда: 1) мил. авв. VI асргача; 2) мил. авв. IV – мил. III асрлар; 3) мил. III – VIII асрлар ва 4) VIII – IX асрлардан кейин Чочга кириб келганлар”¹⁵.

Бу даврга хос хусусиятлардан бири бир вақтнинг ўзида бирор аҳоли маскани ёки тоғ, дарё ва шунга ўхшаш жойларнинг номи муайян жойда яшаган этносларнинг турфа хиллигидан келиб чиқиб турлича аталган. Шунингдек, бир тилдаги атаманинг икинчи бир тилга айнан мазмунига қараб муқобиллаштирилиши (калька қилиниши) ўша пайтга хос хусусият эди. Хусусан, Ўтрорнинг шимолидаги тоғлар суғдийча *Шавғар* (луг. “Қора тоғ”), туркий тилда эса *Қорачуқ* деб юритилган. Шунга ўхшаш *Сайрам* шахри туркий тилда *Сайрам / Саріам* (луг. “Сиyrak сув ёки оқ сув”) деб юритилганидек, суғдий тилда *Исфижсоб* (луг. “Оқ сув”) номланган¹⁶. Талас водийсидаги юзлаб булоқларга эга жой хитой манбаларида бир вақтнинг ўзида туркий *Бинг-йул* (луг. “Минг булоқ”) номи билан баъзан таржима қилинмасдан, аслиятга яқин *Бин-йу* тариқасида, баъзан ва *Цянь-цюань* (“Минг-булоқ”) шаклида хитойчага ўгирилган ҳолатда қайд этилган бўлса, араб географлари асарларида худди шу ер **Азар-хах*¹⁷ тарзида зикр этилган бўлиб, унинг лугавий маъноси ҳам суғдий тилда *азар* – “минг” ва *хах* – “булоқ”, яъни “Минг-булоқ” бўлган¹⁸. Бу эса илк ўрта асрларда ушбу ҳудудларда ҳам туркий, ҳам суғдий аҳолининг истиқомат қилганлиги билан изоҳланиши билан бирга, бу ерда икки тиллилик мавжуд бўлганидан дарак беради.

¹⁵Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги сиёсий-ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч // O'zbekiston tarixi. – Т., 2009. – № 1. – Б. 17.

¹⁶Байтанаев Б. Древний Испиджаб. – Шымкент-Алматы, 2003. – С. 5-7.

¹⁷Ушбу жой номи баъзи араб географлари асарларида Абаржож, Абаржоҳ шаклларида қайд этилади. Бу ҳолат араб графикасида нуқталар ўрни алмашиб қолганлиги билан изоҳланади.

¹⁸Лурье П.Б. Заметки о раннеисламском дорожнике в Китай // Материалы и исследования по археологии Кыргызстана. Вып. 1. – Бишкек, 2005.– С. 82.

1.3. Суғдий ёзма ёдгорликларнинг яратилиш даври

Бизнинг давримизга қадар сақланиб қолган тангалар ва тошлар юзасига ҳамда қўлёзма шаклида (китоб тартиб беришда ишлатиладиган бошқа материаллар юзасига) битилган суғдий ёзма ёдгорликларнинг яратилган даври эрамизнинг II асридан X асригача бўлган даврда ёзилганлиги аниқланган.

1.4. Тиллар оиласидаги тегишлилиги

Суғдий тил ҳинд-европа тиллар оиласидаги эроний тиллар гурухининг шарқий тармоғига тегишлидир.

1.5. Қариндош тиллар

Эроний тиллар ривожидаги қадимги даврдан¹⁹ суғдий тилда битилган бирор бир ёзма асар қолмаган. Бизгача сақланиб қолган суғдийча ёзма ёдгорликлар эроний тиллар ривожидаги ўрта даврга тегишли бўлиб, ушбу даврда мавжуд бўлган эроний тиллардан хоразм тили ҳамда балх (бохтар бақтрия) тили суғдий тил тарқалган жойга қўшни бўлган минтақаларда тарқалган тиллар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган яғноб тили суғдий тилининг тўғридан-тўғри вориси бўлиб, уни бъязан янги суғдий тил деб аташади²⁰.

Суғдий тилга алоқадор бўлган бугунги давр эроний тиллардан форсий (айниқса, Марказий Осиё форсийси) ва курд тилларини эслатиб ўтиш мумкин.

¹⁹Бир неча минг йил ўтмишга эга бўлган форсий тил ёхуд эроний тилларнинг ривожланиши тарихи қуйидаги уч даврга бўлинади: 1) қадимги давр (қадимги форсий тил) – эрамиздан аввалги VI-III асрлар; 2) ўрта давр (ўрта форсий тил) – эрамиздан аввалги IV-III асрлардан эрамизнинг VII асригача; 3) янги давр (янги форсий тил) – эрамизнинг VIII асридан то ҳозирги кунгача. Эслатиб ўтиш лозимки, қадимги форсий тил деб номланувчи қадим давр эроний тиллар гурухига кирган қадимги форс, қадимги сак, мидия ва авесто тиллари, шунингдек, ўрта форсий тил деб номланувчи ўрта давр эроний тиллар гурухига кирган ўрта форс, ўрта сак, паҳлавий, балх (бохтар, бақтрия), суғдий ва хоразм тиллари бугунги кунда мавжуд бўлмаган ўлик тиллардан ҳисобланади. Янги давр форсий тили ёхуд ҳозирги замон эроний тилларга эса форсий, тожик, дарий, пушту, курд, балуж (ҳозирги Покистоннинг жанубий-гарбий кисмидаги тарихий вилоятда таркалган) ҳамда Эрон, Афғонистон, Кавказ ва Ўрта Осиёда яшайдиган бир неча кичикроқ форсийзабон халқлар ва элатларнинг тиллари киради (Қаранг: Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ / Форс тилидан Ш. Олимов таржимаси ... – Б. 4-35).

²⁰1981 йилда Яғноб водийсининг юкори ва ўрта қисми аҳолиси мажбуран Тожикистоннинг шимолий-гарбидаги Зафаробод туманига кўчирилади. 80-йилларнинг охиридан бошлаб яғнобликларнинг ўз туғилган худудларга қайтиши кузатилган. Лекин эндиликда яғнобликлар гуж бўлиб яшайдиган қишлоқлар йўқ. Бир вактлар Яғноб водийсининг маркази ҳисобланган Номитконда эндиликда тўртта хонадон яшайди. П.Б.Лурье келтирган маълумотлар, асосан, яғнобликларнинг тил хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, унда уларнинг умумий сони ёки уларда тожик тилини аралаштириб гаплашадиганларнинг сони қанча эканлиги тўгрисида маълумот келтирилмаган (Қаранг: Лурье П.Б. Отчет о поездки в Яғноб в 2008 г. // Материалы Пенджикентской археологической экспедиции. Отчет о полевых работах экспедиции в 2008-2009 гг.– СПБ., 2010. Вып. XII. – С. 10-19). Юкори Зарафшон воҳасидаги Яғноб водийсида ўн бешга яқин қишлоқ бўлса, қишлоқларнинг хар бирида тўрт ва ундан ортиқ хонадон яшаса ва ҳар бир хонадонда тахминан 6 нафар (ота, она ва тўртта фарзанд) киши яшайдиган бўлса яғнобликларнинг умумий сонини 400 ва 500 оралигига деб ҳисоблаш мумкин.

1.6. Лаҳжалар

Бугунгача сақланиб қолган сүғдий ёзма ёдгорликларда ушбу тил мавжуд бўлган давр мобайнидан унда пайдо бўлган турли шева ва лаҳжаларнинг ҳосиласи бўлган айрим тафовутлар кўзга ташланади. Шу билан биргаликда, буддавий, моний ва христиан динларига оид матнлардан иборат бўлган ушбу ёзма ёдгорликлардаги мазкур тафовутларни турли ижтимоий ва маҳаллий гурӯҳларнинг ўзига хос лаҳжаларининг акси дейиш мумкин.

2. СУҒДИЙ ЁЗУВ БИЛАН ТАНИШУВ

2.1. Қисқача тарихи

Суғд тарихининг деярли катта қисми ўрганилмаган. Маълумки, Суғд бир муддат Эрондаги Аҳамонийлар сулоласининг сатрапликларидан бири бўлган. Милоддан аввалги IV асрда эса Суғд Македониялик Искандар томонидан босиб олинган. Шундан сўнг эса эрамизнинг I асридан то VIII асригача Суғд Кушон подшолиги, Сосонийлар давлати, Эфталитлар давлати, Турк хоқонлиги каби салтанатларга қарам бўлган. Шунга қарамай эрамизнинг VIII асрида араблар томонидан босиб олинганига қадар Суғд маълум муддат нисбий мустақилликни қўлга сақлагани манбалардан аён бўлади²¹.

2.2. Суғдий тил – ўзаро алоқа тили

Суғд нисбий мустақилликка эга бўлган даврларда суғдий савдогарлар Хитой ва Европа ўртасидаги мавжуд бўлган Буюк ипак йўли бўйлаб савдо алоқаларида муҳим рол ўйнаб, бу икки йирик минтақа ўртасида янгиликлар ва маданият ютуқларининг илғор ташувчилари бўлдилар.

Суғдийлар Суғд ва Хитой ўртасида кўплаб савдо колониялари барпо этганлар. Натижада эса суғдий тил ушбу колонияларда товар ва маданиятлар алмашинуви учун восита -муомала тилига айланган. Бундан ташқари, улар қадим замонлардан бошлаб бошқа халқлар маданиятига таъсир ўтказиб келишган. Бу айниқса, тил урф-одатлар ва антропологияда кучли сезилади.

Суғдийлар Аҳамонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида суғдий ёзувнинг аждоди бўлмиш оромий ёзув кенг тарқалган даврлардан буён ёзув маданиятига эга бўлишган. Шу сабабли ҳам улар Суғд устидан ҳукмронлик қилган бошқа халқларга катта маданий таъсир ўтказдилар. Суғдий ёзувнинг

²¹ Фойибов Б. Суғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназзули. // Монография. – Т.: АБУ МАТВУОТ KONSALT, 2015. – 276 б.

“үйғур ёзуви” номи билан қадимги түрк тилидаги ёзма асарларни ифодалашда ишлатилгани²² бунга далил бўла олади.

2.3. Суғдий тил – тақдири

Ислом даври тарихчиси Муқаддасий эрамизнинг ўнинчи асида Самарқанд ва Бухоро аҳолиси сўзлашган тилни форсий тилнинг лаҳжаларидан бири сифатида эслатади. Шунга кўра бу даврда суғдий тил истеъмолдан чиққан қўринади. Ҳатто эрамизнинг ўнинчи асрига қадар ҳам Бухоро шахри атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг суғдий тилда сўзлашганлиги эҳтимолдан холи эмас²³. Суғдий тил борасида қуйидаги “... у Бухоро шахри атрофидаги қишлоқлар аҳолисининг тилига ўхшаб кетади” мазмунидаги маълумот шундан далолат берадики, ўша даврда форсий тил фақатгина шаҳарларда ишлатилган.

Суғдий тил бора-бора ўз ўрнини форсий ва туркий тилларга бўшатиб берди. Бугунги кунда Тожикистоннинг Зарафшон дарёси яқинидаги Яғноб воҳасида мавжуд бўлган лаҳжа суғдий тил лаҳжаларидан биридир²⁴.

2.4. Суғдий ёзма ёдгорликлар

Хозирги кунга қадар сақланиб қолган суғдий ёзма ёдгорликлар уларда ёритилган мавзу жиҳатидан диний ва диний бўлмаган манбаларга бўлинади. Суғдий қўлёзмаларнинг қўпчилиги Буюк ипак йўли ўтган жойлардан, хусусан, ҳозирги Хитой худудидаги Шарқий Туркистон ўлкаси – Турфон воҳаси ва Дунхуан минтақасидаги “Минг будда” ғорларидан топилган. Ушбу ёзма ёдгорликларнинг деярли барчаси диний мазмунда бўлиб, улар орасидаги буддавийликка оид матнлар хитой тилидан, монийликка оид матнлар ўрта давр форсий тили ҳамда Эронда Ашконийлар сулоласи хукмронлик қилган даврдаги паҳлавий тилидан, христианликка оид матнлар эса сурёний тилидан суғдийчага таржима қилинган. Шунингдек, илм оммасига Еттисув (Жануби-Шарқий Қозоғистон ва Марказий Қирғизистон) худудидан топилган сопол буюмлар ва тоғ қояларига битилган ўнлаб суғдий битиклар маълум.

Бундан ташқари, “Муғ тоғи суғдий архиви “деб юритилувчи мажмуа VII аср охири–VIII аср бошларига оид 80 га яқин ноёб хужжатни ўз ичига олиб, улар Суғд конфедерациясига²⁵ тобе Панч ҳукмдорлиги (Панжикент)

²²Суғдий ёзувнинг сўнгги қўриниши бўлган ва “турк”, “үйғур ёзуви” деб аталган ушбу ёзувга кейинчалик мўғул тилидаги ёзма асарларни ифодалашда фойдаланиш мақсадида яна ўзгартиришлар киритилган.

²³Lurje P.B. How long was Sogdian spoken in Transoxania? / Proceedings of the 5th European Conference of Iranian Studies. –Ravenna: 2001.

²⁴Якубович И. Проблема согдийской этимологии: диссертация на соис. кан. филол. наук. – М.: 2009. – С. 5; Гойибов Б. Суғдий ёзув маданиятимиз қўзгуси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Т., 2013. – №4. – Б. 278-284.

²⁵Суғд конфедерацияси – “Суғд иттифоқи” мазмунидаги ушбунишиб атама остида илк ўрта асрларда Зарафшон дарёси ҳавzasидаги Самарқанд, Панч, Маймурғ, Иштихон, Кабудон, Кушония ҳукмдорликларини ҳамда Қашқадарё дарёси ҳавzasидаги Кеш ва Нахшаб ҳукмдорликларини ўз ичига олган муаяйн сиёсий ўюшма тушунилиб, унинг таркибидаги мазкур ҳукмдорликлар ўз ички бошқарувида мустақил бўлишган. Уларнинг ҳар бири ўз бошқарув маркази – пойтахти, ҳукмдор сулоласи, ҳокимиёт рамzlари (танга, тамға ва х.к.), кўшини каби ҳокимиёт хусусиятларига эга эдилар. Ўз навбатида уларнинг битта сиёсий иттифоқ – конфедерацияга бирикишлари асосида мазкур ҳукмдорликларнинг ўзаро етакчи ҳукмдорлик (ёки сулола)га

саройи ҳамда турли мулк ҳокимлари ва амалдор аъёнларга тегишли ҳужжатлар йиғиндисидан иборат²⁶. Шунингдек, милодий VII–VIII асрларга тааллуқли Чилхужра (Уструшона / Тожикистон)дан топилган сүғдий ҳужжатлар мажмуаси бир неча жиҳатлари билан Муғ ҳужжатларига ўхшаб кетади²⁷.

Умуман олганда, сүғдий тилда битилган ёзма манбаларнинг қўпчилиги, тахминан эрамизнинг тўртинчи асрларига мансуб бўлган “Қадимги битиклар”²⁸ ва Ҳинд дарёсининг юқори оқими ҳавзаларидан топилган тошбитиклардан²⁹ ташқари, милодий VII асрдан X асргacha бўлган даврга оидdir. Шунингдек, яқин йилларда топилган Кул-тўба сопол битиклари (Арис дарёси ҳавзаси / Жанубий Қозоғистон) милоднинг III–IV асрларга оид ёзма ёдгорликлар сифатида эътироф этилмоқда³⁰.

Бизнинг давримизгача сақланиб қолган сүғдий ёзма ёдгорликлар асосан ўша даврда Самарқанд аҳолиси сўзлашган сүғдий тилнинг меёрий (адабий) кўринишини акс эттирган.

2.4.1. Сүғдий тилидаги манбалар ҳақида

Милоддан аввалги III–II асрларда шаклланган сүғд ёзуви ўлкамиз маданияти тарихида муҳим роль ўйнади. Бу ёзув ижтимоий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенг қўлланган. Шу жараёнда ёзувнинг ташқи шакли такомиллаша борган ҳамда унинг ички мазмуни тил товуш системасини тобора аниқ ифодалаш томон ўса борган, муайян орфографик нормалар вужудга кела бошлаган. Муғ тоги сүғдий ҳужжатлари талқини орқали бу ҳол янада ойдинлашади (Қаранг: Илова IV)

Муҳими шундаки, сүғд ёзуви орқали бизгача эрамиз бошларидан то X–XI асрларга қадар ёзилган кўплаб ноёб ёдгорликлар етиб келган. Улар орасида турли давр ва ҳудудларга оид кўплаб нумизматик материаллар (танга ёзувлари), металл, сопол ёғоч, чарм, қофоз ва бошқа буюмларга битилган

бўйсунишлари, ҳукмдор сулолалар келиб чиқиши жиҳатидан ягона хонадонга бориб тақалишлари ёки айрим ижтимоий-сиёсий ва маданий-мағкуравий мажбуриятларни бажаришлари каби омиллар ётган. Самарқандада Чжаову (Жамук) хонадони ҳукм суреб, колган ҳукмдорликлардан аксариятини ушбу хонадонга мансуб сулолалар бошқаришган ва улар орасида Самарқанддаги сулола етакчилик килган. Ташқи душманларга биргалиқда курашиб мажбуриятида бўлган мазкур ҳукмдорликлар амалдорлари йилнинг муайян вактларида битта жойга йигилган ҳолда диний амалларни, хусусан, зардустийлар удумларини ҳамкорлиқда бажаришган.

²⁶ Согдийские документы с горы Муг / А.А.Фрейман. Описание публикаций. –Вып. I. – М.: Вост.лит., 1962; Согдийские документы с горы Муг / Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. –Вып. II. – М.: Наука, 1962; Согдийские документы с горы Муг /Хозяйственные документы / Чтение, перевод и комментарии М.Н.Боголюбова и О.И.Смирновой. –Вып. III. – М.: Наука, 1963.

²⁷ Лившиц В.А. Согдийские документы из замка Чильхужра // Scripta Gregoriana, Сборник в честь семидесятилетия акад. Г.М. Бонгард-Левина. – Москва, 2003. - Р. 77-88.

²⁸ Sims-Williams N. Sogdian Ancient Letter II / Annette L.Juliano & Judith A.Lerner, Monks and Merchants, Silk Road Treasures from Northwest China. – New York: 2001. – Р. 47-49.

²⁹ Sims-Williams N. Sogdian and other Iranian Inscriptions of the Upper Indus, I-II, с II, Part II, vol III. –London: 1989.

³⁰ Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys, 1. – Алматы, 2006, 1.– Р. 95-99.

матнлар, шахсий мактублар, диний, ахлоқий-фалсафий матнлар парчалари, хўжалик, хукуқий ва дипломатик хужжатлар бор.

Ана шундай ёдгорликларнинг катта бир гуруҳи юқорида келтирилган Панжикент яқинида Муғ тоги тепасидаги қадимги қаср харобасидан топилган сүғд хужжатлардир.“Муғ тоги сүғд архиви” деб юритилувчи бу мажмуа Суғдий конфедерациясига тобе Панч ҳукмдорлиги саройи ҳамда турли вилоят ҳокимлари ва амалдор аъёнларга тегишли хужжатлар йиғиндисидан иборат. Араб истилоси кунларида, хусусан, 722 йилда Панч ҳокими, бир муддат Суғд ҳукмдори таҳтига даъвогар сифатида иш кўрган Деваштич бошлиқ отряд Муғ тогида жойлашган мудофаа қасрига чекинган. Шунда сарой ҳужжатлари ҳам қасрга келтирилган. 722 йили араблар қасрни ҳужум билан олгач, уни вайрон қилганлар, Деваштични эса халифаликнинг Хурросондаги ноиби ҳукмига жўнатганлар. Деваштич Хурросон ноиби томонидан қўйилган шартларни қабул қилгач Суғдга қайтариб юборилган. Лекин хуфя буйруқ асосида у Рабинжан (ҳозирги Каттақўрғон шаҳри яқинида жойлашган илк ўрта аср шаҳри харобаси) қабристонида қатл қилинган.

Муғ қасри харобасида қолиб кетган илк ўрта аср сүғд архиви орадан 1210 йил ўтгач, 1932-1933 йилларда топилди. Муғ тоги сүғд ҳужжатлари хали ҳам изчил ўрганиб келинмоқда, барча матнларнинг изоҳли нашрлари эълон қилинмоқда. Уларнинг тил хусусиятлари ўрганилмоқда. Қадимги сүғд ёзуви бўйича палеографик тадқиқотлар бажарилмоқда. Ҳужжатлар нашр этилиши билан баробар, асосан, рус тилига, қисман эса инглиз, француз, япон, ўзбек ва бошқа тилларга таржима қилинган³¹. Лекин айрим ҳужжатларнинг мазмунини тушунишда, тарихий, тилшунослик жиҳатларини талқин этишда олимлар орасида баҳс-мунозаралар мавжуд.

2.5. Суғдий ёзув тизими

Бизга маълум бўлган суғдий манбаларнинг барчаси браҳман ёзувида ёзилган бир парча манбадан ташқари, суғдий, моний ва сурёний ёзувларида битилган. Фақатгина монийлик динига оид суғдий матнлар моний ёзувида ва христиандинига оид суғдий матнларгина сурёний ёзувда битилган. Миллий ёзув турларига кирувчи суғдий ёзув эса муаллифларнинг диний эътиқодидан қатъий назар, барча турдаги матнларни ёзишда қўлланилган.

Суғдий ёзув ва тил нафақат суғдий тилли аҳоли томонидан, балки туркийлар томонидан ҳам кенг қўлланилган. Айниқса, бу Турк хоқонлиги (552-744) даврида хоқонлар ўз ёднома битиктошларини яратишда (масалан Буғут битиктоши – Мўгулистон, Или битиктоши – Шарқий Туркистон) ва танга-пулларини (Чоч, Фарғона) бостиришда ушбу тил ва ёзувни

³¹Grenet F. Les «Huns» dans les documents Sogdiens du mont Mugh (aves un Appendice par N. Sims-Williams) // StIr, 7. Études Iranio-Aryennes offertes à Gilbert Lazard. – Paris, 1989. – P. 165–184; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 155–196; Vaissière E. de la. Sogdian traders: a history. Translated by J. Ward. (Handbook of Oriental studies = Handbuch der Orientalistik. Section 8, Central Asia; v. 10). – Leiden – Boston: Brill, 2005; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Т.: Фан, 1992; Исҳоқов М., Бобоёров Ф., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар /Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Т.: Фан, 2014. – Б. 57-100.

кўллаганлар³². Шунингдек, яна бир туркий давлат - Турагаш хоқонлиги (699-766) ўз тангаларини бостиришда ушбу анъанани давом эттирган. Еттисувдан топилган қоя битиклари ва сопол буюмлар сиртидаги сұғдий ёзувларни кўпчилик тадқиқотчилар Турагаш хоқонлиги билан боғлайдилар.

2.5.1. Идеограмма³³

Сұғдий ёзув Аҳамонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ҳукмдор саройида расм бўлган ёзувдан олинган. Эрон ҳукмдорлари саройида котиблар ва ёзув ишлари билан шуғулланадиган кишилар арамейлар (оромийлар) бўлиб, улар барча хужжатларни ормийча ёзишган ва ҳукмдорга унинг тилида тушунтириб берганлар. Кейинчалик Эрон ёзувининг ўзи ҳам оромий ёзув асосида шаклланган. Ёзувдаги шаклларини йўқотмаган ҳолда сұғдий тилга кириб келган маълум микдордаги оромийча сўзлар сұғдий транслитерацияда³⁴ бошлади. Идеограмма деб аталадиган бундай сўзлар ҳозирги кунда тадқиқ этилган сұғдий матнларда катта ҳарфлар билан кўрсатилган. Масалан, “ўз”, “тан”, “тана” маъноларини берувчи CWRH сўзи сұғдий тилида [үгіω] деб талаффуз қилинган. Шунингдек, Самарқанд ҳукмдорлари – Ихшидлар (VII–VIII асрлар) ўз тангаларида асосан атоқли исм (Шишипир, Тархун, Ғурак, Турғар ва ҳ.к.)ни акс эттириш билан бирга “ихшид” унвонини айнан ёзмасдан унинг ўрнига оромийча унвон - MLK’ сўзини ёзишган. Эҳтимол, улар ўз маҳаллий унвонини ёзувда шу тариқа ифодалашган.

2.5.2. Тарихий имло

Сұғдий ёзувли матнларда тарихий имлода ёзилган, яъни айни пайтдаги талаффузидан қатъий назар ўзининг ёзувдаги илк шаклини маълум даражада сақлаб қолган сўзлар кўплаб учрайди. Бироқ моний ва сурёний ёзувларда ёзилган сұғдий матнларда бундай сўзлар учрамайди. Масалан, қадимги давр форсий тилидаги *хšāyaθua – сўзидан олинган ва [əxšēθ] деб талаффуз этиладиган сўз сұғдий ёзув ’xš’u’д шаклида, моний ёзувида эса xšud шаклида ёзилган.

Сұғднинг жанубий вилояти – Қашқадарё воҳасида зарб қилинган арабча ёзувли тангаларнинг бир намунасида ҳокимнинг унвони “Иҳрид” ўқилгани ҳамда унинг араб манбаларида такрорланиши сабабли Кеш ҳукмдорлари шундай унвонда бўлишган деган фикр фанда ўрнашиб қолган. М.Исхоқовнинг фикрига кўра, *иҳрид* деб тушуниб келинган унвон палеографик жиҳатдан манбаларда чиндан ҳам шундай ўқилади. Бироқ бу унвоннинг таркибидаги -r- ҳарфи Жанубий Суғд минтақасида -и- деб

³²Бабаяров Г., Кубатин А. Роль согдийского языка в Западно-Тюркском каганате // Endangered languages and History. Foundation for Endangered Languages in collaboration with the Academy of sciences of Tajikistan. Proceedings of the 13th FEL Conference 24-26 Sept. 2009. – Horog. Edit.: N.Nazarov, N.Ostler. – С. 80-83.

³³Бутун сўз ёки тушунчани ифодаловчи ёзув белгиси. Бу ерда бир тилнинг иккинчи тилга ўтганда биринчи тилдаги ёзилиш шаклини сақлаб қолган, аммо иккинчи тил қоидалари ва хусусиятларига бўйсунган ҳолда маълум ўзгаришларга учраган ҳолда талаффуз килинадиган сўзлар назарда тутилмоқда (Қаранғ: Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ .. – Б. 4-35).

³⁴Бир ёзувдаги ҳарфларни бошқа ёзувдаги ҳарфлар билан ёзиш.

ўқилиши лозим. Бундай ноёб палеографик ҳодиса Жанубий Суғдга қўшни Бақтрияда амал қилган юонон-бақтрий ёзувидаги меъёр таъсирида юзага келган. Бақтрий юонон ёзувида *реи* ҳарфи *шин* учун ишлатилган. Бунинг фонологик маъноси ушбу товушларнинг ўзгариши ўрни бирлиги, талаффузда эса, бири тор оралиқ шовқинли, иккинчисининг талаффузи титроқлиги билан белгиланади. Бақтрий юонон ёзувида эса *шин* учун *реи* дан фойдаланиш каби қабул қилинган палеографик усул бир муддат “миллий” сүғдий ёзувнинг жанубий минтақа амалиётига таъсир қилган. Бироқ, бу амалиёт кенг тарқалмаган. Шу сабабли, *ихрид* атамаси тарихан *ихшид* атамасининг маҳаллий варианти деб ҳисобланиши лозим³⁵.

2.5.3. Ёзув тизими ва транслитерация

Суғдий тилдаги матнларни ёзишда ишлатилган уч ёзувнинг барчаси оромий ёзувидан олинган бўлиб, бир хил хусусиятларга эгадир. Масалан, ушбу ёзувларнинг ҳар уччаласи ўнгдан чапга қараб ёзилади ва уларда фақатгина ундош товушлар ифодаланади. Шунга қарамасдан ушбу ёзувлардан ҳар биридаги товушлар ифодасини аниқлаш (яъни транслитерация қилиш) учун бир-биридан фарқланувчи турли тизимлар керак бўлиб, бу тўғрисида 1-жадвалда тегишли маълумот берилган.

Суғдий алифбо 22 ҳарфни ўз ичига олган бўлиб³⁶, уларнинг алифбо тартиби оромий алифбосидан олинган³⁷. Стандарт суғдий ёзувда асосан 17-18 ҳарф ишлатилган.

2.5.4. Суғд ёзувида унли товушларининг ифодаланиши

Суғдий тилдаги матнларни ёзишда ишлатилган уч ёзувнинг барчасида ифодаланган унли товушлар тадқиқотларда куйида кўрсатилган тартибда ‘’, ‘’w ва у белгилар билан берилади:

‘’ ва ‘’ – сўз бошида [ā] товушини ифодалаш учун ишлатилади;

‘’ – сўз бошида баъзан [a] товушини ифодалайди, аммо бу товуш сўз ўртасида ва охирида ҳарф билан берилади;

w - [w, ū, ð] товушларини ифодалаш учун ишлатилади;

у - [y, ī, ē] товушларини ифодалаш учун ишлатилади.

1.1. -жадвал. Суғдий ёзув ва унинг кенг транскрипцияси

³⁵Исҳоқов М. Суғдиёнада “ихшид” ва “ихрид” унвонлари ҳақида / Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий анжумани. – Қарши: 2011. – Б. 64-65.

³⁶Бу ҳақда батафсил қаранг: Gauthiot R. De l'alphabet sogdien / JA, ser. 10, 1911, – Т. 17; Gauthiot R. Essai de grammaire sogdienne. I. Phonetique / Mission Pelliot en Asie Centrale. Ser. petit in-octavo, – Т. 1. – Paris, 1914-1923.

³⁷Тарихда биринчи маротоба сүғдий алифбо 1965 йилда Панжикент аркида археолог А.Исҳоқов томонидан топилган. Кўза сиртига ўйиб ёзилган алифбода жами 23 та ҳарф бўлиб (Қаранг: Илова В), сүғд ёзувида мавжуд бўлган ҳарфларнинг ҳаммаси улар орасидан жой олган (Қаранг: Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. I. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 355). Ўрганувчи машқ қилаётib бу алифбони ёзганлиги кўриниб турибди. Бу эса VIII асрда Суғдда дабиристон - Эрон хаттотлар мактабининг давоми сифатидаги хаттотлик мактабининг мавжуд эканлигидан далолат беради. Демак, Суғдда бу анъана давом этиб, хаттотлик санъатига бу ерда жиддий эътибор берилган (Қаранг: Исҳоқов М.М. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари / Ўлмас обидалар. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 22-23).

<i>№</i>	<i>Сүгдийй ёзув</i>	<i>Оромий ёзув</i>			<i>Сүгдий ёзув</i>		<i>Моний ёзув</i>		<i>Сурёний ёзув</i>	
	муста- қил холатда	арабча ёзувда	ўзбекча ёзувда	сомийч а номла- ниши	транс- литера- ция	транс- крип- ция	транс- лите- рация	транс- крип- ция	транс- литера- ция	транс- крип- ция
1	፩	፪	(o, a)	Aleph	,	ܰ, ܱ (ܳ, ܴ)	,	ܰ, ܱ (ܳ, ܴ)	,	ܰ, ܱ (ܳ, ܴ)
2	፪	ܲ	(ő)	Beth	ܭ (ܭ=) f	ܭ, ܫ (ܭ=) ܭ	ܭ	ܭ	ܭ	ܭ, b
3	ܵ	ܶ	(x, f)	gimel	ܮ	ܮ	ܭ	ܭ	ܭ	ܭ
4	ܱ, ܲ	ܲ	(d)	Dalet h	D ³⁸	-	d	d	d	đ
5	ܰ	ܰ	(x)	he	ܮ ³⁹	-ܰ, ܭ	ܮ ⁴⁰	ܭ	ܮ	ܮ
6	ܻ	ܻ	(v, y, ÿ)	vau	ܮ	ܮ, ܻ, ܺ	w	ܮ, ܻ, ܺ	w	ܮ, ܻ, ܺ
7	ܾ	ܾ	(z)	Zain	ܮ (ܮ/ܻ=) ܻ	ܮ, ܻ	ܮ	ܮ, ܻ, ܻ	ܮ	ܮ
8	ܲ	ܲ	(x)	Cheth	ܮ	x, h	ܮ	ܮ	ܮ	ܮ (?)
9		ܲ	(t)	Teth	t ⁴¹	-	t	t (d)	t	t (d)
10	ܻ	ܻ	(ÿ, i)	jod	ܮ	y, ܻ, ܺ	y	y, ܻ, ܺ	y	y, ܻ, ܺ
11	ܻ	ܻ	(k)	Caph	ܮ	k (g) (k=) x	k x	k x	K x	K x
12	ܲ	ܲ	(l)	Lame d	ܮ/L	ܮ, ܭ, l	ܮ δ	ܮ δ, ܭ	ܮ	L
13	ܻ	ܻ	(m)	Mem	ܮ	ܮ	m	m	m	M
14	ܲ	ܲ	(n)	Nun	ܮ	n,m	n	n,m	n	n,m
15	ܻ	ܻ	(c)	Same ch	ܮ	ܮ	s	s	s	S
16	ܻ, ܻ	ܻ	(ъ, ѹ)	ain	ܮ	-	c	č	γ	ܮ
17	ܻ	ܻ	(п)	pe	P p ⁴²	p, (b)f (p=)f	p (p=)f	p (b)f	p f	p (b)f
18	ܲ	ܲ	(ҹ)	tzaddi	ܮ	ܮ (j)	c	ܮ (j)	c	ܮ (j) ts
19		ܲ	(қ)	Qaph	ܮ ⁴³	-	q	k	q	k (g)
20	ܻ	ܻ	(р)	Resh	ܮ	r, ܮ, l	R	r, ܮ	r	r, ܮ
21	ܻ	ܻ	(ш)	Schin	ܮ	ܮ	ܮ	ܮ	ܮ	ܮ
22	ܲ	ܲ	(т)	Tau	ܮ	t (d)	T	t (d)	θ	Θ

³⁸Фақатгина идеограммаларни ифодалашда ишлатилади.

³⁹Фақатгина сўзларнинг охирида келади.

⁴⁰Фақатгина сўзларнинг охирида келади.

⁴¹Кўлланилмайди.

⁴²Фақатгина моний ёзувда битилган матнлар транслитерациясида кўлланилади.

⁴³Фақатгина 100 (юз) сонини ифодалашда кўлланилади.

1.2-жадвал. Суғдий ёзув ва унинг содда транскрипцияси

Ҳарф номи	Қадимги шакли	Илк ўрта асрлардаги шакли (курсив)
<i>aleph</i>	א, אָ	אָ
<i>beth</i>	ב, בָּ	בָּ
<i>gimel</i>	ג	גָּ
<i>daleth</i>	ד	—
<i>he</i>	ה, הָ	הָ
<i>waw</i>	ו	וָ
<i>zayin</i>	ז	זָ
<i>heth</i>	ח	חָ
<i>teth</i>	ת	—
<i>yodh</i>	י	יָ
<i>kaph</i>	כ	כָּ
<i>lamedh</i>	ל	לָ
<i>mem</i>	מ	מָ
<i>nun</i>	נ, נָ, נְ	נָ
<i>samekh</i>	ס	סָ
<i>ayin</i>	ע, עָ, עְ	עָ, עְ
<i>pe</i>	פ	פָּ
<i>sadhe</i>	צ, צָ, צְ	צָ
<i>qoph</i>	ק	—
<i>resh</i>	ר	רָ
<i>shin</i>	שׁ, שׂ	שׁ, שׂ
<i>taw</i>	ת, תָּ, תְּ	תָּ

3. Суғдий тил грамматикаси

Суғдий тил эроний тиллардан ҳисобланиб, ўрта давр эроний тилларининг шимоли-шарқий гурӯҳига мансуб. Шу сабабли ҳам мазкур гурӯҳ тилларининг умумий хусусиятлари суғдий тилда ҳам кузатилади.

3.1. Фонетика

Сүгдий тил ҳозирги кунда истеъмолдан чиқсан ўлик тил ҳисобланади. Шу сабабли ҳам қуйида келтириладиган сүгдий тил фонемалари жадвали ушбу тилдаги товушларни қиёсий тилшунослик ёрдамида тиклаш асосида тузилди. Ушбу жадвалда акс эттирилган сүгдий тил фонемаларидан айримлари фақатгина назарий жихатдан фонетик қийматга эга бўлиб улар, тахмин ва гумонлар асосида тузилди.

Фақатгина сүгдий тил фонетикаси тўғрисида сўз юритилганда сүгдий матнлардаги сўзларнинг транслитерацияси ва транскрипциясини бирга берамиз. Бошқа ҳолатларда эса сўзларнинг биргина транслитерацияси келтирилади.

3.1.1. Сүгдий тилдаги ундошлар

Умуман олганда ўрта давр эроний тилларига мансуб бўлган сүгдий тилнинг қадимги форсий тилидаги ундошларга бўлган муносабати ўта консерватив бўлиб, сүгдий тилда мазкур ундошларни сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Қадимги форсий тилдаги ундошларнинг сүгдий тилда ўзгаришларга учраши ҳолатини қуйидагича баён этиш мумкин.

а) қадимги форсий тилдаги *p*, *t*, *k* портловчи жарангсиз ундош товушлари, шунингдек, сирғалувчи-портловчи *č* ундош товуши сүгдий тилда сўзларнинг боши, ўртаси ва охирида сақланиб қолган;

б) қадимги форсий тилдаги *b*, *d*, *g* портловчи жарангли ундош товушлари ҳамда *ž* сирғалувчи-портловчи ундош товуши сүгдий тилда *β*, *δ*, *γ* ҳамда *ž* сирғалувчи жарангли ундошларига айланган.

Қадимги форсий тилдаги ундошларнинг сүгдий тилда бундай ўзгаришларга учраши деярли барча ҳолатларда, яъни сўз бошида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам юз берган бўлиб, фақатгина портловчи жарангли ундош товушлар *t* ва *n* бурун товушлари, яъни сүгдий тилдаги *ṭ* унли товушидан сўнг келгандагина ўзларининг асл ҳолатини сақлаб қолганлар. Бунга қадимги форсий тилдаги **asanga* – сўзининг ўзгарган шакли бўлган, “тош” маъносини англатувчи сүгдий *snk* [saŋg] сўзини ёхуд қадимги форсий тилидаги **zanaka* сўзининг ўзгаришидан ясалган, “тур”, “хил” маъносини англатувчи сүгдча *snk* [saŋg] сўзини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Қуйидаги жадвалда қавс ичига олинган белгилар эса аллофонлардир⁴⁴ (масалан, *n*):

⁴⁴Ҳар бир фонеманинг турли ҳолатлардаги турлича фонетик кўриниши (талаффузи)

2-жадвал

		<i>лаб-лаб ва лаб тиши</i>	<i>Тии</i>	<i>милк-жаг</i>	<i>танглай</i>	<i>юмиоқ танглай ёки кичик тил</i>
<i>портловчи/ портловчи- сиргалуви</i>	<i>жарангиз</i>	<i>p</i>	<i>T</i>	<i>(ts)</i>	<i>č</i>	<i>K</i>
	<i>жарангли</i>	<i>(b)</i>	<i>(d)</i>		<i>(j)</i>	<i>G</i>
<i>Сиргалуви</i>	<i>жарангиз</i>	<i>F</i>	<i>Θ</i>	<i>s</i>	<i>š</i>	<i>X</i>
	<i>жарангли</i>	<i>B</i>	<i>Δ</i>	<i>z</i>	<i>ž</i>	<i>Γ</i>
<i>бурун</i>		<i>M</i>	<i>N</i>			<i>(ŋ)</i>
<i>сирпанувчи ярим унли</i>		<i>W</i>	<i>(l)</i>	<i>r</i>	<i>y</i>	<i>(h)</i>

3.1.1.1. *h* ва *l* фонемалари. Сүғдий тилдаги *h* ва *l* фонемалари иккинчи даражали аҳамиятсиз фонемалар ҳисобланиб, асосан, сүғдий тилга бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда учрайди. Масалан,

- а) қадимги форсий тилдаги *h* фонемаси сүғдий тилда тушириб қолдирилган ёки *x* товушига айланган;
- б) *l* фонемаси сүғдий тилда фақатгина “титрамоқ” маъносини берувчи (христиан динига оид сүғдий матнлардаги) *wrlz* сўзида учрайди.

Умуман олганда, сүғдий тил фонетик фонетик тизимидағи иккиламчи ўзгаришларнинг кўпчилиги айнан ана шу ундош товушлар тизимида юз беради. Бундай ўзгаришларнинг энг кўп тарқалган турлари қуйидагилардир: палатализация⁴⁵, метатеза⁴⁶, икки унли товуш орасида келган *k* товушининг тушиб қолиши ҳамда сўз охирида келган ундош товушларнинг тушиб қолиши.

3.1.2. Сүғдий тилдаги унлилар. Сүғдий тилда қадимги форсий тилдаги ундошларни сақланиб қолишига қаратилган ҳаракатдан иборат бўлган консервативизмдан фарқли ўлароқ, ушбу тилнинг қадимги форсий тилдаги унлиларга бўлган муносабатида ўзига хос новаторлик.... кузатилади. Ушбу новаторлик қуйидаги икки омилдан келиб чиқади:

- а) ургунинг таъсири (3.2. – бўлимига қаранг);
- б) палатализация.

Қуйидаги жадвалда қавс ичига олинган белгилар *[a]* фонемасининг турли ҳолатлардаги талафузларидир.

3-жадвал: Сүғдий тилдаги унли товушларнинг ҳосил бўлиш ўринлари ва усуллари

⁴⁵Танглайлашиш, юмшатилиш, юмшаш; тил ўрта қисмининг юкори танглайга томон қўтарилиши натижасида ундош товушларнинг юмшаши.

⁴⁶Сўзда товушларнинг ўрин алмашиши (масалан: тупроқ – турпoқ, ёғмир – ёмғир ва ҳ.к.)

	<i>тил орти</i>	<i>тил ўртаси</i>	<i>тил олди</i>
<i>тил кўтарилиган ёки ёниқ</i>	<i>й, и</i>	<i>(t)</i>	<i>i, ī</i>
<i>тил ўртаса ҳолатда</i>	<i>ō,o</i>	<i>(ə)</i>	<i>ē, e</i>
<i>тил тушган ёки очиқ</i>	<i>ā</i>		<i>A</i>

3.1.2.1. Бошқа унли товушлар. Суғдий тилда учинчи жадвалда келтирилган унли товушлардан ташқари “р”лашган ёки чучук талаффуз қилинувчи “р” товуши билан келувчи учта унли товуш: *ər* (масалан, “майсазор” маъносини берувчи *mṛy* сўзида), *iʳ* (масалан, “илон” маъносини берувчи *kurm* сўзида), *uʳ* (масалан, “тўла” маъносини берувчи *pwrn* сўзида) ва *ṁ* бурун унлиси (масалан: “шаҳар” маъносини берувчи *knθ* сўзида) мавжуд.

3.2. Ургу ва мувозанат қонуни

Мувозанат қонуни деб аталувчи фонема-морф жараёнида илк суғдий тилдаги сўзларнинг охиридаги унлиларнинг сақланиб қолиши ёки тушиб қолиши уларга ургунинг бўлиши ёки бўлмаслигига боғлик. Суғдий тил ургунинг чукур таъсири мавжуд бўлган нодир тил ҳисобланади. Суғдий ёзувда ургу ҳеч қачон муайян белгилар билан кўрсатилмаса-да, кўпчилик ҳолатларда ургунинг табиий равишда ёки мувозанат қонуни таъсири остида юз берадиган бир жойдан иккинчи жойга қўчишидан олдинги ёки кейинги ўрнини аниқлашнинг имкони бор.

Ушбу қонун биринчи навбтда товуш ҳосил бўлишида ўрин тутса-да, тил морфологияси (3.3.1 – бўлимига қаранг), сўзлар ясаш (4.3 – бўлимига қаранг), ҳатто тил синтаксисида (6.3. – бўлимига қаранг) ҳам муҳим оқибатларни келтириб чиқаради.

Ургунинг бир жойдан иккинчи жойга қўчиши ва у билан боғлик бўлган ўзгаришлар, айниқса сўз охирида ургу олмаган унлиларнинг тушиб қолиши ҳамда *ī* кўринишидаги ургусиз -ua нинг пайдо бўлиши бутунлай фарқ қиласидаги икки турланувчи (тусланувчи) гурухнинг вужудга келишига сабаб бўлади:

- а) енгил негизлар турланиши (тусланиши);
- б) мураккаб негизлар тусланиши (тусланиши).

3.2.1. Енгил (садда) негизлар. Умуман олганда, суғдий тилда от ёки феъл сўз туркумига киравчи, чўзиқ ёки мураккаб унли товушга эга бўлмаган ҳар бир негиз енгил негиз ҳисобланиб, бундай негизлар ушбу тадқиқотда тире (-)

белгиси билан кўрсатилган (масалан: “амалга оширмок” маъносини билдирувчи *wn-* [wan-] негизи).

Енгил негизлар ургу олмасликлари сабаблари ургу уларнинг турланувчи (тусланувчи) қўшимчаларига тушади. Бунинг натижасида қадимги форсий тилида мавжуд бўлган ургу оладиган турланувчи (тусланувчи) қўшимчалар суғдий тилдаги енгил негизларда сақланиб қолган.

3.2.2. Мураккаб негизлар. Суғдий тилда от ёки феъл сўз туркумiga киравчи, чўзиқ ёки мураккаб унли товушга эга бўлган негизлар мураккаб ёки оғир негизлар хисобланиб, ушбу тақиқотда бундай негизларни енгил негизлардан ажратиб кўрсатиш учун тире белгисисиз кўрсатилди (масалан: “кўрмок” маъносини берувчи *wyn* [wēn] негизи).

Суғдий тилдаги мураккаб негизлар ургу олиши сабабли, бундай негизлар қадимги форсий тилида мавжуд бўлган ургу оладиган турланув (тусланувчи) қўшимчаларнинг қўпчилигини қўлдан берган ва ўта содда бўлган морфологик тизимни вужудга келтирган.

Эслатма: бирор бир негизда *ər* ёки *ṭ* ундош товушларидан олдин бирор унли товуш келадиган бўлса, бундай негиз мураккаб негиз хисобланади. Масалан, “майсазор” маъносини берувчи *mṛγ* [maṛ'γ] ёки “шаҳар” маъносини берувчи *kṇθ* [kṇṭh] сўзларининг негизлари мураккаб негизлардир.

3.3. Морфология

3.3.1. От ва сифати⁴⁷. Суғдий тилда от ва сифат туркумларига киравчи сўзлар бирлик, кўплик⁴⁸ ва саналганлик⁴⁹ сонлари деб аталувчи учта сон категориясига ҳамда эркак жинси, аёл жинси ва улар билан бирга келувчи нейтрал жинсдан иборат бўлган учта жинсга эга. Суғдий тилда енгил негиздан ясалган сўзлар олтита, мураккаб ёки оғир негиздан ясалган сўзлар эса иккита келишикда келади⁵⁰.

⁴⁷Умуман олганда, суғдий тилда сифат ҳам от каби турланади. Аммо бу тилда саналганлик сонида келган сифатларнинг турланган шакли учрамайди. Шунингдек, суғдий тилда сифатнинг икки даражаси, чоғиширма ва ортирма даражалари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар иккаласини ҳосил қилиш учун -star ва -tar қўшимчалари ишлатилади.

⁴⁸Суғдий тилда кўплик қўшимчалари қуидагилардан иборат: а) *ān* < * -ānu < -ānām (масалан: βγ'n “худолар”);

б) *-t* < *-tā* (масалан: pṛṭṭ “оталар”); с) *-ṭst* < бирлик сонда ва эгалик келишигига (бош келишикда) келган сўзнинг турланган шакли + *t-tā* (масалан: βγyṣt “худолар”);

⁴⁹Бу тушунча инглиз тилида **numerative** деб аталади. Бу ўринда “иккилик” атамасини қўллаш тўғри эмас. Шу сабабли унинг ўрнига сони кўрсатилаётган сўзнинг саналётганлигини англатувчи “саналганлик” атамасини қўллаш тўғри бўлади. Чунки қадимги иккилик категорияси суғдий тилда фақатгина бевосита (узлуксиз равишда) икки ёки ундан ортиқ бўлган сонни билдирувчи сўздан кейин келадиган от туркумiga киравчи сўзлар гуруҳига нисбатан ишлатилади.

⁵⁰ Sims-Williams N. The double System of nominal inflexion in Sogdian // TPhS. 1982. – Р. 67-76.

Енгил ёки содда негиздан ясалган сўзлардаги келишиклар:

1. Эталик келишиги (бош келишик)
2. “-ни” лик келишиги (тушум келишиги)
3. “учун” лик-қарамлик келишиги (қаратқич келишиги)
4. “-да” лик келишиги (ўрин келишиги)
5. “билин” лик ва “-дан” лик келишиги (биргалик ва чиқиш келишиги)
6. Хитоб келишиги (ундов келишиги)⁵¹

Мураккаб ёки оғир негиздан ясалган сўзлардаги келишиклар:

1. Воситасиз келишик
2. Воситали келишик

Суғдий тилда қисқарган ёки қисқартирилган негиз деб аталувчи **aka-* ёки **ākā-* билан тугайдиган негизлар енгил (содда) негизли сўзлар ва оғир (мураккаб) негизли сўзлар гуруҳидан алоҳида бўлган бошқа бир гуруҳ: қисқарган негизли сўзлар гуруҳини вужудга келтиради. Ушбу гуруҳ сўзларининг турланиш тизими типологик жиҳатдан енгил негизли сўзлар турланиш тизими ва оғир негизли сўзлар турланиш тизими ўртасидан жой олади (6-жадвалга қаранг).

3.3.1.1. Енгил (содда) негизли сўзларнинг турланиши (тусланиши).

Суғдий тилдаги енгил негизли сўзларнинг турланишида ҳинд-европа тилларида морфолиогик тизимнинг қадимги шаклига бўлган эргашиш кузатилади. 4-жадвалда суғдий тилдаги от туркумiga кирувчи сўзларнинг (қадимги форсий тилда мавжуд бўлган -a тугалланмаси билан тугаган) негизларининг турланувчи қўшимчалар тўғрисида маълумот “халқ” маъносини берувчи эркак жинсидаги *ram-* [rəm-] сўзининг келишикларда турланиши мисолида келтирилган (юлдузча (*)) билан ажратиб кўрсатилган шакллар тахминий шакллардир).

4-жадвал.

<i>№</i>	<i>Келишиклар</i>	<i>Сўз</i>	<i>Эркак жинси</i>	<i>Нейтрал жинс</i>	<i>Аёл жинси</i>
1	бош келишик (бирлик сонда)	<i>ram-i</i>	-i	-u	-a
2	тушум келишиги (бирлик сонда)	<i>ram-ú</i>	-u	-u	-a
3	қаратқич келишиги (бирлик сонда)	<i>ram-é</i>	-e	*-e	-ya

⁵¹Ушбу ўринда ўқувчига тушунарли бўлиши учун сұғдий тилдаги келишикларнинг тадқиқотчи томонидан номланган шаклларининг айнан таржимаси, қавс ичидаги эса уларнинг ўзбекча тилшунослик атамалари асосидаги муқобиллари келтирилди. Аммо тадқиқот давомида ўқувчига енгиллик яратиш мақсадида, ушбу келишикларнинг айнан ана шу ўзбекча тилшунослик атамалари асосидаги номланишларини келтиришга карор килинди (*Қаранг*: Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ ... – Б. 4-35).

4	ўрин келишиги (бирлик сонда)	<i>ram-yá</i>	-ya	-ya	-ya
5	биргалик ва чиқиш келишиги (бирлик сонда)	<i>ram-á</i>	-a	-a	-ya
6	ундов келишиги (бирлик сонда)	<i>ram-á</i>	-a		*-e
7	Тушум ва бош келишиги (саналганлик сонида) ⁵²	<i>ram-á</i>	-a	-e	-e
8	чиқиш келишиги (саналганлик сонида)	-ya(?)			

Енгил негизлардан ясалган барча сўзлар, жинсидан қатъий назар, кўпликада қуидагича турланадилар:

5-жадвал.

1	Бош ва тушум келишикларида	-ta
2	Мақсад, ўрин ва чиқиш келишиклари	-tya
3	Ундов келишиги	*-te

3.3.1.2. *Мураккаб (огир) негизли сўзларнинг турланиши (тусланиши).*

Суғдий тилдаги оғир негизли сўзларнинг турланиши (тусланиши), жинсидан қатъий назар, содда аглютинатив (қўшилиб кетувчи) турланиш асосида юз беради. Мисол тариқасида қуидаги жадвалда “кун” маъносини билдирувчи *tud* [tēθ] сўзининг турланиш шаклларини келтириш мумкин.

6-жадвал.

№	<i>Келишиклар</i>	<i>тусланиш қўшимчалари</i>	<i>мисол</i>	<i>тусланиш қўшимчаси</i>	<i>мисол</i>
1	воситасиз келишик	Ø(тусланиш қўшимчасисиз)	<i>Mēθ</i>	-t	<i>mēθ-t</i>
2	воситали келишик	-ī	<i>Mēθī</i>	-tī	<i>mēθ-*-tī</i>

3.3.1.3. *Қисқарган негизли сўзларнинг турланиши (тусланиши).*

Суғдий тилдаги қисқарган негизли сўзлар орасида *-ākā- билан тугайдиган негизли сўзлар аёл жинсида бўлиб, уларнинг турланиш тизими оғир негизли сўзларнинг турланиш тизимига яқин. Мисол тариқасида қуидаги жадвалда “уй” маъносини билдирувчи *x'n'(k)* [xānā/ xānāk] сўзининг турланган шаклларини келтириш мумкин.

7-жадвал.

№	<i>Сони</i>	<i>воситасиз келишикда</i>	<i>мисол</i>	<i>воситали келишикда</i>	<i>мисол</i>
1	бирлиқда	-ā	<i>xānā</i>	-ē	<i>xānē</i>
2	кўплиқда	-ēt	<i>xānēt</i>	-ētī	<i>xānētī</i>

⁵²Суғдий матнларда саналганлик сонида келган сўзлар турланишининг бошқа қўринишлари хам учрайди.

Сүғдий тилдаги қисқарған негизли сўзлар орасида **-ākā-* билан тугайдиган негизли сўзлар эркак жинсида бўлиб, қуидаги жадвалда уларнинг турланадиган кўшимчаларини “халқ” маъносини билдирувчи *mrtxmy/-k* сўзининг турланган шакллари мисолида келтирилади.

8-жадвал.

<i>№</i>	<i>келишиклар</i>	<i>Сўз</i>	<i>бирлик сонда</i>	<i>саналганлик сонида</i>	<i>кўплик сонида</i>
1	бош келишик	<i>martəxmē</i>	-ē	-ā	-ēt
2	тушум келишиги	<i>martəxmō</i>	-ō	-ā	
3	қаратқич келишиги	<i>martəxmē</i>	-ē		-ētī
4	ўрин келишиги	<i>martəxmē</i>	-ē	-ā	
5	биргалик ва чиқиш келишиклар	<i>martəxmā</i>	-ā		-ētī
6	ундов келишиги	<i>martəxmā</i>	-ā		-ētē

3.3.2. Олмош ва сон. Сүғдий тилда кишилик кўрсатиш олмошларининг мураккаб тизими мавжуд бўлиб, бу ерда фақатгина уларнинг асосий шаклларига тўхталиб ўтилади.

3.3.2.1. Кишилик олмошлари. Бирлик сондаги биринчи ва иккинчи шахс кишилик олмошларининг асосий шакллари қуидагилардан иборат:

<i>Кишилик</i>	<i>биринчи шахс</i>	<i>иккинчи шахс</i>
бош келишик	'zw (мен)	tyw (сен)
тушум (қаратқич) келишиги	<i>tn'</i> (мени, менинг)	<i>tw'</i> (сени, сенинг)

Биринчи ва иккинчи шахсдаги кишилик олмошларининг кўплик шакллари (яъни *t'x* (биз, бизни, бизнинг) ва *št'x* (сиз, сизни, сизнинг)) турланадиган алоҳида келишикларга эга эмас.

3.3.2.1.1. Кишилик олмошларининг тушум келишигидаги қўшиб ёзиладиган шакли қуидаги турланади:

	<i>биринчи шахс</i>	<i>иккинчи шахс</i>	<i>учинчи шахс</i>
бирлик	- <i>ty</i>	- <i>βn</i>	- <i>šw</i>
кўплик	- <i>tn</i>	- <i>βn</i>	- <i>šn</i>

3.3.2.2. Кўрсатиш олмошлари. Суғдий тилда кўрсатиш олмошлари кўпчилик ҳолларда қўйидаги негизларнинг тўлдирувчи тизими асосида ясалади:

1. “бу” маъносини билдирувчи *y* (**ayat* сўзининг ўзгарган шакли) ёки тнегизи (**iما* сўзининг ўзгарган шакли) асосида;

2. “у” маъносини билдирувчи *x* (**haи* сўзининг ўзгарган шакли) ёки *w* негизи (**ava* сўзининг ўзгарган шакли) асосида;

Умуман олганда, артикли ҳамда учинчи шахс бирлиқдаги ажратиб ёзиладиган кишилик олмоши шаклида ҳам қўлланилади.

Яхлит олинса, *y-* ва *x-* негизлари бирлик сонда келган эркак ва аёл жинсларидаги сўзларнинг бош келишикдаги шаклларини ифодалайди. Масалан,

xw (моний ва христиан сүғдийчасида) “у” маъносида (бош келишик, бирлик, эркак жинсида);

y'nt (христиан сүғдийчасида) “булар” маъносида (бош келишик, кўплиқда);

Бошқалар *w* ва *m* негизларидан ясалади. Масалан: '*w* (христиан сүғдийчасида) “уни” маъносида (тушум келишиги, бирлик, эркак жинсида) *m'nt* (христиан сүғдийчасида) “буларни” маъносида (тушум келишиги, кўплиқда).

3.3.2.3. Нисбий ва сўроқ олмошлари. Бу турдаги олмошлар қўйидаги негизларнинг икки хил тўлдирувчи тизими асосида ясалади:

а) *k-* негизи (жонли мавжудотлар учун). Масалан:

“-ки”, “-ким” (*боғловчилар*), “ўшалким”, “ким” (*сўроқ олмоши*) маъноларини берувчи (’) *ky* сўзи (суғдий ёзувида);

б) *č-* негизи (жонсиз мавжудотлар учун). Масалан, “нима”, “қайси”, “қай нарса” маъноларини берувчи (’) *cws* сўзи (суғдий ёзувида);

Эслатма: Ушбу олмошларнинг барчаси турли предлоглар ва юкламаларга қўшилиб келадилар ёки уларга қўшимчалар қўшилиши орқали кенгроқ шаклларга эга бўладилар.

3.3.2.4. Сои. Шуни айтиб ўтиш керакки, суғдий тилдаги сонларнинг турланиши маълум даражада от ва сифат туркумларига кирувчи сўзларнинг турланишига боғлиқ.

3.3.3. Феъл. Суғдий тилдаги феъллар икки хил негиз: ҳозирги-келаси замон негизи ва ўтган замон негизига эга бўлиб, ҳар иккала негиздан ясалган

феъллар шахс (биринчи шахс, иккинчи шахс ва учинчи шахс) ҳамда сонда (бирликда ва кўплиқда) тусланади⁵³.

Суғдий тил барча ўрта давр эроний тиллар орасида турли замонларда келиши, майл ва тур хусусиятларига кўра алоҳида ажралиб туради.

Қадимги форсий тилдаги айрим категориялар, масалан ноаниқ ўтган замон категорияси суғдий тилда йўқолган. Аммо уларнинг ўрнини бошқа янги категориялар эгаллаган бўлиб, қуидаги шаклларда кўзга ташланади:

- а) қиёс воситасида нореал ўтган замон категориясига ўхшашиб шаклда;
- б) тусланмайдиган юклама қўшиш орқали давомийлик категориясига ўхшашиб шаклда;
- в) мураккаб сўзлар воситасида қила олишликни ифодаловчи тузилмага ўхшашиб шаклда;

Албатта биргина суғдий матнда ушбу хилма-хил категорияларнинг барчасини учратиш қийин.

3.3.3.1.Ҳозирги-келаси замон негизидан ясалган сўзлар. Қадимги форсий тилда мавжуд бўлган ҳозирги-келаси замон негизларининг кўпчилиги ўрта давр эроний тилларининг шарқий гуруҳига кирувчи тилларга хос бўлган фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда суғдий тилда сақланиб қолган бўлиб, “қилмоқ”, “амалга оширмоқ” маъноларини билдирувчи *kwn* - ҳозирги-келаси замон негизи бунга мисол бўла олади.

Куида ҳозирги-келаси замон негизидан ясалган шаклларга бир неча мисол берилади:

- 1) ҳозирги-келаси замон феълининг аниқлик майли; масалан, *kwn* - ҳозирги-келаси замон негизи қуидагича тусланади:

	Бирлик	кўплик
биринчи шахс	<i>kwn'm</i>	<i>kwnym</i>
иккинчи шахс	<i>kwny</i>	<i>kwnδ'</i>
учинчи шахс	<i>kwnty</i>	<i>kwn'nt</i>

2) аниқ ўтган замон феъли ёки ўтган замон давом феъли (ҳозирги-келаси замон негизидан ясалган ўтган замон феълининг тугалланмаган тури);

- 3) истак майли;
- 4) тилак-илтимос майли;
- 5) буйруқ майли;
- 6) ҳозирги замон инфинитиви (ҳозирги-келаси замон негизига инфинитив қўшимчасини қўшиш орқали ёки қўшмасдан ясалган инфинитив);

⁵³Исҳаков М.М. Глагол в согдийском языке (документы с горы Муг). – Ташкент: Фан, 1972.

бунга мисол тариқасида “емоқ” маъносини берувчи *xwr*-у сўзини келтириш мумкин.

7) иккиласида үтган замон феъли (ҳозирги-келаси замон негизига –’*t* [-*āt*] қўшиш орқали ясалади); бунга мисол тариқасида “ билди” маъносини билдирувчи *yrb*-’*t* сўзини келтириш мумкин.

8) – *āz* ли үтган замон феъли (ҳозирги-келаси замон негизига –’*z*[-*āz*] қўшиш орқали үтган замон давом феъли ясалади); бунга мисол тариқасида “кетди/кетарди” маъносини билдирувчи *św*-’*z* сўзини келтириш мумкин.

Умуман олганда, сұғдий тилдаги ҳозирги-келаси замон негизининг тусланишида аниқлик нисбатидаги ўтимли феълнинг тусланиши, алоҳида ҳолда келадиган бир неча тусланувчи қўшимчадан ташқари, қадимги форсий тилдаги ўрталик нисбатидаги ўтимсиз феълнинг тусланишининг ўрнини эгаллаган⁵⁴.

3.3.3.2. Ўтган замон негизидан ясалган сўзлар. Сұғдий тилдаги феълларнинг үтган замон негизлари форсий тилида мавжуд бўлган -**ta* қўшимчаси билан тугаган үтган замон сифатдошининг ўзгарган шаклидир. Ушбу негизларнинг баркаси -*t* билан тугайди.

Сұғдий тилда үтган замон негизидан ясалган шакллар қуйидагилардан иборат: аниқ үтган замон феъли, үтган замон натижали феъли, қила олишликни ифодаловчи тузилма, үтган замон инфинитиви (ўтган замон негизига инфинитив қўшимчини қўшиш орқали ёки қўшмасдан ясалган инфинитив; бунга мисол тариқасида “бермоқ”, “багишламоқ” маъноларини билдирувчи *þyt*-у сўзини келтириш мумкин).

3.3.3.3. Махсус феъл конструкциялари. Сұғдий тил бошқа үтган давр эроний тилларида камроқ учрайдиган махсус феъл конструкцияларига эга. Қуйида уларнинг айримларига мисоллар келтирилади.

3.3.3.1 Аниқ үтган замон феъли ва үтган замон натижали феъли.

а) *ўтимли феъл*. Сұғдий тилда ўтимли феълларнинг аниқ үтган замон ва үтган замон натижали шакллари “эга бўлмоқ”, “сақламоқ” маъноларини билдирувчи δ’*r*- кўмакчи феъли ёрдамида тусланади. Бунга мисол тариқасида

⁵⁴Учинчи шахс бирликда тусланувчи барча шакллар сұғдий тилда сақланиб қолган ўтимсиз феълларнинг энг муҳим тусланувчи шаклларини юзага келтиради. Масалан, ўтимли феълларнинг ҳозирги-келаси замон шакли ўтимсиз феълларнинг тусланувчи қўшимчаси -*te* билан бирга келиб, мажхул маъно касб этади. Мисол сифатида “кўринади” маъносини билдирувчи *wynty* [wēntē] сўзини келтириш мумкин. Ушбу феълнинг аниқлик нисбатидаги тусланувчи шакли “кўради” маъносини билдирувчи *wynt* [wēnt] сўзидан иборат.

“бермоқ” маъносини билдирувчи $\delta\beta rt$ - ўтган замон негизи (ушбу феълнинг ҳозирги-келаси замон негизи $\delta\beta r$ - бўлади) ҳамда юқорида айтиб ўтилган кўмакчи феълнинг учинчи шахс бирлик ҳозирги-келаси замонда тусланган шакли (яъни $\delta'rt$) дан ясалган “у берди”, “у берган”, “у берибди” маъноларини билдирувчи $\delta\beta rtw\delta'rt$ сўзини келтириш мумкин.

9-жадвал.

		хозирги келаси замон феъли	аниқ ўтган замон феъли ёки ҳозирги замон давом феъли	шарт майли	тилак- илтимос майли	истак майли	буйруқ майли
бирлик	биринчи шахс	$-\bar{a}m(-\bar{\bar{a}}m)$	$-i$	$-i$	$e/-\bar{e}m$	$-\bar{a}n (-\bar{\bar{a}}n)$	
	иккинчи шахс	E	$-e/-i$		$-e/-ya$	$-\bar{a}$	$-a/ (-\theta)$
	учинчи шахс	$-ti (-t)$	$-a/ (-\theta)$		$-e$	$-\bar{a}t(-\bar{\bar{a}}t)$	
кўплик	биринчи шахс	$-\bar{e}m$	$-\bar{e}m$		$-\bar{e}m$		
	иккинчи шахс	$-\theta a/-ta$ $(-\theta(a))/-ta$	$-ta$	ҳозирги келаси замон феъли	$-\bar{e}\theta$		$-ta/-\theta a$
	учинчи шахс	$-and/t$	$-and/t$	$-and/t$	$-\bar{e}nd/t$		$(-t(a))/\theta(a))$

б) ўтимсиз феъл. Суғдий тилда ўтимсиз феълларнинг аниқ ўтган замон ва ўтган замон натижали шакллари “бўлмоқ”, “эмоқ” маъноларини билдирувчи кўмакчи феълнинг сўзга қўшилиб келувчи - хшакли ёрдамида ясалади. Бунга мисол тариқасида “кирмоқ” маъносини билдирувчи $t\bar{y}t$ - ўтган замон негизи (ушбу феълнинг ҳозирги-келаси замон негизи tys бўлади) ҳамда юқорида айтиб ўтилган кўмакчи феълнинг, биринчи шахс бирлик ҳозирги-келаси замонда тусланган (яъни $-ut$ қўшилган) шаклидан ясалган “кирдим”, “кирганман”, “кирибман” маъноларини билдирувчи $t\bar{y}t-ut$ сўзини келтириш мумкин.

3.3.3.3.2. Аниқ ўтган замон феъли ёки ўтган замон давом феъли. Қадимги форсий тилдаги аниқ ўтган замон феъли ёки ҳозирги-келаси замон негизи асосида ясаладиган ўтган замон давом феъли шакллари суғдий тилда кўйидаги кўринишларда сақланиб қолган:

а) суғдий тилда қўшимчали негизлардан ясалган сўзларда ўтган замон шаклини ясовчи орттирма⁵⁵ сақланиб қолган. Бунга мисол тариқасида

⁵⁵Бу ерда суғдий тилда феълларнинг ҳозирги-келаси замон негизи олдидан қўшилиб келган ўтган замон шаклини ясовчи -а унсури тўғрисида сўз бормоқда. Форс тилида **афзунэ** (қўшимча, орттирма), инглиз

қадимги форсий тилдаги *-paisat* (бу ерда *a-* ўтган замон шаклини ясовчи орттирма) олдиdan **ni-* олд қўшимчасини қўшиш орқали вужудга келган шакл асосида ясалган “у ёзди” маъносини билдирувчи *pyrus* (мураккаб негиздан ясалган феълнинг учинчи шахс бирлик ўтган замонда тусланган шакли) сўзи қархисида қадимги форсий тилдаги **ni-paisati* (бу ерда **ni-* олд қўшимчasi ҳисобланади) шакли асосида ясалган “у ёзди” маъносини билдирувчи *pryst* (мураккаб негиздан ясалган феълнинг учинчи шахс бирлик ҳозирги-келаси замон тусланганди шакли) сўзини келтириш мумкин.

б) суғдий тилда олд қўшимчасисиз негизлардан ясалган сўзларда ўтган замон шаклини ясовчи орттирма қўзга ташланмайди. Бунга мисол тариқасида қадимги форсий тилдаги **a-barat* шакли асосида ясалган “у олиб кетди” маъносини билдирувчи *br'* (енгиз негиздан ясалган феълнинг учинчи шахс бирлик ўтган замон ёки ўтган замон давом шаклига тусланганди шакли) сўзи қархисида қадимги форсий **barati* шакли асосида ясалган “у олиб кетади” маъносини билдирувчи *brty* (енгил негиздан ясалган феълнинг учинчи шахс бирлик ҳозирги замонда тусланганди шакли) сўзини келтириш мумкин.

Эслатма: Суғдий тилда ўтган замон шаклини ясовчи орттирма олд қўшимча охирида келувчи қисқа унли, яъни *-a* ёки *-i* га қўшилиб, *-ā-* ёки *-ī-* чўзиқ унлиларини вужудга келтирган.

Эслатма: Қадимги форсий тилда аниқ ўтган замон феъли ёки ўтган замон давом феъли қуйидаги тартибда ясалган: ўтган замон шаклини ясовчи орттирма + феълнинг ҳозирги-келаси замон негизи + ўтган замон феълининг тусланувчи қўшимчasi.

Мисол учун: *a + bara + t = abarat* (олиб кетди).

3.3.3.3.3. Келаси замон феъли. Суғдий тилда феълларнинг келаси замон шакли феълнинг ҳозирги-келаси замон негизига *-kāt* юкламаси (унинг суғдий ёзувда энг сўнгги шакли *-k'p* кўринишида ёки сурёний ёзувидаги суғдий матнлардаги сўнгги *āā* шакли *-q'* кўринишида бўлган) қўшиш орқали⁵⁶ ясалади. Бунга мисол тариқасида “қилажак”, “амалга оширажак” маъноларини билдирувчи *kwnty-k'm* сўзини келтириш мумкин.

3.3.3.3.4. Феъллардаги давомийликнинг ифодаланиши. Суғдий тилда феълларнинг давомийлигини ифодалашда энг кўп ишлатиладиган ҳамда

тилида **augment**, рус тилида эса “увеличительный аффикс” деб аталувчи ушбу унсурни феълларнинг ўтган замон шаклларини ясовчи бошқа қўшимчалар билан адаштириб юборилишининг олдини олиш учун “ўтган замон шаклини ясовчи қўшимча” деб эмас, балки “ўтган замон шаклини ясовчи орттирма” деб аташга қарор килинди.

⁵⁶Ушбу юклама баъзида бошқа шакллар, жумладан феълларнинг истак, шарт ва тилак-илтимос майллари, ҳатто *āz-* ли ўтган замон шаклига ҳам қўшилиб келади.

кўпинча ҳозирги-келаси замон феъли, ўтган замон негизи асосида ясалган ўтган замон феъли ва *-āz* ли ўтган замон феълидан кейин келадиган юклама (‘)skwн юкламасидир (унинг суғдий ёзувдаги сўнгги шакллари *-sk* ёки *-skn* кўринишида бўлган). Бунга мисол сифатида “кетарди” маъносини билдирувчи *šw’z skwн* сўзини келтириш мумкин.

3.3.3.3.5. Қила олишиликни ифодаловчи тузилма⁵⁷. Суғдий тилда қила олишиликни ифодаловчи тузилма мураккаб сўз шаклига эга бўлиб, у қуйидаги икки тушунчани ифодалашда ишлатилади:

а) иш-ҳаракатни бажаришга бўлган имкон, имконият, мумкинлик, иш-ҳаракатни бажара олиш, бажаришга қодирлик ёки бажариш имконига эга бўлиш. Бунга мисол сифатида “эга бўлмоқ”, “сақламоқ” маъноларини билдирувчи *žyt-* ўтган замон негизига *kwn-* кўмакчи феълининг биринчи шахс бирлик ҳозирги-келаси замонда тусланган шаклини қўшиш орқали ясалган “сақлай оламан” маъносини билдирувчи *-žyt’ kwn’t* сўзини келтириш мумкин.

б) олдин бўлиб ўтганлик. Бунга мисол сифатида қуйидаги иборани келтириш мумкин: *c’n’w xwrt’sptk xwrtwn’nt....* “Овқат еб бўлганларидан сўнг....”. Бу ерда “еб бўладилар” маъносини билдирувчи *xwrtwn’nt* сўзи “емоқ” маъносини билдирувчи *xwrt-* ўтган замон негизига *wn-* кўмакчи феълининг учинчи шахс кўплик ҳозирги-келаси замонда тусланган шаклини қўшиш орқали ясалган.

Ўтимли ва ўтимсиз феъллар иштирокида қила олишиликни ифодаловчи тузилманинг ясалиши қуйидаги икки шаклда амалга ошади:

а) ўтимли феъллар иштирокида: феълининг ўтган замон негизидан сўнг “амалга ошироқ” маъносини билдирувчи *kwn-* ёки *wn-* кўмакчи феълининг тусланган шаклини келтириш орқали;

б) ўтимсиз/мажхул феъллар иштирокида: феълининг ўтган замон негизидан сўнг “бўлмоқ” (*быть*)⁵⁸ маъносини билдирувчи $\beta(w)$ - кўмакчи феълининг тусланган шаклини келтириш орқали.

⁵⁷Ҳозирги форс, инглиз ва рус тилларида модал феъллардан бири бўлган “қила олмоқ” маъносини билдирувчи **тавонистан** (форсча), **to can** (инглизча) ва **мочь** (русча) феъли ёрдамида, ўзбек тилида эса –а ёки –ай билан тугаган равишдошдан сўнг “олмоқ” феълининг тусланган шаклини келтириш (ёки бошка йўллар) орқали амалга ошириладиган иш-ҳаракатни бажара олиш, бажаришга қодирлик ёки бажариш имконига эга бўлишни ифодалаш суғдий тилда мураккаб сўзлар ёки бир неча сўз ёки унсурдан ташкил топган тузилмалар воситасида амалга оширилади. Шунга кўра рус тилида “форма возможности” деб аталувчи шаклнинг суғдий тилдаги кўринишини қила олишиликни ифодаловчи тузилма (структурда) деб аталди (Қаранг: Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ / Форс тилидан Шокиржон Олимов таржимаси ... – Б. 4-35)

⁵⁸Ўзбек тилида “бўлмоқ” сўзининг турли ўринларда маъноларни бериши, жумладан унинг бир ўринда “эмоқ”, “бўлишлик”, “бўлганлик” каби маъноларни, бошка бир ўринда эса “айланмоқ”, “бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтмоқ” каби маъноларни билдиришидан келиб чиқсан ҳолда ушбу сўзнинг турли

3.3.3.3.6. Феълнинг мажхул нисбати. Суғдий тилда феълнинг мажхул нисбати турли усуллар билан ифодаланади. Биз бу ерда суғдий тилда феълнинг мажхул нисбатини ифодалашда кенг қўлланиладиган икки усулга тўхталиб ўтамиз.

а) одатда гапдаги эга билан мослашадиган ўтган замон сифатдоши “бўлмоқ” (*становиться, делаться*) маъносини берувчи $\beta(w)$ - феълининг тусланган шакллари билан бирга келиб мажхул нисбатдаги тусланмайдиган ёки мураккаб конструкцияни вужудга келтиради. Бунга мисол тариқасида “келтирилади” маъносини билдирувчи $\gamma_{\beta w}$ сўзини келтириш мумкин.

б) суғдий тилда қадимги форсий тилидаги бошланғич ҳозирги келаси замон негизларининг ўзгаришидан келиб чиқсан -s билан тугайдиган ҳозирги-келаси замон негизлари мавжуд бўлиб, улар ўтимсиз феъллар ёки феълларнинг мажхул нисбатини ясашда қўлланилади. Бунга мисол тариқасида “ўрганмоқ” маъносини билдирувчи yws ўтимли феълнинг ҳозирги-келаси замон негизи билан “ўрганмоқ” маъносини билдирувчи ywx ўтимсиз/мажхул феълнинг ҳозирги-келаси замон негизи қиёсини келтириш мумкин. Бундай негизларни ўртача мажхул негизлар деб аташади.

3.4. Сўз ясалиши

Суғдий тилдаги камроқ миқдорда сўз ясовчи олд қўшимча (префикс), анчагина миқдорда сўз ясовчи орт қўшимча (суффикс) ҳамда бир қанча мураккаб сўзлар кўзга ташланди.

3.5. Сўз бойлиги

Суғдий тилидаги сўзларнинг асосий қисмини барча эроний тиллардаги мавжуд бўлган умумфорсий сўзлар, шунингдек эроний тилларнинг шарқий гурухига мансуб тилларга хос бўлган сўзлар ташкил этади.

3.5.1. Суғдий тилининг бошқа тиллар билан бўлган алоқаси. Буддавий, моний ва христианлик динларига оид суғдий матнлардан иборат бўлган суғдий таржима адабиётида кўпчилиги ўша замонда жонли сўзлашувда бўлган суғдий тилда мавжуд бўлмаган бегона сўзлар кўплаб учрайди. Масалан, “қўшиқ, назмга солинган сўз, байт” маъносини билдирувчи $\check{sh}'wk'$ сўзи аслида санскрит тилидаги *śloka* сўзидан олинган.

Суғдий тилдаги бошқа тиллардан ўз маъносини ўзгартирмаган ҳолда кириб келган сўзлар қуйидаги рўйхатда келтирилган. Ушбу сўзлар асосан

ўринлардаги турлича маъноларини бир-биридан фарқлаш учун қавс ичida уларнинг “быть”, “становится” каби русча мұқобилларини келтириш мумкин.

ҳинд тиллари, хусусан ўрта давр ҳинд тилидаги шакллар ҳамда эроний тиллар, жумладан ўрта форсий тил, Аҳамонийлар даври паҳлавий тили ва балх (бохтар бақтрия) тилидан ўзлашган. Айтиб ўтиш лозимки, суғдий тилнинг хитой ва турк тиллари билан бўлган яқин алоқасига қарамасдан, ушбу тиллардан суғдий тилига кириб келган сўзлар озчиликни ташкил этади.

1. *sxr-* “чарх, ғилдирак” – балх тилидан ўзлашган (суғдий тилда ушбу сўзнинг *sxr-* шаклини ҳам кўришимиз мумкин).

2. *’rxiš* “карвон” – турк тилидаги *arqiš* сўзидан олинган.
3. *δυдұт* “тож” – юнон тилидаги *διαδημα* сўзидан олинган.
4. *kwtr* “оила” – санскрит тилидаги *gotra-* сўзидан олинган.
5. *sm’wtr* “денгиз” – санскрит тилидаги *samudra* сўзидан олинган.
6. *rtn* “тавҳар” – санскрит тилидаги *ratna* сўзидан олинган.
7. *myr* “якшанба” – ўрта форс тилидаги *muhr* сўзидан олинган.
8. *tum* “мехмонхона” – хитой тилидаги **tiem* сўзидан олинган.

3.5.2. Энг кўп ишлатиладиган сўзлар рўйхати.

- | | |
|-------------------|-------------------------|
| 1. <i>mrtv</i> | “эркак” |
| 2. <i>’unc</i> | “аёл” |
| 3. <i>’p</i> | “сув” |
| 4. <i>xwyr</i> | “қуёш” |
| 5. <i>’dry</i> | “уч” (сон) |
| 6. <i>kp-</i> | “балиқ” |
| 7. <i>mzux</i> | “катта” |
| 8. <i>βrzy</i> | “узун” |
| 9. <i>rync ’k</i> | “кичик” |
| 10. <i>šyr-</i> | “яхши” |
| 11. <i>mry-</i> | “қуш” |
| 12. <i>kwt-</i> | “ит” |
| 13. <i>wn-</i> | “дараҳт ⁵⁹ ” |

3.6. Синтаксис⁶⁰.

Суғдий тилда битилган ёзма адабиётнинг катта қисмини бошқа адабиётлардан таржима қилинган диний матнлар ташкил этиб, улардаги

⁵⁹G‘oyibov B. O‘zbek va tojik tilidagi sug‘diy so‘zlar xususida: tarix va talqin / Ilmiy axborotnoma. Научний вестник. – Самарқанд: 2014. – №6 (88). – Б. 16-21; G‘oyibov B. O‘zbek va tojik tilidagi sug‘diy so‘zlar xususida: tarix va talqin. 2. / Ilmiy axborotnoma. Научний вестник. – Самарқанд: 2015. – №4 (92). – Б. 15-20.

⁶⁰Ҳозирга қадар суғдий тил синтаксиси тўғрисида комплекс тадқиқот амалга оширилмаган. Суғдий тилнинг майл ва замонлари тўғрисида М.Исҳоқов ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган холос (Қаранг: Исҳаков М. Глагол в согдийском языке (документы с горы Муг) – Ташкент: Фан, 1972).

суғдийча ибораларда кўпинча таржима қилинган тилдаги сўзлар тартиби ҳеч қандай ўзгартиришларсиз сақланган.

3.6.1. Гапда сўзлар тартиби. Суғдий тилдаги гапда турли гап бўлаклари вазифасини бажарувчи сўзлар қуйидаги тартибда келади: иш-ҳаракатни амалга оширувчини билдирувчи бўлак + иш-ҳаракат объектини билдирувчи бўлак + иш-ҳаракатни билдирувчи бўлак. Лекин айрим ҳолларда, хусусан иш-ҳаракатни билдирувчи бўлак кетма-кет келган бир неча унсурдан иборат бўлса, иш-ҳаракатни билдирувчи бўлак иш-ҳаракат объектини билдирувчи бўлакдан олдин келади. Бунга қуйидаги гап мисол бўлади:

r-ty ZK mry 'rt-yh xурд 'w'nt ZKH 100 дун ''rzyrn

Ўша чоқ (боғловчи) – марварид – эгаси – тўлади – юз динор олтин.

r-ty-šn ''βr 'xwpr ''mn tყδ'kw ZY wyx ZY wkr...

Ўша чоқ (боғловчи) – улар учун келтиради башоратчи мана шунга қараб мева, илдиз ва барглар....

Маъноси: Ўша чоқ башоратчи мана шунга қараб улар учун мевалар, илдизлар ва барглар келтиради....

3.6.2. Аниқловчи ва аниқланмиш. Суғдий тилдаги гапларда аниқловчилар аниқланмишлардан олдин келади ва турланишда улар билан мослашади. Бироқ бу мослашишга ҳар доим ҳам риоя қилинавермайди.

3.6.3. Қаратқич ва қаралмиш. Эгалик унга тегишли бўлган от – қаратқич одатда қаратқич келишиги ёки воситали келишикда турланиб, қаралмишдан олдин келади. Бунга қуйидаги иборани мисол келтириш мумкин.

pwtystβ-y //⁶¹ *šyr 'krtyh*
 ↓ ↓
Будданинг (қаратқич келишиигида) // яхши иши

3.6.4. Боғловчилар. Суғдий тилдаги гапларда боғловчилар асосий отлардан кейин келади. Бунга қуйидаги иборани мисол келтириш мумкин.

wysph// *'rkh//* *cw-ZY-my//* *tywprm 'y-y*

⁶¹Суғдий тилдаги гапларда сўзлар ёки гап бўлаклари тартибини айнан кўрсатиб бериш максадида мисол келтирилган суғдийча гапларнинг аввал маъновий таржимаси эмас, балки улардаги сўзлар ёки гап бўлаклари кетма-кетлигини бузмаган ҳолда амалга оширилган сўзма-сўз кўчирма таржимаси келтирилаётганлиги, лозим бўлган ўринларда эса, сўзма-сўз кўчирма таржимадан сўнг уларнинг маъновий таржимаси ҳам берилаётганлиги сабабли сугдийча гаплардаги ҳар бир сўз ёки бўлак ва уларнинг сўзма-сўз кўчирма таржимасидан сўнг “//” белгисини кўйишига қарор қилинди.

↓ ↓ ↓ ↓
 ҳар қандай// иш (асосий от)//, қайсики (боғловчи) менга//сен буюрасан

Яъни: Сен менга буюрадиган ҳар қандай иш....

3.6.5. Олд ва орт кўмакчилар. Суғдий тилдаги гапларда сўзлардан олдин келадиган олд кўмакчилар (предлоглар) ишлатилиди. Бироқ бу тилда сўзлардан кейин келадиган орт (сўнг) кўмакчиларнинг (послелогларнинг) ишлатилиши ҳам кўзга ташланади. Айрим ҳолларда сўздан кейин келадиган орт кўмакчи сўздан олдин келадиган олд кўмакчининг гапдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

<i>(a) prw//</i>	<i>xypδ'w'nt-y//</i>	<i>prm'nh</i>
↓	↓	↓
асосида//	подшоҳнинг (воситали келишикда)//	фармон(и)

Яъни: подшоҳнинг фармони асосида...

<i>(b) 'ywštry//</i>	<i>'M//</i>	<i>'ywštr'//</i>	<i>pr'w</i>
↓	↓	↓	↓
туя (бош келишикда)//	билин//	туя (биргалик келишикда)//	(орт кўмакчи)

Яъни: туж билан туж...

3.6.6. Инкор ва таъзиқ. Суғдий тилда инкор шакли феълдан олдин келадиган *nu* юкламаси, таъзиқ шакли эса феълдан олдин келадиган *n'* юкламаси ёрдамида ясалади. Мисол тариқасида монийлик динига оид суғдий матндан олинган қуйидаги иборани келтириш мумкин:

<i>'rfy//tym//</i>	<i>'ydc//</i>	<i>mry'rt//</i>	<i>nny//</i>	<i>swmb-t</i>
↓	↓	↓	↓	↓
Ўша чок//	ҳалигача//	бирорта//	марварид(ни)//	на(инкор юкл.)// тешади

Яъни: У ҳалигачи бирор бир марваридни тешмайди.

<i>n'//</i>	<i>wy'br//</i>	<i>n'//</i>	<i>pty'wš</i>
↓	↓	↓	↓
на//	гапир(буйруқ майлида)//,	на//	эшит (буйруқ майлида)

Яъни: Гапирма ва эшитма.

3.6.7. Қўшилиб келадиган олмошлар. Суғдий тилда қўшилиб келадиган олмошлар гап ясовчи биринчи бўлакдан сўнг келади. Бунга мисол тариқасида қўйидаги гапни келтириш мумкин:

$r-t\cdot\check{sh}y//$ $\cdot z w // w'n w //$ $p t y \check{s} k w y$
 ↓ ↓ ↓ ↓
 Шунда унга (боғловчи)// мен// шундай// арз қилдим

Яъни: Шунда мен унга шундай дедим.

3.6.8. Суғдий тилдаги гаплардан намуналар.

$r-t y // 'x w // z y r t // 'M // \beta w \delta 'n t k // s m ' ' \delta n // ' p y h // Z K w h // y r y w // s y n ' y$

Шунда-(боғловчи)// у// тезда// билан// таратувчи// хушбўй ёғ// сув// (артикль)// тана// ювди.

Яъни: Шунда у тезда хушбўй ҳид таратиб турувчи сув билан танасини ювди.

$x w y n - t y //$ $r - y - x w //$ $\delta \check{sh} t w ' n //$ $' p w - p w r c // \check{s} ' t$
 ↓ ↓ ↓ ↓ ↓
 деб аталади//шунда-(боғловчи)-(арттикль)// камбағал// бе-қарз// шод

Яъни: Шунда қарзи бўлмаган камбағал шод (бахтиёр) деб аталади.

$r-t y - \check{s} n - m s //$ $' w n ' k w //$ $c w - Z Y //$
 ↓ ↓ ↓
 Шунда-(боғловчи)-улар воситасида-ҳам// у// қайсики-(боғловчи)//

 $p r w // ' \beta c ' p r \delta //$ $w y t y // w m ' t // w \beta y w //$ $\check{s} y r w // w \beta y w // y n t ' k w //$
 ↓ ↓ ↓ ↓ ↓ ↓ ↓ ↓
 устида// ер(нинг)// кўринган// эди// ҳам// яхши// ҳам// ёмон//

$r-t y //$ $' y ' z - n t //$ $s ' t //$ $Z K n // m r t x m y //$
 ↓ ↓ ↓ ↓ ↓
 шунда-(боғловчи)// бошладилар// барчаси(ни)// (арттикль)одамлар(га)//
 $y w y t y //$ $Z Y //$ $\beta s ' y t$
 ↓ ↓ ↓
 ўргатмоқ(қа)// ва// таълим бермоқ(қа).

Яъни: Шунга улар ҳам ер юзида кўриниб турган барча яхши ва ёмон нарсаларни (улар воситасида) одамларга ўргата бошладилар.

II. НУМИЗМАТИКА

§-1. Умумий маълумот

Суғдий тил ва ёзувда яратилган ёдгорликларнинг сезиларли бир қисмини танга-пуллар ташкил этиб, уларнинг кўпчилиги Суғд ўлкаси ва унинг атрофидаги ҳукмдорликларни бошқарган суғдий ҳукмдорлар томонидан зарб қилинган бўлса, яна бир муҳим қисми Амударё – Сирдарё оралиғи ва Еттисувда ҳукм сурган туркий сулолаларга тегишлидир.

Кўплаб археоогик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, Ўзбекистон худуди – Марказий Осиё тарихида илк шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилик анъаналари вужудга келган худудлардан бўлиб, минтақадаги дастлабки маҳаллий танга-пуллар айнан шу ерда зарб қилинган.

Товар айирбошлашнинг энг қулай воситаси сифатида танга-пуллардан Юнон-Бақтрия (мил.ав. IV – II аср)да ҳамда Кушон салтанати (мил.ав. II – мил. III аср)да фойдаланилган. Милодий минг йилликнинг илк асрларидан бошлаб Суғд, Хоразмда ҳам танга зарб этиш йўлга қўйилган. Улар билан деярли бир вақтда маркази Чоч воҳасидаги Қанғ давлати (мил.ав. III – мил. III аср)да товар айирбошлаш муносабатлари натура шаклида эмас, танга-пул воситасида амалга оширила бошлаган. Милодий VII–VIII асрларга келиб Фарғона ва Уструшона ҳукмдорлари ҳам ўз тангаларини зарб қилишга киришганлар.

Бунга қадар минтақа аҳолиси олди-сотди, савдо-сотиқ ишларини тери, дон-дун, чорва моллари, қимматбаҳо буюмлар ва ҳоказоларни ўзаро алмаштириш орқали бажарган бўлиб, бундай усул ўзига хос муайян қийинчиликлар туғдирар эди. Шу жиҳатдан олганда, ўзаро савдо ва товар айирбошлаш муносабатларида муайян бир металл – мис ва олтиннинг воситачи ролни ўйнай бошлаши инсоният тарихидаги энг катта ютуқлардан бири бўлганини эътироф этиш зарур.

Амударё ва Сирдарё оралиғи ҳамда унга туташ худудлардаги Чоч, Фарғона, Уструшона, Суғд, Бухоро, Тўхористон ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар алоҳида сиёсий-маъмурий тузилмалар – воҳа ҳукмдорликлари бўлиб, ҳар бири мустақил статусга эга эдилар. Улардан ҳар бири ўз ҳукмдор сулоласи, меросий ҳокимияти, бошқарув маркази (пойтахти), қонунчилиги, ўз қўшини, муайян худуди ва чегараси ҳамда танга-пул тизимиға эга бўлиб, ўзига хос ҳокимият рамzlари бор эди⁶². Ҳатто, уларнинг баъзиларида конфедератив шаклдаги бошқарувлар ҳам мавжуд эди.

⁶²Бобоёров F. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон худудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Т., 2010. – Б. 18-40.

Хусусан, Тўхористон ва Суғдда шундай ҳолат яққол кўзга ташланарди⁶³. Иккаласида ҳам ҳар бир вилоят ёки туман алоҳида кичик ҳукмдорликлар бўлиб, уларнинг деярли барчаси юқоридагидай статусга молик эдилар (сулола, ҳукмдор, ҳудуд, чегара, танга-пул тизими ва х.к). Жумладан, Тўхористон, хитой роҳиби Сюан Цзан (629-645) маълумотича, 27 та кичик ҳукмдорлик (Термиз, Ҷағониён, Хуттал, Кумед, Кобадиён, Шуғнон, Вохон, Балх, Гузгон ва бошқалар)дан ташкил топганди ҳамда барчаси Турк ҳоқонлигига бўйсунарди⁶⁴. VII асрнинг иккинчи чорагида ўлкада ҳоқонлик билан алоқали, Ашина хонадонидан бўлган Ябгулар бошқаруви таъсис этилгач, мазкур ҳукмдорликлар ушбу Тўхористон ябгулари сулоласини тан олган ҳолда бир-бирларидан мустақил равишда бошқарувда давом этадилар.

§-2. Илк ўрта асрларга тегишли суғдий ёзувли тангалар

Милоднинг ilk минг йиллиги ўрталарига келиб Амударё – Сирдарё оралиги ва унга қўшни ҳудудлардаги Чоч, Ўтрор, Фарғона, Уструшона, Суғд, Тўхористон каби воҳа ҳукмдорликларининг қарийб барчасида танга зарбининг йўлга қўйилиши нафақат иқтисодий зарурият билан боғлиқ бўлмай, балки ҳамма даврларда бўлгани каби пул зарб қилиш маълум маънода давлат мустақиллигини ҳам ифодаларди. Айнан шу сабабли ilk ўрта асрларда мамлакатимиз ҳудудида зарб қилинган тангаларда ҳар бир ҳукмдорликнинг ўзига хос белгиси – тамғалар акс этган. Воҳа ҳукмдорликлари, ҳатто конфедератив шаклдаги ҳукмдорлик таркибидаги айрим майда ҳокимликлар ҳам ўз тамғаларига эга бўлиб, улар нафақат тангаларда, балки сопол ва металл буюмлар сиртида ҳам ўз аксини топган. Аслида муайян бир тамға бирор ҳукмдорликни ифодаловчи рамзий белгига айланган бўлса-да, уларни бирон бир мамлакат ёки ўлканинг қадимдан ўзгармай келган анъанавий нишони (герби) деб бўлмайди. Чунки, минтақадаги сиёсий вазият билан боғлиқ ҳолда ҳар бир даврда ўзига хос рамзий белгилар мавжуд, бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилган. Хусусан, Кушон салтанати ва Қанг давлати давридаги тамғалар билан ilk ўрта асрлардаги тамғалар орасида анча фарқлар бор. Илк ўрта асрларга келиб, воҳалардаги ҳар бир ҳукмдорлик ўзига хос тамғага эга бўлган. Бу даврга хос тамғаларни бирор бир мамлакатнинг эмас, у ерни бошқариб турган сулоланинг рамзий белгиси сифатида баҳолаш мантиқлироқ. Масалан, VII–VIII асрларда Чоч воҳасида учта бошқарувчи сулола мавжуд бўлиб, улардан

⁶³Gayibov B. Sogdian Confederation: The Kingdoms Position and Peculiarity // The international journal of Humanities & Social Studies. Vol. 4. Issue 6. June. – India: 2016. –P. 88-94.

⁶⁴ Бичурин Н.Я.Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.- Л., 1950. – Том II. – С. 321; Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции, вып. 6. – СПб., 1903. – Р. 157.

ҳар қайсисининг ўз тамғаси бор эди. Улардан қайси бири айнан Чоч ҳукмдорлигининг рамзий белгиси эканлигини аниқлаш қийин. Афтидан ушбу тамғалар сулолага асос солган уругларга тегишли бўлган.

Шуни таъкидлаш жоизки, баъзан муайян бир ҳукмдорликда мавжуд сулола вакили ўзидан олдин ҳукмронлик қилган қариндоши (отаси, акаси ёки яқинларидан бири)дан ҳокимиятни мерос қилиб олар экан, анъанавий тамғага бирон бир қўшимча белги илова қилгани қўзга ташланади. Бу асосан Самарқанд ихшиidlари, Панч ҳукмдорлари тангларига хосдир⁶⁵. Бу даврда мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган воҳа ҳукмдорликларининг асосан танглар сиртида ва қисман эса бошқа буюмларда учрайдиган рамзий белгилари – тамғалар ва унвонлар қуидагича бўлган (қаранг. Илова I):

1. **Чоч:** Ҳ, Ҷ, Ҵ; *хуву, тегин.элтабар, тудун.*
2. **Фарғона:** Ҷ (вариантлари; Ҷ, Ҳ, Ҵ); *хоқон.тутуқ.*
3. **Уструшона:** Ҷ; *MR 'Y.*
4. **Суғд:**
 - а) **Самарқанд:** Ҳ; *хоқон, MLK'.*
 - б) **Панч:** Ҳ (вариантлари Ҳ, Ҳ); *MR 'Y, хотун.*
 - в) **Кеш:** Ҳ; *ахурпам.*
 - г) **Нахшаб:** Ҳ; *хуву.*
5. **Бухоро:** Ҳ; *пухар хув кава.*
6. **Тўхористон:**
 - а) **Тўхористон ябгулиги:** Ҳ, Ҳ(?); *ябгу.*
 - б) **Чағониён:** Ҳ(?); *хув.*
 - в) **Термиз:** Ҳ.
7. **Хоразм:** Ҳ, Ҳ; *MR 'Y MLK'.*

Асосан иқтисодий эҳтиёжлар воситаси сифатида зарб этилган мазкур танглардаги маълумотлар ўз даври сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритишида ўзига хос ўрин тутади. Жумладан, уларда акс этган ҳукмдорлар исми ва унвони, турли хил рамзий белгилар (тамға ва ҳк.) кўпроқ сиёсий ҳаётни ёритишига ёрдам берса, иконографик (тасвир ва сюжетлар) ва палеографик жиҳатлари, ясалиш техникаси, металл тури ва бошқалар ўша даврдаги маданий-иқтисодий ҳолатни тасаввур қилишга хизмат қилади.

⁶⁵Гойибов Б. К нумизматической истории Согда // Ilmiy axborotnomasi. Научный вестник. – Samarqand, 2016. – №4 (98). – Б. 6-11.

Бу давр тангалари асосан О.И. Смирнова, Э.В. Ртвеладзе, В.А. Лившиц, Е.В. Зеймаль, Б.И. Вайнберг каби тангашунос олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ҳозирги кунда бу соҳада тадқиқот олиб бораётган Э.В.Ртвеладзе, Л.С.Баратова, А.Мусакаева, А.В.Кузнецов, F.Бобоёров, А.Кубатин ўз ишларида асосий эътиборни Чоч воҳаси тангаларига қаратган. Фарғона, Уструшона, Суғд, Хоразм тангалари ҳозирча етарли ўрганилмасдан қолмоқда.

Нумизматик материалларнинг тарихий манба сифатида аҳамияти шундаки, уларда ёзма манбаларда учрайдиган айrim нуқсонлар (хусусан, маълумотнинг етқазилиш даражаси, тил ва ёзув хусусиятларининг фарқлилиги натижасида исм, унвон ва атамаларнинг аслиятдан узоклашиши ва ҳоказо) туфайли юзага келадиган англашмовчиликлар уларда кўп учрамайди. Шу жиҳатдан олганда, танга-пулларни ишончли ва событ тарихий манба сифатида баҳолаш мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудида давлатчилик тарихини акс эттирувчи тангаларни бир неча гуруҳга бўлиб ўрганиш муҳим. Шулардан бири Чоч воҳаси тангаларидир.

I. Чоч воҳаси тангалари

Илк ўрта асрлар Чоч тарихини ёритиш учун, асосан, хитой йилномаларида, қисман эса суғдий ва бошқа тиллардаги ёзма манбаларда акс этган маълумотларга мурожаат қилинади. Бугунги кунда қўлга киритилаётган нумизматик маълумотлар ушбу манбалар маълумотларини тўлдирибгина қолмай, воҳа тарихи билан боғлиқ бир қатор масалаларга аниқлик ҳам киритмоқда.

Хусусан, Чоч тарихини, асосан, ёзма манбалар асосида ўрганган тадқиқотчилар VII–VIII асрларда бу ерни маҳаллий сулола ва туркий *Тудунлар* сулоласи бошқарган, деган хulosага келишган эди. Бироқ, нумизматик материалларнинг қайта кўздан кечирилиши айни даврда воҳада 3 та сулола мавжуд бўлганидан дарак бермоқда. Айниқса, тангаларда акс этган унвонларнинг ёзма манбалардаги унвонлар билан ўзаро ҳамоҳанг келишининг аниқланиши катта ютуқ бўлди.

Тадқиқотлар давомида VI–VIII асрлар оралиғида, яъни қарийб 200 йил мобайнида зарб қилинган Чоч тангаларининг деярли 50 га яқин тип ва вариантлари мавжуд бўлганлиги аниқланди. Бу албатта ўша даврдаги тарихий воқеликлар билан боғлиқ бўлиши керак. Хўш, Чоч воҳасида шу қадар кўп турда танга бостирилишининг тагида қандай тарихий воқеликлар ётади?

Чоч тангаларининг палеографик ва иконографик жиҳатларидан, шунингдек, унвонлар тизими (титулатура) ва бошқаларидан келиб чиқиб, уларни воҳага “бевосита тааллуқли” ва “бильвосита тааллуқли” тангалар деб таснифлаш мумкин. Жумладан, VII–VIII асрларда ҳукм сурган Чоч хукмдорлари тангалари асосан 3 гурухга ажратиш мумкин. Хусусан, воҳанинг бош хукмдор сулоласи бўлмиш *Чоч тегинлари* тангалари, тамғаси - ⚭; иккинчи даражали сулола мавқеидаги *Чоч тудунлари* тангалари, тамғаси - ⚮; ва воҳада нисбий ҳокимиятга эга маҳаллий сулола тангалари, тамғаси - ⚯ (I.расм 4-6). Бундан ташқари, Тошкент воҳасидан топилаётган айнан шу асрларга тааллуқли тангалардаги тамғага қараб таснифлайдиган бўлсак, яна 4 та асосий ва уларнинг вариантлари моҳиятидаги тамғалар билан тангалар зарб қилингани маълум бўлади. Ўз вақтида Э.В. Ртвеладзе илк ўрта асрларга тааллуқли Чоч тангаларида 6 хил тамға учраши, бу эса воҳада шунча кичик ҳокимликлар - уделлар мавжуд бўлганидан дарак беришини ёзган эди⁶⁶. Шунингдек, тадқиқотчи Чоч тангаларида Кабарна, Банокат, Тунуканд (Тункат), Фарнкат ва ҳоказо каби жой номларини топишга ҳаракат қилган ва уларни воҳанинг муайян ҳокимликлари–уделларининг марказлари сифатида талқин қилган эди. Бироқ бугунги кунда Чоч нумизматикаси бўйича қўлга киритилган ютуқлар бу фикрнинг янглиш эканини кўрсатаётир⁶⁷. Ҳозирда Чоч воҳасида зарб қилдирилган тангалар 7 гурухдан иборат эканлиги аниқланган бўлиб, улардан 3 таси бевосита Чоч сулолаларига тегишли (ڇ, ⚮ , ⚯ шаклли тамға билан), қолган 3 таси эса Ғарбий Турк ҳоқонлигига оид бўлиб чиқди (ڇ шаклли тамға ва унинг вариантлари: ڇ, ⚯ (I.расм 1-3) ҳамда ⚮ , ⚯ шаклли тамғалар билан)⁶⁸. Фақат улардан бир гурухи (ڇ шаклли тамғали) ёзуви ҳалигача тўлиқ тикланмаганлиги сабабли айнан қайси сулолага тааллуқли экани номаълум бўлиб қолаётир.

Хуллас, Чоч воҳаси тангаларида қуйидагича туркий унвонлар учраб, улар ёзма манбалар асосида ўз тасдиғини топди:

1) *Тегин*. Бу унвон билан ҳам 3 типда тангалар босилган. Хитой ийлномаларида 605 йили Ғарбий турк ҳоқони Ши (Чоч)га Тегин Тянҷжи исмли вакил жўнатганлиги, 609 йилда у Чоч хукмдори сифатида Хитойга элчи жўнатгани қайд этилади⁶⁹. Шунингдек, уларда 740- йиллар мобайнида

⁶⁶ Ртвеладзе Э.В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // ОНУ, 8, 1982. –С. 31-38; Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Том 1. – Т., 2002. – С. 242-256.

⁶⁷Ртвеладзе Э.История и нумизматика Чача (вторая половина III - середина VIII в. н.э.). – Т., 2006; Шагалов В.Д., Кузнецов А.В. Каталог монет Чача VI–VIII вв. – Т., 2006; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI–VIII вв. – Т., 2007.

⁶⁸Бабаяров Г. Древнетюркские монеты ... С. 23-24, 45, 55, 80.

⁶⁹ Бичурин Н.Я.Собрание сведений ... II. С. 272-273, 282.

бир неча бор Хитойга ўз элчиларини юборган Чоч ҳукмдори *тегин* унвони билан зикр қилинади⁷⁰.

2) *Тудун*. Бу унвон билан 3 типа тангалар зарб қилинган. Хитой ийлномларида 640-750 йиллар орасида Ши (Чоч)ни бошқарган 4 нафар тудун ҳақида маълумот учраса⁷¹, сүғдий А-14 рақамли хужжатда *tðwn*⁷², Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулук» асарида «Шош малиги тудун» иборалари учрайди⁷³. Абу Райхон Беруний ҳам “қадим Шош ҳукмдорларининг унвони тудун” бўлганлиги ҳақида ёзади⁷⁴.

3) *Элтабар*. Бу унвон билан 2 тип танга зарб қилинган. Маълумки, Ғарбий турк ҳукмдори Тун ябғу-хоқон (618-630) ўз ҳукмдорлигининг дастлабки йилларида ёқ қароргоҳини Чочнинг шимолига кўчиргани ва Ғарбий ўлкалардаги маҳаллий ҳукмдорларга элтабар унвони бериб, улар устидан назорат қилиш учун биттадан *тудун* жўнатгани ҳақидаги маълумот хитой ийлномаларида қайд этилади⁷⁵. Демак, бу маълумот ушбу воҳага ҳам тааллуқли бўлиб, Чоч ҳукмдорлари маълум муддат ушбу унвонга эга бўлишган. Дарҳақиқат, баъзи тадқиқотчилар “Тан шу” йилномасида учрайдиган айрим маълумотлар асосида 714 йилда Хитойга қарашли *Бэй-тин* (Бешбалик) шаҳрини эгаллаш учун Қапаған Бек-чўр хоқон (691-716) томонидан юборилган ўғли шаҳзода Тўнга Тегин қумондонлигидаги Турк хоқонлиги қўшинлари бошида Чоч ҳукмдори *Қабар Элтабар ҳам бўлганини таъкидлайдилар⁷⁶. Хусусан, Чоч тегинлари тангасидаги тамфа билан элтабар унвонли тангалар тамғасининг деярли бир экани бу тип тангаларни *Тегинлар* сулоласи зарб қилган, деб тахмин қилишга имкон беради.

Демак, Чоч воҳаси тангалари ўша давр тарихий воқеликларини ўзида тўлақонли акс эттирган бўлиб, улар ёзма манба маълумотларига мос келади. Улар асосида бу даврда воҳани *чачинак хуву* («Чоч ҳукмдори») унвони билан асосан қуидагича 3 та сулола бошқарганлиги аён бўлади:

1. Бош сулола - *Чоч тегинлари* (605-750 йй.). *Тегин* унвонининг Турк хоқонлигига шаҳзодаларга нисбатан қўлланилгани ҳисобга олинса, шунингдек, воҳанинг ушбу сулоласига хоқонлик томонидан асос солингани

⁷⁰Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux ... P. 142

⁷¹Бичурин Н.Я.Собрание сведений ... II. С. 313-314.

⁷²Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и comment. В.А. Лившица. – М., 1962. – С. 82-83.

⁷³«История» ат-Табари». Избранные отрывки (Перевод с арабского В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова). – Т., 1987. – С. 268.

⁷⁴ Беруни, Абу Рейхан. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М.А.Салье // Бируни. Избранные произведения. Т. 1. – Т., 1957. – С. 111.

⁷⁵ Бичурин Н.Я.Собрание сведений ... I. С. 283.

⁷⁶Beckwith I.C. The Tibetan Empire in Central Asia: A History of the Struggle for Great Power among Tibetans, Turks, Arabs, and Chinese during the Early Middle Ages. Princeton: Princeton University Press. Revisedpaperbackedition 1993. – P. 79.

ва хитой йилномаларида улар Чочда бош сулола эканлигига доир ишоралар учрашидан келиб чиқилса бу фикр ўз тасдигини топади.

2. Иккинчи даражали сулола – *Чоч тудунлари* (640-750 йй.). Тудун унвони Турк хоқонлигига тегиндан бирмунча қуйида турувчи ва хоқонлик хонадонига мансуб бўлмай, хоқонлар томонидан вассал ўлкалар назорати учун юборилган амалдорларга нисбатан қўлланилган. Хитой йилномаларидаги маълумотлар мазмунидан, гарчи тудунлар воҳа бошқарувида етакчи бўлсалар-да, бироқ ҳуқуқий жиҳатдан иккинчи даражали сулола бўлганлиги маълум бўлади. Тудунларнинг бевосита хоқон вакиллари бўлиши улар ваколатининг ошишига сабаб бўлгандир, эҳтимол.

3. “Чоч ҳукмдори” унвони билан ўз тангаларини зарб қилдирган ва юқорида келтирилган сулолаларга тобе маҳаллий сулола. Ушбу сулола вакиллари узоқ вақт мобайнида 10 га яқин тип ва вариантларда танга бостирган бўлиб, бу эса уларнинг номинал бўлса-да, ўз ҳокимиятини сақлаганидан дарак беради.

II. Фарғона водийси тангалари

Мавжуд нумизматик материаллар асосида, ҳозирчалик Фарғона водийсида танга зарб қилиш анъанаси милодий VII асрда йўлга қўйилган деб тахмин қилинади. Аввало шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан Фарғона водийсининг исломдан аввалги тангалари ўз тури ва миқдорига кўра нисбатан камчиликни ташкил этади. Ҳозирча асосан водийнинг бу даврга тааллуқли Ахсикент, Қува, Мунҷоқтепа ва шунга ўхшашибир неча шаҳар харобларидан топилган тангаларни қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

I. Туркий қиёфали ҳукмдор тасвири ўнг томонида туркий-руник ёзув, орқа томонида эса  шаклли тамға ва унинг атрофида суғдий жумла ўрин олган тангалар. Ҳар иккала томондаги ёзувлар ҳалигача тўлақонли ўқилмаган (*I.pasm 7*);

II. Юқоридагига ўхшашибир тасвири танга. Танганинг орқа юзасида  шаклли тамға ва унинг атрофида суғдий ёзувли *prn βyy x'[γ'n]* – «Илохий кут (соҳиби) хоқон» жумлалари жой олган (*I.pasm 8*);

III. Ўртаси квадрат тешикли, суғдий ёзувда *x'γ'n* – «хоқон» унвони ва  ёки  шаклли тамға ўрин олган тангалар⁷⁷ (*I.pasm 9*);

IV. Ўртаси тешик бўлиб, бир чеккасида суғдийча *rny* – «танга/пул» ёки *prn* – «қут» жумлалари ўрин олган, нисбатан сифатсиз тангалар⁷⁸.

⁷⁷Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981. – С. 338-341.

Энди ушбу тангаларнинг зарб этилиши билан боғлиқ тарихий воқеликларга тўхталсак. Маълумки, Турк хоқонлиги қўшинлари 560-йилларда Эфталитларга қарши юриши мобайнида биринчилардан бўлиб, Фарғонани эгаллайди. Кўринишидан, дастлабки пайтларда водийнинг маҳаллий сулоласи хоқонликка тобе ўлароқ ўз ҳокимиятини сақлаб қолади. Кейинчалик эса, Ғарбий турк хоқонлари Чочда бўлганидек, ўзларининг марказий худуди – Еттисувга жануби-ғарбдан қўшни ва вассали бўлмиш Фарғона бошқарувига ҳам яқиндан аралаша бошлайдилар. Жумладан, “Таншу” йилномасида Чжен-гуань даврида (627-649) Ғарбий турклардан Ган Моҳэду (*Тўн Баҳодур) Боҳанна (Фарғона)нинг Киби исмли ҳукмдорини ўлдиргани ва ҳокимият Ашена (Ашина) Шуни исмли шахс қўлига ўтгани таъкидланади⁷⁹. Бир қатор тадқиқотчилар уни Ғарбий Турк хоқонлигининг Ашина хонадонига мансуб шаҳзода, деб ҳисоблашади⁸⁰. Йилномада келтирилишича, Ашена Шунининг ўлимидан кейин унинг ўғли Йебочжи ҳокимиятни қўлга олади ва марҳум Кибининг қариндоши (биродари?) Аляоцанни вассал ҳукмдор қилиб тайинлайди. Йебочжи Гйесай (Косон) шахрида, Аляоцан эса Ху-мин (Куба?) шахрида туриб фаолият юрита бошлашади. Шундан кейин 656 йили Йебочжи Хитойга совға-саломлар билан элчи юборганлиги қайд этилади⁸¹. Демак, бу пайтда Фарғонада келиб чиқиши хоқонларга тақалувчи сулола ташкил топган бўлиб, хоқонлик водийни бевосита ўз вакиллари орқали бошқара бошлаган, шу билан бирга, маҳаллий сулола фаолиятига ҳам барҳам берилмаган.

Водийдаги Ашина сулоласи вакиллари ўз мавқенини анчагача сақлаб қоладилар. Хусусан, хитой сайёҳи Хой Чао (726 й.) Фарғонада иккита ҳокимият мавжудлиги, бири Сирдарё шимолида (маркази Косон?) *Тукюе* (турк)лар ҳокимияти, жанубида эса *Даши* (араб)лар бошқаруви борлиги ҳақида маълумот беради⁸². “Тан шу” йилномасидан маълум бўлишича, Фарғонани 738-751 йиллар давомида *Асилань дагань-чжсу* (Арслон тархончўр) исмли туркий ҳукмдор бошқаради⁸³. Ушбу ҳукмдордан олдинги ва кейинги бир неча Фарғона ҳукмдорлари исмининг таркибий қисми сифатида хоқонликка хос чўр унвони учраши ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, Табарий ўз асарида қароргоҳи Исфарада жойлашган таҳт вориси Балаза ҳақида ёзиб, у кейинчалик Фарғона ҳукмдори бўлган Журнинг отаси эканини

⁷⁸Баратова Л.С. Некоторые аспекты товаро-денежных отношений Ферганы в древности и раннем средневековье // Марғилон шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги тутган ўрни. Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишлиланган ҳалқаро илмий конф. материаллари. Тошкент-Марғилон, 2007. – С. 46.

⁷⁹ Бичурин Н.Я.Собрание сведений ... II. С. 319

⁸⁰Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux ... Р. 148.

⁸¹ Бичурин Н.Я.Собрание сведений ... II. С. 319.

⁸² Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао ... С.193.

⁸³ Бичурин Н.Я.Собрание сведений ... II. С. 319.

қайд этади⁸⁴. Мазкур исм аслида туркий чўр унвони билан алоқадор бўлиши мумкин.

Айни пайтда, VII–VIII асрларга тааллуқли Фарғона тангаларида “хоқон” унвони билан бирга, Турк хоқонлиги тамғасига (Ҳ) ўхшаш арҳар шакли тамға жой олган (Ҳ). Бу ҳар ҳолда водийда Ашина хонадонининг бир тармоғи ҳукм сургани билан алоқалидир. Мазкур тангаларнинг ўртаси квадратсимон тешик бўлиб, Ўрта Осиёда бу типдаги тангаларни зарб қилиш анъанаси асосан Фарбий Турк хоқонлиги Хитойга бир муддат қарам бўлиб қолган пайтдан, аниқроғи, 650- йиллардан бошлаб кенг ёйилган эди. Демак, Фарғонадаги хоқонликка алоқадор сулола вакиллари шу пайтдан эътиборан, хитой тангаларига тақлидан тангалар зарб қилдира бошлишади. Бунгача Фарғонада ҳам Чочда босилган Фарбий Турк хоқонлиги тангаларига иконографик жиҳатдан яқин ўхшашликка эга тангалар зарб қилинган бўлиб, тамға шакллари тангаларнинг водийни бошқарган Ашина сулоласига оидлигини тасдиқлади. Шунингдек, асли фарғоналиқ бўлган Миср Ихшидийлари сулоласи (935-969) ҳукмдори Туғуч ибн Чуқ ибн Йелтегин Ахшид ибн Фурон ибн Фури ибн Хоғон шажарасида Бурон, Бўри каби туркий исмлар билан бирга, хоқонликка хос олий унвонларни эслатадиган Йелтегин, Хоқон сингари исмлар учрайдики⁸⁵, бу эса Фарғона ҳукмдорларининг келиб чиқиши Фарбий турк хоқонларига тақалади деган тахминни янада кучайтиради.

Шунингдек, А-14 рақамли суғдий хужжатда *þry'n'k twttk* (“Фарғона тутуғи”) иборасининг учраши⁸⁶ бу ерда яна бир туркий сулола *Тутуқлар* бошқаруви бўлганидан дарак беради. *Тутуқ* унвони хоқонлик бошқарув тизимида, асосан, ҳарбий маъмурият бошлиғига нисбатан қўлланилганини назарда тутилса, Фарғонадаги сулолаларни ва маҳаллий сулолани назоратда тутиш ушлаш хоқонлик бу ерда *тутуқлик* ҳокимияти жорий қилган бўлиб чиқади. Тутуқларнинг хоқонларга бевосита боғлиқ амалдор бўлганини кўрсатадиган далил мазкур суғдий хужжатдаги «Хоқонга ва Фарғона ҳукмдорига ёзилган номани Фарғона тутуғига топширдим» шаклидаги маълумотлар⁸⁷ асосида ўз тасдифини топади.

Шунга урғу бериш керакки, фақатгина Фарғона водийси тангаларида суғдий ёзув билан биргаликда турк-рун ёзуви учраб, бу ўз тарихий асосига эга. Маълумки, мамлакатимиз худудидан топилаётган қадимги туркий битиклар акс этган топилмаларнинг асосий қисми Фарғона водийсига тўғри

⁸⁴«История» ат-Табари». Избранные отрывки ... С. 185.

⁸⁵Togan A.Z. Umumi Türk tarihine giriş. 1. cilt. En eski devirlerden 16. asra kadar, 3. Baski. – Istanbul, 1981. – S. 178-179, 481.

⁸⁶ Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II... С. 80-85.

⁸⁷ Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II... С. 80-85.

келади. Тангаларда ушбу ёзувнинг ўрин олиши эса водийда туркий тилнинг маъмурӣ бошқарувда қўлланилганидан дарак беради. Хуллас, бу даврда Фарғона водийси тангаларининг катта бир қисмини водийда ўз сулоласига асос солган Ашина хонадони вакиллари бостирган бўлсалар, бир қисмини хоқонлик назоратчилар сифатида водийда турган ноиб – тутуқлар хоқонлар номига бостиришган, деган тахминга келиш мумкин.

III. Уструшона тангалари

Илк ўрта асрларда Уструшона Чочнинг жануби-ғарби ва Суғднинг шимоли-шарқида жойлашган алоҳида бир ҳукмдорлик бўлиб, ўз жойлашувига кўра воҳа (ҳозирги Жиззах ва Сирдарё вилоятлари) ҳамда тоғли (Туркистон тизмалари) қисмлардан иборат эди. Уструшонада танга зарб қилдириш ҳам Суғд ва Чоддан анча кеч бошланган бўлиб, милодий VI-VII асрларга тўғри келади. Уструшона тангаларининг бошқа воҳа ҳукмдорликларнидан тафовут қиласидан жиҳати, уларда ўрин олган ҳукмдор тасвири ўзига хос қиёфада, фарқли бош кийимида (тож?) тасвирланишидир. Шунингдек, минтақанинг бу давр тангаларидан фақатгина Уструшона тангаларида фил тасвири учрайди. Гарчи, бу даврда зарб қилинган γ шаклдаги тамғали тангаларда суғдий ёзувда Раханч, Чирдмиш, Сатачари каби ҳукмдор номлари (*I.расм 10-12*) учраса ҳам⁸⁸, улардан биронтаси ёзма манбаларда акс этган Уструшона ҳукмдорлари исмларига тўғри келмайди. Яъни тангаларда жой олган мазкур исмлардан ҳеч қайсиси шу пайтгacha ёзма манбаларда учратилмади.

Уструшона тангаларида ҳукмдор номи билан бирга оромийча гетерограммада *MR'Y* унвонининг учраши дикқатга сазовордир. Чунончи, бу даврда ушбу унвон фақат Панч ва Хоразм тангаларида кўринади. Кези келганда айтиб ўтиш зарур, бу тип тангаларда уларнинг зарб қилинган жойи ёки қайси ҳукмдорликка оид эканига доир бирор ишора учрамаса ҳам, тадқиқотчилар, асосан, тангаларнинг мазкур тарихий вилоят худудида жойлашган қадимий шаҳар ҳаробаларидан топилишидан келиб чиқиб уларни “Уструшона тангалари” деб атаб келардилар. Кейинги йилларда олиб борилган изланишлар натижасида бу тангаларнинг янги бир типи аниқланиб (*I.расм 12*), ундаги жумлалар томонимиздан *sttcry 'wstwršnc MR'Y...* – “Уструшона ҳукмдори... Сатачари” шаклида ўқилди. Бу эса ушбу тангалар гурухининг айнан Уструшона ҳукмдорлигига тегишли эканини кўрсатади.

Уструшона сиёсий тарихига оид араб манбаларида 738 йилда бу ерни Ҳарабуғра исмли ҳукмдор бошқарганлиги қайд этилади⁸⁹. Устига устак,

⁸⁸ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза ... С. 324-335.

⁸⁹ «История» ат-Табари». Избранные отрывки ... С. 251.

хитой йилномаларида 742 йилги воқеалари муносабати билан Кабудон ҳукмдори *Гэло-пуло* тилга олинади. Маълумки, ҳар иккала ҳукмдорлик яқин қўшни бўлиб, тадқиқотчилар мазкур Харабуғра ва *Гэло-пуло* исмларни асли туркий Қора Буғра эканини таъкидлашади ва уларнинг битта шахс бўлган, деб ҳисоблашади⁹⁰. Бир қатор тадқиқотчилар тангалар ва ёзма манбалардаги ҳукмдор исмларининг фарқлилигидан келиб чиқиб, илк ўрта асрларда Уструшонани иккита сулола бошқарган, деб ҳисоблашади. Яъни VI–VIII асрларда Уструшонани Турк хоқонлигига тобе маҳаллий сулола вакиллари бошқарган бўлса, VIII аср бошларидан эса бу ерни туркий сулола бошқара бошлаган⁹¹.

IV. Суғд воҳаси тангалари

а) Самарқанд. Илк ўрта асрларда Суғд Самарқанд (марказ), Панч (Панжикент), Кеш (Шахрисабз), Нахшаб (Қарши) каби нисбатан йирик ва Кушония (Каттақурғон), Маймурғ, Кабудон, Фай сингари кичик мулклардан ташкил топиб, улар орасида фақат йириклари ўз тангаларини зарб қилдирган⁹².

Самарқанд ихшиidlари томонидан VII аср иккинчи ярмидан то VIII аср ўрталаригача зарб қилдирилган хитой тақлиди тангаларда суғдий ёзувда Шишпир (640-ий.), Авархуман (650-ий.), Тукаспадак (690-ий.), Тархун (700-710), Ғурак (710-738), Турғар (738-750) каби ҳукмдорлар исми ўрин олган бўлиб⁹³, улар ҳақидаги маълумотлар, асосан, хитой ва араб манбаларида, қисман эса суғдий хужжатларда учрайди. Бироқ ушбу ҳукмдорлардан аввал VI асрлар ўрталаридан то VII аср 40- йилларигача ҳукм сурган Самарқанд ҳукмдорларининг исми тангаларда жой олган ёки аксинчалиги номаълум. Гарчи хитой йилномаларида *Шифуби* (590-ий.) ва *Кюймучжи* (610-ий.) номлари учраса ҳам, қайси тангалар айнан уларга тегишлилиги аниқ эмас. Фақат ҳалигача “Эгаси” аниқланмаган З тип  шаклдаги тамғали Самарқанд тангаси учраб, баъзи жиҳатлари уларнинг мазкур ҳукмдорларга, ё бўлмаса, 640- йилларгача, яъни Шишпирдан олдин Самарқандни бошқарган ҳукмдорлардан бирига тааллуқли эканидан дарак берәётир. Ўз вақтида О.И. Смирнова томонидан бир гурухи *twr'k γwβ* «қудратли ҳукмдор» ёки “Турлар ҳукмдори” деб ўқилган⁹⁴ мазкур тангаларнинг *twrnyn γwβ* – “Туронҳукмдори” шаклида тузатиб ўқишимиз бу масалани қайтадан қараб чиқишини талаб

⁹⁰ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза ... С. 425, 428.

⁹¹ Грицина А.А. Усрушанскиебыли. – Т., 2000. – С. 43.

⁹² Gayibov B. About Confederative Administration Ruling of Sogd // International Journal of Central Asian Studies. SouthKorea. Volume 20. 2016. – Р. 167-179.

⁹³ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза ... С. 35-43.

⁹⁴ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза ... С. 21.

қилди. Айниқса, мазкур тангаларни битта типида *x'γ'n γwβ twrnyn* – “Турон ҳукмдори хоқон” жумласининг аниқланиши (*I.расм 13*) бу масалага ойдинлик киритувчи маълумотларга эгалиги билан диққатни тортади. Тангалар О. И. Смирнова томонидан *γwβ mwrnyn γnš'n* – “Эзгу нишон (соҳиби) ҳукмдор Мук/рнин” шаклида ўқилган⁹⁵, бироқ аксарият тадқиқотчилар бу талқинга қўшилмаган эдилар.

Муҳими шундаки, бу тип тангалардаги ҳукмдор тасвиirlари туркий қиёфада бўлиб, улар орасида умумий ўхшашлик мавжуд. Бундан ташқари, уларнинг барчасида *twrnyn* сўзининг учраши диққатни тортади. Агар бу сўз ўша пайтда туркийлар ҳукм сурадиган ўлка сифатидаги “Турон” номи бўлиб чиқса, мамлакатимиз тарихи билан боғлиқ бир қатор масалаларнинг ечилишига олиб келади. Бошқа томондан эса, Самарқанд тамғаси билан зарб қилинган тангада *хоқон* унвонининг учраши ўз изоҳини талаб қиласди. Эҳтимол, Самарқанд ҳукмдорлари турк хоқонлари номидан танга чиқаргандир. Хитой йилномаларидан маълум бўлишича, VI аср охирлари – VII аср бошларида Кан (Самарқанд) ҳукмдорлари турк хоқонлари билан яхши алоқа ўрнатган бўлиб, шу боис ўз атрофидаги ҳукмдорликлар орасида устун мавқе қозонган эдилар. Жумладан, Тарду хоқон (576-603) ўз қизини *Шифуби исмли*, Тун ябгу-хоқон (618-630) эса *Кюймучжи* исмли Самарқанд ҳукмдорига қизини узатган эди⁹⁶. Балки, ушбу ҳукмдорлар никоҳ муносабатлари эътирофи сифатида хоқонлар номидан мазкур тангаларни чиқаргандир. Дарвоқе, айнан шу даврларга тааллуқли деб тахмин қилинувчи ♀ шаклдаги тамғали, туркий қиёфали ҳукмдор ва малика тасвири тангаларда (*I.расм 14*) *x'ttwn* – «хотун» унвони учрайдики⁹⁷, улар айнан шу никоҳ ришталари туфайли Самарқанд ҳукмдорлари томонидан зарб қилинган бўлиши мумкин. Бу тангаларнинг *жабгу*, *жабгу-хоқон* ва *хоқон* унвонли қўшалоқ портретли (ҳукмдор ва малика тасвири) Ғарбий Турк хоқонлиги тангалари билан иконографик жиҳатдан яқин ўхшашликка эгалигини ҳам назардан қочирмаслик керак.

Ушбу тангалардан кейин Самарқандда зарб қилинган ҳукмдор тасвири тангалар ўрнини хитой тақлиди, ўртаси тўртбурчак тешикли тангалар эгаллайди (*I.расм 15*). Бу, ўша даврдаги тарихий воқеликлар билан алоқали бўлиб, 630 йилда маркази Ўрхун/Ўтукан (Мўғулистан) бўлган Турк хоқонлигининг шарқий (марказий) қисмига Хитойнинг Тан империяси томонидан зарба берилган, айни йилларда маркази Еттисув бўлган Ғарбий Турк хоқонлиги (бу пайтда Ғарбий қанот - *Ябгу-хоқонлик*) устида эса Хитой

⁹⁵ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза ... С. 21-22.

⁹⁶ Бичурин Н.Я.Собрание сведений ... II. С. 271, 311.

⁹⁷ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза ... С. 359.

нуфузи кучаяётган бир палла эди. Хуллас, хоқонликнинг ўз вассаллари устидан бўлган назорати бирмунча заифлашган пайтда Самарқанд хукмдорлари ўз тангаларини Хитой таъсирида зарб қила бошлидилар. Шунга қарамай, хоқонликнинг Самарқанддаги таъсири VIII аср биринчи ярмигача сақланиб қолгани маълум⁹⁸.

Хитой йилномаларидан маълум бўлишича, VII аср иккинчи ярмидан то шу асрнинг охиригача бўлган вақт мобайнида Самарқанд ҳокимиятида бир неча бор сулола алмашинувлари юз беради. Ушбу воқеликлар нумизматик материалларда ҳам акс этган бўлиб, бу анъанавий Самарқанд тамғаси (想了想) билан биргаликда фарқли тамға (想了想) ўрин олганида ўз тасдигини топади.

б) Панч. Суғднинг ўз даврида мавқеи юқори хукмдорликларидан бири бўлган Панч (Панжикент)да VII аср ўрталаридан бошлаб танга зарб қилингани маълум. Панчнинг илк тангаси деб ҳисобланувчи ўртаси тўртбурчак тешикли хитой тақлиди тангада *rpsu MR'Y cm'wky' n-* “Панч ҳукмдори Чамуқйан” жумлалари ўрин олган бўлиб, танганинг орқа томонида эса **↑**, **❖** шаклли тамғалар мавжуд (*I. расм 16*). Қизиғи шундаки, улар Чочда зарб қилинган Ғарбий Турк хоқонлиги тангаларига хос тамғалар билан яқин ўхшашликка эга. Жумладан, ўқ шаклли биринчи тамға Тарду хоқон (576-603) тангасидаги (想了想) тамғага яқин келса, иккинчи тамға *βyy twvn x'y'n* - “Илоҳий Туун хоқон” жумлали Чоч тангасидаги **☒** шаклли тамғага анчагина мос тушади (*таққосланг.* **↑-想了想 / Т:❖/❖ – ☒**). Бу эса мазкур сулолалар орасида қандайдир боғлиқлик бор эмасмикин деган савонни кўндаланг кўяди. Панчнинг бундан кейинги тангаларида эса юқоридаги (想了想) тамғага ўхшаш тамғалар (❖, ❖) учраб, уларда *rpsu MR'Y βylk'* *ywβ* – «Панч ҳукмдори подшо Билга» жумлалари акс этган⁹⁹. Тадқиқотчилар тангадаги Билга исми билан Муғ тоғи суғдий хужжатларида 693-708 йилларда Панчни бошқарган хукмдор сифатида қайд этилган *ck'up cwr βylk'* (Чакин Чур Билга)ни тенглаштирадилар. Кўпчилик тадқиқотчиларга кўра, ушбу ҳукмдорнинг келиб чиқиши туркий бўлиб, Деваштичдан олдин Панчни бошқарган¹⁰⁰. Шунингдек, унинг ўрнига ўтирган суғдий ҳукмдор Деваштич (709-722) номидан танга бостирилгани шу пайтгача маълум эмас¹⁰¹. Аксинча, Билгадан кейин зарб қилинган Панч тангаларида *rpsu ppδβprnwh* - “Панч

⁹⁸G‘oyibov B. Samarcand – Sug‘d konfederatsiyasining boshqaruv markazi sifatida // Ilmiy axborotnomasi. Научный вестник.– Samarcand, 2014. – № 4 (86). – Б. 11-17.

⁹⁹Лившиц В.А. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // НАА, №4, 1979. – С. 57-58.

¹⁰⁰Отахўжаев А. Суғд шаҳрининг турк ҳокими//Шарқшунослик, ТДШИ, №2, 2001. – Б. 40-42.

¹⁰¹G‘oyibov B. Sug‘diy hukmdorlar shajarasи xususida (Panch misolida) // Ilmiy axborotnomasi. Научный вестник.– Samarcand, 2014. – №2 (84). – Б. 11-15.

қироличаси Нана” жумлалари учраб, суғдшунослар бу ҳолатни “танга Билганинг қизи номидан зарб қилинган, Деваштич ҳукмдорлар хонадонидан бўлмагани учун ўз аёли номини акс эттирган”, деб изоҳлайдилар. Деваштичнинг шажараси келтирилган манбада унинг аждодларидан бир нечасининг исми Шур шаклида қайд этилади. В.А.Лившицнинг фикрича, ушбу исм аслида туркий чур унвонига алоқадор бўлиб, Деваштичнинг Чакин Чур Билгага куёв бўлиши билан боғлиқ¹⁰².

Хуллас, ҳам нумизматик материаллар, ҳам ёзма манбалар VII аср иккинчи ярми – VIII аср биринчи чорагида Панч ҳукмдорлигини туркий-суғдий қоришиқ сулола бошқарганини тасдиқлайди.

в) Кеш. Суғд конфедерациясининг йирик қисмларидан бири Кеш ҳукмдорлиги бўлиб, бу ер ўзининг анчагина қадимий танга зарбига эга эди. Маълум муддат Кеш ҳукмдорлари Суғдда етакчилик қилганлиги ҳақидаги ёзма маълумотларни нумизматик материаллар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, VII аср ўрталарига оид баъзи Самарқанд тангаларида Кеш ҳукмдорлигига хос трискелес шакли () тамға учрайди¹⁰³. Дарвоҷе, 640- йилларда Самарқандни бошқарган Шишпир асли кешлик ҳукмдор бўлган, деб талқин қилинади.

Кешда зарб қилинган тангаларнинг бир қанча типида *kšy'�'k γwβ 'xwrt'* - “Кеш ҳукмдори Ахурпат” жумлени учрайди (*I.расм 17*). Таъкидлаш жоизки, бу тип тангаларни биринчилардан бўлиб ўқиган О.И. Смирнова суғдий жумлани *rγβ'�'k γwβ 'xwrt* - “Рағған ҳукмдори Ахурпат?” тарзида талқин қилганлиги боис бир қатор англашмовчиликлар юзага келган¹⁰⁴.

Мазкур исм хитой йилномаларида 720- йилларда Хитойга элчи юборган Ши (Кеш) ҳукмдори Ахубидо шаклида қайд этиладиган исм¹⁰⁵ билан тенглаштирилади. Ахурпат исми эса аслида суғдийча унвон бўлиб, “охур (сайис)хона бошлиғи” деган маънони билдиради.

г) Нахшаб. Суғд конфедерациясининг яна бир йирик аъзоси Нахшаб ҳам ўзининг танга-пул тизимиға эга эди. Бу давр Нахшаб тангаларининг маълум қисмини бир томонида туркий қиёфали ҳукмдор тасвири, бир томонида эса от тасвири ва унинг атрофида суғдий жумлалар (“қут (сохиби) ҳукмдор”) акс этган тангалар ташкил этади. Нахшаб тангаларининг бошқа гуруҳида бир томонида от тасвири ва ёзув (*βγγ γwβ* - “илоҳий ҳукмдор”), иккинчи томонида эса шаклли тамға ва унинг устида ёзув ўрин олган (*I.расм 18*).

¹⁰² Лившиц В.А. Правители Панча ... С. 66-67.

¹⁰³ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза ... С. 37-38.

¹⁰⁴ Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза ... С. 306.

¹⁰⁵ Бичурин Н.Я.Собрание сведений ... II. С. 316.

Мазкур ёзувни тадқиқотчилар ’*şknδk* - “Aşkandak” шаклида ўқишган¹⁰⁶. Уларнинг фикрича, араб манбаларида 730- йилларда Насаф испаҳбоди сифатида тилга олинган ал-Ашканд исми мазкур тангада акс этган¹⁰⁷. Хитой йилномаларида 738 йилда Тургаш ҳукмдори Тухосян Қут-чурга қарши лашкарбоши Баға Тархоннинг ёнида жой олган *Ши* (Кеш) ҳукмдорининг номи *Сигинти* шаклида учрайди¹⁰⁸. Мазкур ҳукмдор исмининг асли Ашканд бўлиб, у айни вақтда Нахшаб ҳукмдори бўлган. Хитой йилномаларида унинг Кеш ҳукмдори сифатида тилга олиниши ўша пайтда Нахшабнинг яқин кўшнилари устидан мавқеи ошгани билан боғлиқ бўлиши мумкин¹⁰⁹.

Нахшаб тангаларида туркий қиёфали ҳукмдор тасвирининг учраши ўша давр тарихий воқеликлари билан боғлиқ. Хусусан, 560- йилларда Нахшаб атрофида Эфтальитларга қарши асосий зарбани берган Турк хоқонлиги бу худудда ўз қўшинларини жойлаштиради¹¹⁰. Натижада Нахшабнинг бошқарув маркази бўлмиш жой (Ерқурғон)дан жануб (Шулуктепа)га кўчади ва янги сулола вакиллари бу ердан туриб воҳани бошқара бошлайдилар. Археолог Р. Сулаймонов фикрича, мазкур сулола вакилларининг келиб чиқиши туркий бўлган¹¹¹. Ушбу сулола олдинги маҳаллий сулоладан фарқли тангалар зарб қила бошлаган ва уларда ўзига хос анъаналарни акс эттирган.

V. Бухоро тангалари

Илк ўрта асрларда Суғдан алоҳида ҳукмдорлик бўлган Бухоро бошқа бир қатор воҳа ҳукмдорликлари сингари бир неча кичик ҳокимликлардан ташкил топган эди. Марказий ҳокимият Бухородан ташқари, яна Пойкент, Вардона ва бошқа бир қанча майда ҳукмдорликлар ўз ички ишларида анчагина мустақил сиёsat олиб боришган. Бу ҳолат нафақат ўша давр ёзма манбаларида, балки нумизматик материалларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, *rwγ'r γwβ k'v'* - “Бухоро ҳукмдори подшо” [У.Б.Хенинг ўқиши]¹¹² жумлалари акс этган Бухорхудотлар сулоласига тегишли кумуш тангалардан (*I.расм 19*) ташқари воҳада яна бир неча турдаги мис тангалар зарб этилгани бундан дарак беради. Улар орасида **Ҳ**(вариант. **Ҳ**, **Ӯ**) шакли тамғали тангада, қисиқ кўзли, кенг юмалоқ юзли туркий қиёфадаги ҳукмдор тасвир

¹⁰⁶ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970. – С. 180; Кочнев Б.Д. Среднеазиатские куфические фельсы с изображением коня // Нумизматика Центральной Азии, IV. – Т., 1999. – С. 46.

¹⁰⁷ Кочнев Б.Д. Среднеазиатские куфические ... С. 46.

¹⁰⁸ Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux ... Р. 46; Смирнова О.И. Очерки из истории Согда ... С. 281.

¹⁰⁹ Фойибов Б. Нахшаб нумизматикаси // Moziydan sado. Echo of history. Эхо истории. – Т., 2016. – № 4 (72). – Б. 39-41.

¹¹⁰ Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux ... Р. 228-229.

¹¹¹ Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. – Т., 2000. – С. 69.

¹¹² Смирнова О.И. Очерки из истории Согда ... С. 159.

учрайди (*I.расм 20*). Бу эса ўша даврда воҳа бошқарувида хоқонлик билан алоқали вакиллар турганлиги билан боғлиқ бўлса керак деган тахминга имкон яратади.

Тадқиқотчилар орасида Бухоро ҳукмдорлари (тамғаси **Ҳ**) билан Чочнинг маҳаллий сулоласи (тамғаси **Ҳ**) қай дараҷададир қариндошликка эга деган фикрлар мавжуд. Агар хитой йилномаларида *Ши* (Чоч), *Ан* (Бухоро) ва бошқа 9 га яқин ҳукмдорликнинг ўзаро қариндошлиги ва улар маркази *Кан* (Самарқанд) бўлган Чжаову хонадонига бориб тақалиши ҳақидаги маълумотдан келиб чиқилса, бу ўхшашликлар бежиз бўлмайди. Таъкидлаб ўтиш керакки, мазкур хонадоннинг келиб чиқиши масаласи ҳалигача очик қолмоқда.

Бу даврда воҳадаги бошқарувда суғдий-туркий анъаналарнинг омухталашганини кўриш мумкин. Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асаридан маълум бўлишича, бухоролик зодагонлар маҳаллий ҳукмдор Абройнинг зулмига қарши турк хоқони Биёғу (Ябғу)дан ёрдам сўрагач, хоқон ўз ўғли Шери Кишварни бу масалани ҳал қилиш учун юборади¹¹³. Тадқиқотчилар фикрича, асл исми Эл-Арслон бўлган мазкур шаҳзода келган VI аср охирги чорагидан бошлаб то VIII аср биринчи ярмигача воҳа Турк хоқонлиги таркибида бўлади¹¹⁴. Агар бу давр мобайнида воҳани бошқарган Бухорхудотлар сулоласи вакиллари исмига назар ташланса, Хотун, Туғшода, Арслон каби туркий исм ва унвонларга дуч келиш мумкинки, бу эса юқорида айтиб ўтилганидек, Бухородаги туркий-суғдий бошқарув анъаналари синтезидан дарак беради.

Бошқа воҳа ҳукмдорликларига нисбатан бу давр Бухоро тангларида унвонлар кўп дуч учрамайди. Шунингдек, Бухоронинг баъзи тангларида қисқа жумла (*rny* – “танга”) ва анъанавий тамға (**Ҳ**) ўрин олган хитой тақлиди ўртаси тешик танглар ҳам зарб қилина бошлайди (*I.расм 21*). Айтиб ўтиш лозимки, воҳа тарихига доир нумизматик материаллар ва ёзма манбаларни ўзаро таққослаб амалга оширилган тадқиқотлар кам. Бироқ, кейинги йилларда Бухоро воҳасига алоқадор қўплаб мис танглар топилаётганлиги бу масалани янада изчилроқ тадқиқ этишни талаб қилиб қўймоқда.

¹¹³Наршахий, Абу Бақр Мұхаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи. (Форс тилидан А. Расулов таржимаси) / Мерос. – Т., 1991. – Б.91.

¹¹⁴Frye R.N. The History of Bukhara. Translated from a Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi. – Cambridge, 1954. –P. 108, n. 28.

VI. Тўхористон тангалари

Амударёнинг юқори ҳавзасида жойлашган, шимолда Ҳисор, шарқда Бадаҳшон, жанубда Ҳиндикуш ва Куҳи Бобо (Банди Туркистон) тоғ тизмалари, ғарбда эса Күхитанг тоғлари орасидаги худуд илк ўрта асрларда Тўхористон деб аталиб, у Термиз, Ҷағониён, Куфтан, Шуман, Ахарун, Ваширд, Рашт, Хуттал, Вахш, Қубодиён, Каррон, Шуғонон, Воҳон, Бадаҳшон, Кумед, Помир, Гузгон, Гарҷистон, Валҳ, Қундуз, Симингон, Руб, Фаз ва яна бир қатор катта-кичик тарихий вилоятларни ўз ичига оларди. VII–VIII асрларда санаб ўтилганлар вилоятларнинг ҳар бири алоҳида ярим мустақил майда ҳукмдорликлар сифатида билинар ва уларнинг барчаси Тўхористон ябгулари сулоласига бўйсунар эди. Шу тариқа Тўхористонни Суғдга ўхшаш, бироқ бирмунча фарқ қилувчи конфедератив характердаги нисбатан йирикроқ ҳукмдорлик ҳисоблаш мумкин. Айни пайтда ўлка Турк хоқонлигига бўйсунар ва *Ябгулар* сулоласи келиб чиқишига кўра Ашина хонадонига мансуб эди¹¹⁵.

Нумизматик материаллар ҳам ёзма манбалар сингари ўлканинг мазкур хусусиятини ўзида акс эттирган. Ҳусусан, Тўхористондаги ҳукмдорликлардан 10 га яқини ўз тангаларини зарб қилдирган бўлиб, улардан бир қисми бақтрий, бир қисми эса суғдий тилли эди. Ушбу тангалар орасида Ғарбий Турк хоқонлиги ва Самарқанд тангаларига ўхшаш кўшалоқ портретли ♀ ромбсимон тамғали тангалар алоҳида ажралиб туради (*I.расм 25*). Тадқиқотчилар томонидан шу пайтгача Ҷағониённинг туркий ҳукмдорларига тааллуқли бақтрий ёзуvida босилган деб ҳисобланувчи мазкур тангалар аслида суғдий ёзувда бостирилгани аниқланди ва ундаги жумлалар *prn γwβ* – “қут (соҳиби) ҳукмдор” шаклида ўқиб чиқилди¹¹⁶. Бу тип тангаларнинг баъзи вариантларида ҳукмдор ва малика тасвири атрофида суғдий жумла ўрин олган бўлиб, уни сўроқ ишорати остида *txw'r'k xw(βγ)/(cp)γw* – “Тухор ҳукмдори/жабғу” тариқасида ўқимоқдамиз¹¹⁷. Агар бу талқин бошқа нумизматик материаллар асосида янада ўз исботини топса, у ҳолда бу танга Ҷағониён ҳукмдорларига эмас, Тўхористон ябгуларига оид бўлиб чиқади. Айтиб ўтиш керакки, шу пайтгача тадқиқотчилар фақат паҳлавий ёзуви билан “ябғу” унвони акс эттирилган тангалар (*I.расм 24*)

¹¹⁵ Бичурин Н.Я.Собрание сведений ... II. – С. 321.

¹¹⁶ Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu - The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate. – Ankara: TİKA, 2007. – P.193.

¹¹⁷ қаранг. www.zeno.ru. No. 27992

мавжудлигидан хабардор эди ва уларни Тўхористон ябгуларига тегишли деб ҳисоблашарди¹¹⁸.

Тўхористонда босилган, бироқ ҳалигача айнан қайси ҳукмдорликка оидлиги тўлақонли аниқланмаган Сосонийлар тақлиди тангалар эса бу давр Тўхористон тарихининг муҳим жиҳатларини очиб бериши мумкин (*Расм 23*). Чунончи, бу тип тангаларда Фарбий турк хоқонларига тааллуқли баъзи Чоч тангаларидағи 2 та тамға билан яқин ўхшаш тамғалар учрайди (*таққосланг*).

Тўхористон:  / ,  – Чоч:  , ). Бундан ташқари, кам ўрганилган баъзи Тўхористон тангаларида Фарбий Турк хоқонлигининг *Ябгу-хоқонлик* даври (VI аср охирлари – VII аср 30- йилларигача) тангаларига хос тамғалар учраши диққатга сазовордир (*И.расм 22*:  - ). Эҳтимол, бу тангалар ҳам Тўхористондаги *Ябгулар* сулоласи томонидан зарб қилингандир. Зотан, ушбу сулола вакиллари келиб чиқишига кўра Фарбий турк хоқонларига бориб тақалар эди.

Тўхористондаги ҳукмдорликлардан бири Термиз ҳам ўз танга зарбига эга эди. Термиз тангаларининг бир томонида туркий қиёфали ҳукмдор тасвири, бир томонида ўқсимон  тамға акс этган бўлиб (*И.расм 26-27*), улар Фарбий Турк хоқонлиги ва Панч тангаларидағи тамғалар билан яқин ўхшашликка эга ( /  -  ).

Бақтрий ёзувли Тўхористон тангалари орасида (*И.расм 28*)  шаклии тамға ва унинг атрофида *tadonotarxano bagdaiggo varobido* - “Барча бахтга соҳиб ҳукмдор Тудун-тархон» жумлалари акс этган тангалар учрайди¹¹⁹. Муҳими шундаки, Табарий ўз асарида 737 йилги воқеалар муносабати билан, Хутталнинг асли бомиёнлик бўлган Тудун-тархон исмли туркий ҳукмдорини қайд қиласиди¹²⁰. Бу эса мазкур тангалар ушбу ҳукмдор томонидан зарб қилдирилган бўлса керак деган тахминга имкон яратади.

Тўхористонда босилган тангалардан яна бири Сосоний тақлиди тангалар бўлиб, уларда сугдий ёзувда “хоқон” ёки “тегин” унвонлари босма (надчекан/контрмарк) тарзда ўрин олган (*И.расм 29*). Тадқиқотчилар бу тип тангаларни хоқонлик томонидан VI аср охирларида Тўхористонда зарб қилдирилган илк тангалар бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар¹²¹.

¹¹⁸Esin E. “KÜN-AY” (Ay-Yıldız motifinin Proto-Türk devirinden Hakanlırlara kadar ikonografisi) // VII. Türk Tarih Kongresi. Kongreye sunulan bildiriler, I. Cilt. – Ankara, 1972. – S. 348-350; Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // History of Civilizations of Central Asia, vol. 3. – Paris 1996. – P. 371.

¹¹⁹Humbach H. Pangul, a Turco-Bactrian Ruler // Bulletin of the Asia Institute, New Series, 10, 1996. – P. 247-251.

¹²⁰«История» ат-Табари». Избранные отрывки ... С. 256.

¹²¹Баратова Л.С., Лившиц В.А. О согдийских надчеканах на Сасанидских монетах и подражаниях им // Культурное наследие Средней Азии. – Т., 2002. – С. 21–23.

Тўхористоннинг Вахш вилоятида босилган деб тахмин қилинувчи ўртаси юмалоқ тешикли тангалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисмида бақтрий ёзуви ёки тамға жой олган (*I.расм 30*).

Хуллас, ҳали етарлича ўрганилмаган Тўхористон тангалари ёзма манбалардаги маълумотларни тасдиқлайдиган маълумотларни ўзида акс эттиради. Аҳамиятлиси шундаки, бу давр тангаларининг муҳим бир қисмини туркий характерли тангалар ташкил қиласди. Дарвоҷе, хитой, бақтрий ва араб манбаларидан маълум бўлишича, ўлкадаги мавжуд 27 та кичик ҳукмдорлик орасида нисбатан йириклари Термиз, Ҷағониён, Балх, Бадғис, Хуттал, Вахш, Вахон, Шуман, Ахарун, Кубодиённи туркий сулолалар бошқаришган¹²². Эндиликда бу нафақат ёзма манбаларда, балки нумизматик материалларда ҳам ўз тасдигини топмоқда.

VII. Хоразм воҳаси тангалари

Илк ўрта асрларда Хоразм мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан фарқлироқ ўз бошқарув тарзига эга ҳукмдорлик эди. Айниқса, Суғд ва Тўхористондан фарқли ўлароқ, бу ерда нисбатан марказлашган сулола ҳукм сурган. Бу ҳам ёзма манбалар, ҳам нумизматик материаллар асосида ўз тасдигига эга. Тангаларда қадимги Хоразм давлатчилик анъаналарига хос рамзлар жой олиши, стандарт ўлароқ *MR'Y MLK'* тарзида қўшалоқ унвон учраши диққатга сазовордир. Шунингдек, уларга ҳукмдор қалпоғи устида ўз даври мифологияси билан боғлиқ турли эътиқодий тимсоллар: тую, бургут каби ҳайвон тасвиirlарининг акс этиши хосдир (*I.расм 31-33*).

Воҳанинг исломдан аввалги нумизматикаси Б.И. Вайнберг томонидан ўрганилган бўлиб, қадимги хоразм ёзувлари акс этган тангаларни тадқиқ этиш мобайнида тадқиқотчи ёзма манбаларда, айниқса Абу Райхон Беруний асарларида қайд этилган 22 нафар Хоразм ҳукмдоридан бир қанчасининг исмини топишга муваффақ бўлган¹²³. Улар орасида *wzk'nšw'r* (Азкачвар, араб манбаларида Ҷағон) исмли ҳукмдор фаолияти Хоразм тарихига тааллуқли бир қатор масалаларни келтириб чиқаради. Чунончи, мазкур ҳукмдорга тегишли, деб тахмин қилинадиган тангада ўша давр Хоразм тангаларига хос  шаклли тамғадан (*I.расм 31*) фарқ қилувчи  шаклли тамға жой олган бўлиб (*I.расм 32*), бу эса у Хоразмнинг бошқарувчи сулоласига мансуб бўлмай, асли ҷағониёнлик туркий сулолага мансуб ҳукмдор мазмунидаги

¹²² Гафуров Б.Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – М., 1972. С. 227; Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. – Душанбе, 1989. – С. 30–31; Бобоёров F. Турк хоқонлиги даврида Тоҳаристон //Мозидан садо, 2002, №4. – Б. 10-11.

¹²³ Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. – М., 1977. – С. 57, 60, 81; Беруни, Абу Рейхан. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М.А.Салье // Беруни. Избранные произведения. Т. 1. – Т., 1957.

фикрлар билдирилишига сабаб бўлди¹²⁴. Масаланинг қизиқ томони, ушбу тамға Ғарбий Турк хоқонлигининг VII асрнинг иккинчи чорагида зарб қилина бошлаган тангаларидағи тамғаларга жуда яқин келади (*таққосланг.*

Ӣ- **Ӣ-** **Ӣ-**)¹²⁵. Маълумки, бу даврда Чагониён, Хуттал, Кумед, Воҳон каби Тўхористоннинг ўнлаб кичик хукмдорликларини туркий сулолалар бошқарган бўлиб, ўлканинг бир қанча тангаларида хоқонлик тамғасига ўхшаш тамғалар жой олган.

Кейинги йилларда Хоразмнинг исломдан аввалги даврига тааллуқли кўплаб янги нумизматик материаллар топилмоқда. Улар орасида танганинг ўнг юзасида сүғдийча, тескари томонида хоразмийча ёзувлар учрайди. Фақат бу соҳада тадқиқот олиб борувчи мутахассислар ниҳоятда кам. Шу боис, Хоразм тангаларининг давлатчилик тарихини ўрганишда манба сифатидаги ўрни етарлича тадқиқ этилмасдан қолмоқда.

ХУЛОСА

Марказий Осиё цивилизациясига ўз ҳиссасини қўшган ва уни дунёга танитган этнослардан бири сифатида билинадиган сүғдийлар минтақа халқлари тарихида ўзига хос из қолдирди. Бу уларнинг милоддан олдинги сўнгги мингийилликнинг ўрталаридан то милодий X асргача бўлган минг йилдан ортиқ бир давр мобайнида Буюк Ипак йўлининг нафақат Марказий Осиёдан ўтувчи тармоқларида, балки Шарқий Европадан то Узоқ Шарққача, Уролбўйи ва Жанубий Сибирдан то Шимолий Ҳиндистон ва Тибетгача чўзилган ҳудудларда яшаган турфа халқларнинг дунёнинг турли бурчакларида яратилган маданият янгиликларидан хабардор бўлишларни таъминлагани, шунингдек, юксак маданият яратган этнослардан бири бўлгани мисолида ўз ифодасига эга. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, сүғдийлар билан ёнма-ён яшаган ва кўп ҳолларда уларнинг ҳомийлари бўлган туркийлар ҳам кўп асрлар давомида худди шу вазифани бажарган эдилар. Маълумки, узоқ асрлар давомида ҳар иккала халқнинг ўзаро қўшни ва аралаш яшашлари пировардида уларнинг ўзаро сингишиб кетишига олиб келди.

Милоднинг ilk асрларида ёқ юксак ривожланган ёзув маданиятига эга бўлган сүғдийлар ўз тилларида юзлаб ёзма ёдгорликлар мерос қолдиришди. Уларнинг ilk ўрта асрларга тегишли хуқуқий хужжатлари, ёзма иш юритиш

¹²⁴Гудкова А.В. Ток-кала. – Т., 1964. – С. 120.

¹²⁵Фойибов Б. Суғднинг Кушония хукмдорлиги тарихига доир // Имом ал-Бухорий сабоклари. – Т., 2014. – №1. – Б. 49-52.

тартиби ва ёзишмалари, бадиий ва диний адабиёти, танга-пул тизими, таржима ишлари ва ҳоказолар бу тилнинг нақадар тараққий этганлигидан дарак бериб турибди.

Яқин Шарқда сомий тилли халқлар ихтироси бўлмиш оромий ёзуви асосида шаклланган суғдий ёзув эса ўз даври учун мукаммал алоқа воситаси вазифасини бажариши баробарида ўзига хос ёзилиш тарзи - ҳуснихати билан санъат даражасига қўтарилиди. Бу ёзувдан нафақат суғдийларнинг ўзлари фойдаланишди, балки туркийлар ҳам кўп йиллар давомида бу тил ва ёзувдан давлат бошқаруви ва иш юритишда унумли фойдалана билдилар. Суғд воҳасидан ташқари Уструшона, Чоч, Фарғона, Шимолий Тўхористон, Ўрта Сирдарё, Еттисув, Шарқий Туркистон (Кошғар, Турфон), Шимолий Хитой, Ўрхун водийси (Мўғалистон)да ушбу тил ва ёзув кенг қўлланилгани буни тасдиқлайди. Турк хоқонларининг ўз ёдномалари – битиктошларни яратишда ва танга-пулларини бостиришда унга мурожаат қилгани ҳам бежиз эмас.

Дарвоқе, бугунги кунда археологик изланишлар натижасида нафақат Марказий Осиёнинг турли ўлкаларида, балки кунчиқарда – Жанубий Сибир, Узок Шарқ, Хитой, Тибет ва Шимолий Ҳиндистондан, кунботарда – Волга – Урол ва Каспийбўйларидан топилаётган суғдий ёзма ёдгорликлар узок ўтмишнинг унутилмас ёғдуларидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI–VIII вв. – Т., 2007.
2. Бабаяров Г. Доисламские монеты Бухары с изображением парного портрета // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 4/ Под. ред. Ш. Камолиддин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2017. – С. 105-125.
3. Бабаяров Г., Кубатин А. Роль согдийского языка в Западно-Тюркском каганате // Endangered languages and History. Foundation for Endangered Languages in collaboration with the Academy of sciences of Tajikistan. Proceedings of the 13th FEL Conference 24-26 Sept. 2009.– Horog. Edit.: H. Nazarov, N. Ostler. – С. 80-83.
4. Бабаяров Г., Кубатин А. К новой интерпретации имени правящего рода Самарканда из надписей в росписях Афрасиаба // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане / Под. ред. Ш. Камолиддин. – Berlin: LAP Lambert Academic Publishing, 2013. – 17-23.
5. Байтанаев Б. Древний Испиджаб. – Шымкент-Алматы, 2003.
6. Баратова Л.С., Лившиц В.А. О согдийских надчеканах на Сасанидских монетах и подражаниях им // Культурное наследие Средней Азии. – Т., 2002. – С. 21–23.
7. Бернштам А. Н. Согдийская колонизация Семиречья // Краткие сообщения о докладах и полевых исследованиях института истории материальной культуры. – М. -Л., 1940, №6. – С. 34-43.
8. Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726)//ВДИ. 1. – М., 1952. – С. 187-195.
9. Бируни, Абу Рейхан. Памятники минувших поколений / Перевод с арабского и примечания М.А.Салье // Бируни. Избранные произведения. Т. 1. – Т., 1957.
10. Бичурин Н.Я.Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.- Л., 1950.
11. Бобоёрсов Ф. Турк хоқонлиги даврида Тоҳаристон //Мозийдан садо,2002,4. – Б. 10-11.
12. Бобоёрсов Ф. Илк ўрта асрлар тангаларида Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликка доир маълумотлар // Ўзбекистон тарихи манбашунослиги масалалари. – Т., 2010. – Б. 18-40.
13. Вайнберг Б.И. Монеты древнего Хорезма. – М., 1977.
14. Гафуров Б.Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – М., 1972.
15. Гафуров Б.Г. Таджики, древнейшая, древняя и средневековая история. – Душанбе: 1989.
16. Гойибов Б. К нумизматический истории Согда // Ilmiy axborotnoma. Научный вестник. – Samarqand, 2016. – №4 (98). – Б. 6-11.

17. Гойибов Б. Согдийская конфедерация: формирование и особенности // Согдийский сборник. Новейшие исследования по истории и истории культуры Согда в Узбекистане. Вып. 4/ Под. ред. Ш. Камолиддин. – Berlin: Lambert Academic Publishing, 2017. – С. 5-16.
18. Гоибов Г. Ранние походы арабов в Среднюю Азию. – Душанбе, 1989.
19. Грицина А.А. Усрушанские были. – Т., 2000.
20. Гудкова А.В. Ток-кала. – Т., 1964.
21. Зухра Заршинос. Суғд тилига умумий бир нигоҳ / Форс тилидан Шокиржон Олимов таржимаси // СИНО илмий-адабий, фалсафий-ирфоний, маънавий-маърифий уч ойлик журнал. –Т., 2011. –№. 37-40. – Б. 4-35.
22. «История» ат-Табари». Избранные отрывки (Перевод с арабского В.И. Беляева. Дополнения к переводу О.Г. Большакова и А.Б. Халидова). – Т., 1987.
23. Исҳоқов М.М. Суғд ёзувининг шаклланиши ва тараққиёти масалалари / Ўлмас обидалар. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 3-143.
24. Исҳоқов М. Унтуилган подшоликдан хатлар. – Т.: Фан, 1992.
25. Исҳоқов М. Суғдиёнада “ихшид” ва “ихрид” унвонлари ҳақида / Ўзбек давлатчилиги ва маданияти тарихида жанубий Ўзбекистоннинг ўрни. Республика илмий анжумани. – Қарши: 2011. – Б. 64-65.
26. Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Т.: Фан, 2014. – Б. 57-100.
27. Кочнев Б.Д. Среднеазиатские куфические фельсы с изображением коня // Нумизматика Центральной Азии, IV. – Т., 1999.
28. Кубатин А. К вопросу о раннесредневековом согдийском диалекте Чача (на основе нумизматического материала Чачского оазиса VII-VIIIвв.) // Академик У. Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Т., 2008. – С. 105-107.
29. Лившиц В.А. Правители Панча (Согдийцы и тюрки) // НАА, №4, 1979. – С. 56-69.
30. Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкоznания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981. – С. 347-541.
31. Лившиц В.А. Согдийские документы из замка Чильхуджра // Scripta Gregoriana, Сборник вчесть семидесятилетия акад. Г.М. Бонгард-Левина. – Москва, 2003. - Р. 77-88.
32. Лурье П.Б. Заметки о раннеисламском дорожнике в Китай // Материалы и исследования по археологии Кыргызстана. Вып. 1. – Бишкек, 2005. –С. 81-89.
33. Лурье П.Б. Отчет о поездки в Ягноб в 2008 г. // Материалы Пенджикентской археологической экспедиции. Отчет о полевых работах экспедиции в 2008-2009 гг.– СПБ., 2010. Вып. XII. – С. 10-19.
34. Наршахий, Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи. (Форс тилидан А. Расулов таржимаси) / Мерос. – Т., 1991.
35. Насриддина М. Илк ўрта асрлар Суғд конфедерацияси таркибида: Маймурғ ва Панч. –Т., “Шарқшунослик” ТДШИ, 2014. №1. – Б. 72-77.

36. Отахўжаев А. Суғд шаҳрининг турк ҳокими // Шарқшунослик, ТДШИ, №2. – Т., 2001. – Б. 40.
37. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлардаги сиёсий-ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларда Суғд ва Чоч // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б. 15–24.
38. Ртвеладзе Э.В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // ОНУ, 8. – Т., 1982.– С. 31-38.
39. Ртвеладзе Э.В. Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Том 1. – Т., 2002.
40. Ртвеладзе Э.История и нумизматика Чача (вторая половина III - середина VIII в. н.э.). Т., 2006.
41. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970.
42. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., 1981.
43. Согдийские документы с горы Муг / А.А.Фрейман. Описание публикаций. –Вып. I. – М.: Вост.лит., 1962.
44. Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. –Вып. II. – М.: Наука, 1962.
45. Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Хозяйственные документы / Чтение, перевод и комментарии М.Н.Боголюбова и О.И.Смирновой. –Вып. III. – М.: Наука, 1963.
46. Сулайманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Т., 2000.
47. Хўжаев А. Хитой манбаларида суғдларга оид айрим маълумотлар // O'zbekiston tarixi, 2004, №1. – Б. 52-61.
48. Шагалов В.Д., Кузнецов А.В. Каталог монет Чача VI–VIII вв. – Т., 2006.
49. Якубович И. Проблема согдийской этимологии: диссертация на соис. кан. филол. наук. – М.: 2009.
50. Гойибов Б. Суғд конфедерациясида Панчнинг ўрни (илк ўрта асрлар). // Монография. – Т.: Наврӯз, 2012.
51. Гойибов Б. Суғдий ёзув маданиятимиз кўзгуси // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Т., 2013. – №4. – Б. 278-284.
52. Гойибов Б. Суғднинг Кушония ҳукмдорлиги тарихига доир // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Т., 2014. – №1. – Б. 49-52.
53. Гойибов Б. Суғд конфедерацияси: шаклланиши, тараққиёти ва таназзули. – Т.: ABU MATBUOT KONSALT, 2015.
54. Гойибов Б. Нахшаб нумизматикаси // Moziydan sado. Echo of history. Эхо истории. – Т., 2016. –№ 4 (72). – Б. 39-41.
55. Babayar G. Köktürk Kağanlığı sikkeleri Katalogu - The Catalogue of coins of Turkic Qaghanate. – Ankara, TİKA, 2007.
56. Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции, вып. 6. – СПб., 1903.
57. Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003.

58. Esin E. “KÜN-AY” (Ay-Yıldız motifinin Proto-Türk devirden Hakanlılara kadar ikonografisi) // VII. Türk Tarih Kongresi. Kongreye sunulan bildiriler, I. Cilt. – Ankara, 1972. – S. 348-350.
59. Gayibov B. Sogdian Confederation: The Kingdoms Position and Peculiarity // The international journal of Humanities & Social Studies. Vol. 4. Issue 6.– India: 2016. –P. 88-94.
60. Gayibov B. About Confederative Administration Ruling of Sogd // International Journal of Central Asian Studies. SouthKorea. Volume 20. 2016. – P. 167-179.
61. Gauthiot R. De l’alphabet sogdien / JA, ser. 10, 1911, – T. 17.
62. Gauthiot R. Essai de grammaire sogdienne. I. Phonetique / Mission Pelliot en Asie Centrale. Ser. petit in-octavo, – T. 1. – Paris, 1914-1923.
63. G‘oyibov B. O‘zbek va tojik tilidagi sug‘diy so‘zlar xususida: tarix va talqin // Ilmiy axborotnoma. Научный вестник. – Samarqand, 2014. – № 6 (88). – Б. 16-21.
64. G‘oyibov B. Sug‘diy hukmdorlar shajarası xususida (Panch misolida) // Ilmiy axborotnoma. Научный вестник.– Samarqand, 2014. – №2 (84). – Б. 11-15.
65. G‘oyibov B. Samarqand – Sug‘d konfederatsiyasining boshqaruv markazi sifatida // Ilmiy axborotnoma. Научный вестник. – Samarqand, 2014. – № 4 (86). – Б. 11-17.
66. G‘oyibov B. O‘zbek va tojik tilidagi sug‘diy so‘zlar xususida: tarix va talqin. 2. / Ilmiy axborotnoma. Научний вестник. – Самарқанд: 2015. – №4 (92). – Б. 15-20.
67. Gharib B. Sogdian dictionary. Sogdian-Persian-English. – Tehran: Farhang Publications. 1995.
68. Gharib B. Ph.D.Dissertation. Analusis of the Verbal System in the Sogdian Language. University of Pensulvania, Ann Arbor, Michigan: University Microfilms, ins. 1965.
69. Gershevitch I. A grammar of Manichaen Sogdian. – Oxford, 1954. 2-ed. – Oxford, 1961.
70. Grenet F. Les «Huns» dans les documents Sogdiens du mont Mugh (aves un Appendice par N. Sims-Williams) // StIr, 7. Études Irano-Aryennes offertes à Gilbert Lazard. – Paris, 1989. – P. 165–184.
71. Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – P. 155–196.
72. Frye R.N. The History of Bukhara. Translated from a Persian abridgment of the Arabic original by Narshakhi. – Cambridge, 1954.
73. Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // History of Civilizations of Central Asia, vol. 3. – Paris 1996. – P. 367-401.
74. Humbach H. Pangul, a Turco-Bactrian Ruler //Bulletin of the Asia Institute, New Series, 10, 1996. – P. 247-251
75. Lurje P.B. How long was Sogdian spoken in Transoxania? / Prossedings of the 5th European Conference of Iranian Studies. –Ravenna, 2001.

76. Sims-Williams N. The double Sistem of nominal inflexion in Sogdian // TPhS. 1982. – P. 67-76.
77. Sims-Williams N. “Sogdian” // Compendium Linguarum Iranicarum, ed. R. Schmitt. –Wiesbaden: 1989.
78. Sims-Williams N. Sogdian and other Iranian Inscriptions of the Upper Indus, I-II, c II, Part II, vol III. –London, 1989.
79. Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys, 1. – Алматы, 2006.– P. 95-111.
80. Togan A.Z. Umumi Türk tarihine giriş. 1. cilt. En eski devirlerden 16. asra kadar, 3. Baskı. – Istanbul, 1981.
81. Vaissière E. de la. Sogdian traders: a history. Trans. by J. Ward. (Handbook of Oriental studies. Section 8,Central Asia; v. 10). – Leiden – Boston: Brill, 2005.
82. Yoshida Y. “Sogdian”, Facts About the World’s Languages (An Encyclopedia of the World’s Major Languages, Past and present), eds. Jane Garry and Carl Rubino. –New York and Dublin: 2001. – P. 672-674.

ИЛОВАЛАР

№	Хукмдорликлар номи	Сулола номлари	Тамға шақллари	Тангаларда ўрин олган унвонлар	Бошқарув Йиллари
1	Чоч	Тегинлар	Ҭ	тегин, элтаб ар	605-750 йй.
		Тудунлар	Ҭ	Тудун	640-750 йй.
		“Чоч хукмдорлари”	Ҳ	Хүеу	VI-VIII аср.
2	Фаргона	Ашина	Ҳ (Ҳ, Ҳ, Ҳ)	Хоқон	630?-750 йй.
		Ихшидлар	-	Ихшид	VI-VIII аср.
		Тутуклар		Тұтуқ	VII-VIII аср.
3	Уструшона	Афшинлар	Ҧ	MR'Y	VII-VIII аср.
4	Сүғд: 1) Самарқанд 2) Панч 3) Кеш 4) Нахшаб	Ихшидлар	Ӯ	хоқон, MLK'	VII-VIII аср.
		Афшинлар	Ҳ (Ҳ)	MR'Y	VII-VIII аср.
		Ихридлар	Ҷ	Aхурпам	VII-VIII аср.
		Испаҳбодлар?	Ҽ	Хүс	VII-VIII аср.
5	Бухоро	Бухорхудотлар	Ҳ	пұхар хүс кава	VI-VIII аср.
6	Тўхористон (марказ) 1) Чагониён 2) Термиз	Ябғулар	Ӯ, Ҳ(?)	ябғу?	VII-VIII аср.
		Чагонхудотлар	Ҳ(?)	Хүс	VII-VIII аср.
		Термизшоҳлар	Ҭ	-	VII-VIII аср.
7	Хоразм	Хоразмшоҳлар	Ӯ, Ҳ	MR'Y MLK'	VI-IX аср.


ИЛОВА I. Илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиғи ва унга қўшни худудлардаги воҳа хукмдорликлари тангаларида ўрин олган унвонлар ва тамғалар



II. ИЛОВА. I.Расм. Илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиги воҳа хукмдорликларида босилган сүғдий (1-21, 25, 29), қадимги турк (7), бақтрий (28), пахлавий (24, 29) ва хоразмий ёзувли (31-33) тангалардан айрим намуналар

<i>№</i>	<i>Сүгдийн курсив ҳарфлар</i>	<i>Оромий ёзуви</i>		
	<i>Танга ёзувларига кўра</i>	<i>арабча ёзувда</i>	<i>Ўзбекча ёзувда</i>	<i>сомийча номланиши</i>
1		ا	(о, а)	Aleph
2		ب	(б)	Beth
3		ج	(х, ф)	Gimel
4		د	(д, л)	Daleth
5		ه	(х)	He
6		و	(в, у, ў)	Vau
7		ز	(з)	Zain
8		ح	(х)	Cheth
9		ط	(т)	Teth
10		ى	(й, и)	Jod
11		ك	(к)	Caph
12		ل	(л)	Lamed
13		م	(м)	Mem
14		ن	(н)	Nun
15		س	(с)	Samech
16		ع	(ъ, ў)	Ain
17		پ	(п, ф)	Pe
18		ص	(ч)	tzaddi
19		ق	(қ)	Koph
20		ر	(р)	Resh
21		ش	(ш)	Schin
22		ت	(т)	Tau

III. ИЛОВА. Илк ўрта асрларда Амударё – Сирдарё оралиғидаги воҳа хукмдорликлари тангаларида ўрин олган сүғдий ҳарфлар



Mugh A-14

A-14

- (1) 't $\beta\gamma w$ $\gamma w\beta w$ RBch 'nwt syw δ y- 'nk MLK' smr-kn δ c MRY-'
- (2) $\delta y w$ 'sty-cw MN $\gamma \nu \rho \delta$ C RYPW my-k
- (3) $\beta n t k$ $\beta t w p$ -rn p-t \check{s} k-w'n
- (4) $\beta \gamma y$ $\gamma w \beta$ ZKn RBk'- prn $\gamma r \beta$ nm'cyw p-t \check{s} k-wy-'m
- (5) rty- $\beta\gamma$ 'zw m δ y 'kw c'cy-nk $\gamma w \beta$ 'ysw rty $\beta\gamma$
- (6) $w \beta y w$ pwsty-t p-tywy- δ w $w \beta y w$ 'cw pr 'z β 'k p-t \check{s} k-w'n
- (7) h m't rty 'sp-tkw 'pw p-r'y-kw p-ty- \check{s} kwy-w $w \beta y w$
- (8) 'kw t δ wn s'r $w \beta y w$ 'kw n'z-tyryw s'r rty $\beta\gamma$ (Z)Kw

- (9) γ'γ'n pwstk ZY ZKn βry'nk MLK- ' p(w)stk
(10) ZKn βry'nk twttk'y δsty- ' kw (β)ry'nk
(11) MLK- ' s'r p-r'šyw rty-βy 'zw cywy-δ p-yδ'r '(s)k-y
(12) s'r L' γrtw β'm p'r-ZY βy ZK γ'γ'n- w'γ(r)š ''δc
(13) wy-n'n-cyk L' 'sty rty βy MN tδ'wn (Z)[Y] MN
(14) n'z-tyr'yw p-wstk ZY p-'tcyny- ' βy(r)[w] (r)ty βy
(15) c'n'kw 'kw 'pw-rtk- 'n 'y-sw rty βy ZKw c'δr-cyk
(16) z'w ''δc γwpw L' p-tywš'm ZY ms ZK 'stw-ršny-k
(17) 'wt'k s'tw 'p-y'n-štk rty-βy 'zw γw(ty) γwδk- 'r
(18) 'pw ''wr'δk rty βy L' ryn'm yrt rty βy cywy-δ
(19) δβty-kw 'kw c'cw s'r zyw'rtw rty βy prwy-δ MN γwβ
(20) šyrw βzy-kw p-ckwyr'k 'skw'm rty-βy ZK tδwn rm
(21) t'zy-kyt pr'yw pr βr'z p-y'n-štk rty-βy pr βr'z ZK
(22) z'mrβ'z ZY ZK p-'rsyk cp-'yš c'δrs'r yrt'nt w'n'kw
(23) w'yrš k-t wβyw ZKw twy p-cy'zy- 'nt wβyw MN t'zy-kyt- '
(24) z'wr sy-ny- 'nty rtyβy ZK γw''nk w'yrš cp-δ' 'pw wyn
(25) 'hcy-k γcy w'n'kw ZY c'n'kw 'sk-ys'r yrt'nt rty
(26) ty-m prm ''δk L' ''yt rty-βy tδwn rm t'rβnt pr'yw
(27) βr'stw δ'rt rty-βy z'y-th s'tw βy- 'rtw δ'rt rty βy
(28) pr c'δrcy-k βr'z w'yrš ZK n'z-tyryw šyrw 'nwtycn'k
(29) 'sty wβyw ZY ms pr trts'r L' 'wy'nz 'zyw p-ckwy-rstk'n
(30) MN γwβ rty-βy py-št MN γwβ w'yrš L' nzt'βwt
(31) rtyβy ny-š ZKwh n'my-th ZKn mrw'n δsty 'kw knδy s'r
pr'šyw
(32) 't βyw γwβw RBch 'nwth sywδy- 'nk MLK' smr-knδc MRY- '
(33) δyw'sty-c MN (γ)ypδ C RYPW my-k
βntk βtwprn
(34) ptšk-w'nh

Таржимаси¹²⁶

- (1) Жаноб хукмдорга, буюк таянчимиз, Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими
- (2) Деваштичга, унинг энг эътиборсиз (“миллиончи” даражали)
- (3) кули Фатуфарндан мурожаатнома.
- (4) Жаноби хукмдор, (сенга) буюк шон-шараф (эгасига) кўпдан-кўп таъзим йўллайман (“мурожаат қиласман”).
- (5) Ва жаноб, мен бу ерга, Чоч хукмдори хузурига келдим. Жаноб,
- (6) хатларни ҳам топширдим, оғзаки (“тил билан”) (айтилиши) лозим бўлган
- (7) мурожаатномани ҳам тўлиқ, оқизмай-томизмай (“қолдиқсиз”) баён этдим
- (8) тудунга¹²⁷ ҳам, унинг ёрдамчисига ҳам. Ва жаноб,

¹²⁶Ушбу таржима ва изохлар А-14 ҳужжатнинг В.А. Лившиц томонидан русчага ҳамда Ф. Грене ва Э. де ла Весьэр томонидан инглизчага ўғирилган вариантлари асосида М. Исҳоқов, F. Бобоёрв ва А. Кубатинлар томонидан амалга оширилди (*қаранг*. Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В.А.Лившица. – Вып. II. – М.: Наука, 1962. – С. 78-79; Grenet F., de la Vaissiere E. The last days of Panjikent // Silk Road Art and Archaeology, 8. – Kamakura 2002. – Р. 167–171; Исҳоқов М., Бобоёрв F., Кубатин А. Суғд тилидаги манбалар / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Т.: Фан, 2014. – Б. 57-100).

¹²⁷Тудун – қадимги туркий унвон. Фарбий Турк хоқонлиги томонидан Чоч хукмдори бошқарувини назорат килиш ва соликлар йигиш учун юборилган ноиблар ушбу унвонга эга бўлиб, улар Чоч хукмдори сифатида

- (9) хоқонга¹²⁸ (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарфона подшосига мўлжалланган хатни
 (10) ҳам Фарфона тутуғи¹²⁹ (лашкарбошиси) қўли билан Фарфона
 (11) подшоси томон жўнатдим. Жаноб, мен шу туфайли юқорига
 (12) томон (яна йўл) юра олмадимки, хабарларга кўра хоқонни кўришнинг
 (13) (хеч) иложи йўқ эмиш. Жаноб, тудундан ва унинг
 (14) ёрдамчисидан хат ва (оғзаки) жавоб олдим. Сўнг, жаноб, (йўлга чиқиб)
 (15) Апвартконга (етиб) келганимда, жаноб, Чадрчик ерлари
 (16) ҳақида яхши хабарлар эшитмадим, ҳамда Уструшона
 (17) вилояти ҳаммаси (душманга) топширилган(лигини билдим). Жаноб, мен ёппа-
 ёлғиз,
 (18) ҳамроҳсиз ҳолда (йўлида давом этиб), олға юришга журъат қилолмадим. Ва, жаноб,
 (19) шунинг учун қайта Чоч томон қайтиб кетдим. Ва, жаноб, бунинг учун сендан
 (“хукмдоримдан”)
 (20) жуда-жуда ёмон қўрқяпман. Ва, жаноб, тудун
 (21) тазик (араб)лар билан тузган битимга биноан чекинди. Ва жаноб, битимга кўра
 (22) Жамраваз ва форс лашкарбошиси қуи томон томон кетдилар.
 (23-24) хабарлар (борки), товон ундириб олиш ва қўшинларини тазик(араб)лардан
 нарига олиб кетиш (уларнинг мақсадидир). Ва, жаноб, хабарларга биноан Хун
 (турк)лар¹³⁰ хеч кўринмайди,
 (25) чунки улар юқорига қараб кетишди ва
 (26) ҳалигача ҳеч ким қайтиб келгани йўқ. Ва, жаноб тудун Тарбанд билан
 (27) битим тузган эди, ва, жаноб, у ердаги барча жойларни олди. Ва, жаноб,
 (28) Чадрчикда (тузилган) сулҳ муносабати билан эшитимча (“сулҳ хабари туфайли”)
 ёрдамчи жуда ғамгин,
 (29) ва яна хузурингга боролмагани учун сендан (“хукмдордан”) қўрқмоқда.
 (30) Жаноб, сўнгра, сен томондан (“хукмдордан”) бошқа хабарлар кела олмай қолди.
 (31) Жаноб, мана бу (қўлингга тегажак) хатларни мен Марвон (исмли киши) орқали
 Канд томонидан жўнатмоқдаман.
 (32) Жаноб хукмдорга, буюк таянчимиз, Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими
 (33) Деваштичга, унинг энг эътиборсиз (“миллиончи” даражали) қули Фатуфарндан
 мактуб.

IV. ИЛОВА. Муғ тоғи суғдий А-14 рақамли Суғд элчиси Фатуфарнинг 722 йилда Чоч (Тошкент)воҳасидан туриб, Панч ҳукмдори Деваштичга ёзган мактубининг ўзбек тилидаги таржимаси.

суғдий ёзувда “Чоч ҳукмдори Тудун” унвонли ўз тангаларини зарб қилдиришган (*Қаранг*. Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса ... с. 52-62).

¹²⁸Хоқон – қадимги туркларда “император” маъносидаги олий унвон. Мактубда айнан қайси хоқон ҳақида гап борганилиги аник эмас. Чунончи, мактуб ёзилган паллада Марказий Осиёда З та йирик туркий салтанат: Фарбий Турк, Тургаш ва Шарқий Турк хоқонларни мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўз хоқонлари бор эди. Ўша йилларда улар ўз ички ҳудудларидаги муаммолар билан ўралашиб қолган бўлсалар-да, Амударё – Сирдарё оралигидаги сиёсий воқеликларга бефарқ эмас эдилар. Араб, хитой ва суғдийча манбаларда Чоч, Фарфона, Суғд, Бухоро ва Тўхористон ҳукмдорларига бошчилик қилиб, иттифоқчиликда араб истилосига қарши курашган турк хоқонлари ҳақида маълумотлар учрайди.

¹²⁹Тутуқ – қадимги туркча унвон. Фарбий Турк хоқонлиги томонидан вассал ҳукмдорликларга ноиб сифатида юборилган вакиллар ушбу унвонга эга бўлишган.

¹³⁰Хун – милоднинг III асрига оид Дунхуан (Хитой)дан топилган суғдий “Эски хатлар”да марказий осиёлик кўчманчи давлат асосчилари шу ном билан тилга олинади. Муғ хужжатларида эса “хун” атамаси “турк” хоқонлари ва туркий этнослар маъносига келади.



(1) '(*'aleph) β (*bēth*) γ (*gimel*) d (*dāleth*) h (*hē*) w (*wāw*) z (*zayin*) x (*apam.* h — *heth*) t (*teth*) y (*yōdh*) k (*kāph*) (2) l (*lāmedh*) m (*mēm*) n (*nūn*) s (*sāmek*) ('*ayin*) p (*pe*) c (*apam.* s — *sādē*) q (*qōph*) r (*rēš*) $š$ (*šīn*) t (*tāw*) l (*lāmedh*).*

V-ИЛОВА.1965 йил Панжикентдан топилган сүгдий алифбо. Сополга битилган.